

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Э. ГУЛМЕТОВ, Т. ҚОБИЛЖОНОВА, Ш. ЭРНАЗАРОВ,
А. МАВРУЛОВ

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

Маърузалар матни

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта
кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика му-
вофиқлаштириш комиссияси тавсия этган.*

Тошкент — 2000 йил

Тақризчи: А. Болиев

МУҚАДДИМА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар таркибида Маданиятшунослик (Маданият тарихи)- энг ёш фан. Бу фан барча ўқув юртларида Мустақиллик йилларидан эътиборан ўқитила бошланди.) Бу жамият ҳаётини маънавий соғломлаштириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Аслида элимизда маданий-маънавий ислохатлар юртбошимиз И. А. Каримов ташаббуси билан 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат мақоми берилишидан бошланди. Мустақилликнинг тўртинчи тонгида шеърият соҳибқирони Мир Алишер Навоий бобомизга ёдгорликнинг очилиши, 1991 йилнинг 5 сентябр куни Тошкентнинг бош майдонини «Мустақиллик майдони» деб номланиши қалбларга шуур баҳшида этди.

«Мустақиллик, — деган эди И. А. Каримов, — бизни мустабид ва мафқуралашган кишанлардан озод қилди. Ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр қимматини, дини ва эътиқодини, она-тили ва маънавиятини тиклаш имконини берди».

Маданиятшунослик фанини ўқитилиши қуйидаги зарурият ва омиллар билан белгиланади;

Биринчидан, Мустақиллик жамиятнинг барча жабҳаларида-ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда жаҳон тажрибаси ва миллий ўзлик асосида чуқур ислохатларни амалга оширишни табиий равишда кун тартибига қўйди. Бу эски ижтимоий тизимдан янгисига ўтиш демак. У эса энгил кечмайди. Ёшлар бу жараённинг моҳиятини тўғри англамоғи, ижтимоий фаол бўлмоғи учун умуман тарихимизни хусусан маданият тарихини ўрганмоғи, билмоғи лозим.

Иккинчидан, Мустақиллик биз угун жаҳонга юз очди. Ўзбекистон жаҳонни таний бошлаганидек, жаҳон Ўзбекистонни таний бошлади. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий алоқалар кенгайди. Ёшларимиз хорижий мамлакатларда таҳсил олмоқда, ўзга халқлар маданияти, удуми, анъаналари билан танишмоқда. Бундай шароитда ўз маданий-маърифий меросини яхши билмаслик кечирилмас ҳол. Улар жаҳонни ҳайратта солган аجدодлар меросини нафақат билиши, унга муносиб ворис бўлмоқлари лозим;

Учинчидан, Миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, ёшларни миллат ва истиқлол манфаатларига зид ғоялар, қарашлар таъсирга тушиб қолишини олдини олиш вазифаси миллий озодлик ғояларини, буюк мутафаккирларимизнинг мероси ва асарларини атрофлича билишни талаб этади. «Миллат дардига дармон бўлмоқ» учун (Амир Темур) «Ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин».¹

Тўртинчидан, Маданиятшунослик фанини ўқитиш - талаба ёшларда жаҳон ва Ватан маданияти тарихи билан боғлиқ бой материалларни мустақил таҳлил этиш тафаккур мустақиллиги, тарихий онг, асл зиёлиликни шаклланиши, миллатимиз менталитетининг юксалишига йўналтирилган, шунга хизмат қилмоғи лозим.

Маданиятшунослик фани таркибига кўра «Одобнома», Маънавият асослари курсларидан бирмунча мураккаблиги, тарихий материалларга бойлиги билан фарқланади. Қўлланманинг биринчи бобида - ижтимоий ҳодиса сифатида Маданият тараққиётининг асосий қонунлари, турли халқ ва даврларда амал қилган маданиятларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари ёритилади. Иккинчи бобда — қадимдан ҳозирга қадар Шарқ ва Ғарб мамлакатларида маданият тараққиётининг асосий босқичлари, Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъси-

¹ И. А. Каримов., Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин, Т.,1998 й. 10-бет.

ри ҳақида гап боради. Учинчи бобда - Марказий Осиё минтақаси маданияти тарихи, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида маданий тараққиётнинг тарихан теранлиги, қадимийлиги, уни жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни мавзулари ёритилади.

Тақдим этилаётган китоб - Маданиятшунослик фани бўйича тайёрланган дастлабки қўлланма. Унинг таркиби, масалаларни қўйилиши ва ёритилиш услуби юзасидан тақлиф мулоҳазалар бўлиши шубҳасиз. Муаллифлар билдирилган тавсия, тақлифларни миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

1-мавзу

МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. «МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ

Маъруза режаси:

1. *Маданиятшуносликнинг предмети. Маданиятшунослик бўлимлари типологияси.*
2. *«Маданият» тушунчаси талқинида тарихийлик ва илмийлик.*
3. *Маданиятни инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти.*

Маданиятшунослик — маданият ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Унинг манбаи инсоният яратган барча маданий қадриятлардир. Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни талқий қилиш киради. Унинг талқикот манбаи бўлиб:

- инсон яратган санъат соҳаси;
- кишиларнинг муомала воситаси бўлган тил;
- жамият бойлиги ва мезони бўлмиш билим;
- ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;
- жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнлар хизмат қилади.

Маданиятшунослик умумназарий фан ҳисобланиб, унга хос бўлган хусусият - инсоннинг маданий ҳаёти ҳодисасини тартибли тизимга солиб ёндашиш ҳисобланади. Шунингдек, маданият гуманитар билимларни ўзида мужассам қилган ҳолда намоён бўлиши билан бирга билишнинг ўта мураккаб объекти ҳамдир.

5 **Маданият** — бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айни пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси маданиятда гавдаланади. Маданиятни ўрганишда объектив қонуниятлар, ҳодисалардаги сабабий боғлиқлик ҳақидаги аънавий тасаввурлардан фойдаланмаслик ҳам мумкин. Умумий бир соҳа сифатида маданиятга системали ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини қисмларга бўлиб эмас, балки уларни яхлит тасаввур қилиш имкониятини беради. Сис-

темали ёндашув тадқиқотнинг жуда кўп услубларидан фойдаланишга имкон яратлади. Яъни, айрим бир услублар билан олинган натижаларни бошиқаларига қарама-қарши қўймасдан ва мутлақолаштирмасдан хулоса чиқаришга асос бўлади.

Айнан, системали ёндашув маданиятга ўзига хос шаклда муносабат билдирган ҳолда кишилар ҳаёт фаолияти соҳаларини ҳам тушуниш имконини беради. Булардан маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аниқ тузилмага ва аниқ вазифаларга эга бўлган ҳолда ижтимоий муносабатлар таъмоийли, коммуникация, маданий намуналарни ташкил қилиб маданият тизимини белгилайди.

Маданиятнинг мунослик фашининг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

1. Маданият фалсафаси — маданиятдаги мураккаб ва кўпмақсадли жараёнларни таҳлил қилишда ёндашувнинг энг умумий таъмоийларини намоён қилиб, қиёсий таҳлил, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий англаш, фалсафий асослаш билан боғлиқ материалистик, позитивистик, объектив идеалистик ва бошқа кўплаб қарашлар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида инсоннинг табиат ва ижтимоий гуруҳ (социум) оламида жисмоний, маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуллари ва ўзига хос таҳлилий услублари ишлаб чиқилган.

2. Маданиятнинг тузилиш шакли (морфологияси) — инсонга боғлиқ бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маданият ривож жамиятнинг ички қонуниятларига ўзаро боғлиқдир, деб ҳисобловчи маданият морфологияси таққослаш, таҳлил ва бошқа услублар асосида маданият ривожланишининг манбаи ва омилларини очишга уринади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо бўлишидан то инқирозигачадир.

3. Маданият социологияси — бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; бу ҳар хил социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданият жараёнини эмприк (тажриба) тадқиқ қилишда маълум маданият шароитида кишиларнинг ўзаро муносабатларида, социомаданият тоифаларида намоён бўлади.

4. Маданият тарихи ⁴¹¹ ҳар бир маданиятни ноёб ва асл ҳодиса сифатида ўрганади; шунингдек, турли маданиятларни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фарқларини маданий тарққиётидаги ўзига хос ва умумий томонларни тадқиқ этади.

¹ **5. Маданият экологияси** — замонавий инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини: инсоннинг индивидуал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энг янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Маданиятшунослик фанининг асосий муаммоси инсон ҳисобланади, зеро маданият — бу инсон яратган нарсалардир. Маданиятшунослик инсоннинг олам билан фаол муносабатини ва бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлишини, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини, маданиятлар типологиясини ўрганadi.

Маданиятшунослик фани маданиятни илмий изоҳлаб, унинг умумтарихий мазмуни ва маъносини белгилайди, ижтимоий-тарихий билимлар тизимидаги ўрни ва мавқеини асослайди. ¹

«Маданият» атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларда ранг-баранг маъноларда ифодаланган. «Маданият» ва «Культур» атамалари мутахассислар фикрига кўра айни маънони англатиб, лотинча «ишлов бериш», «парвариш қилиш» маъносини англатган. Кейинчалик «маърифатли бўлиш», «тарбияли», «билимли бўлиш» мазмунида ишлатилган. Ўзбек тилида кенг ишлатиладиган «Маданият» атамаси арабча «маданий»-«шаҳарлик» деган маънони билдиради. Агар америкалик маданиятшунос олимлар А. Кребер ва К. Клакхонларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра маданият ҳодисасига берилган таъриф 164 та бўлса, сўнгги адабиётларда бу рақам 400 дан ортиқни² ташкил этади.

Маданият ҳодисаси тавсифида жуда кўп изоҳлар мавжуд «инсониятни яшаш усули; ижтимоий инсоннинг тўлақонли фаолияти», «инсон томонидан яратилган муҳит», «яхлиг социал организм», инсоният яратган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи; сунъий- иккинчи табиат; инсон ижодий фаолияти маҳсули; умуман жамият; жамиятнинг маънавий ҳолати; жамият сифати; шартли белгилар тизими йиғиндиси; метёр ва андозалар ва ҳоказо. ¹

Гарбий Европада маданият тушунчаси XVIII асрнинг охиридан эътиборан ҳозирги мазмунини касб этган бўлса-да, фақат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар категориал тизимидан мустаҳкам ўрин олди. Кишилиқ жамиятини беқиёс кўламга эга бўлган ва доимий равишда ўзгариб боровчи маълумотларни муайян тартибга солишга ёрдам берувчи, умумлашти-

² Л.Ч. Кергман, История культуры стран Европы Америки, М. 1987 й. 14-бет.

рувчи тушунчаларга бўлган эҳтиёжи маданият тушунчасини кенг тарқалишига сабаб бўлди. Қадимги Римда «Маданият»- тушунчаси «ҳаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилашга ва тозалашга қаратилган ғамхўрлик» деган маънода ҳам фойдаланилган. Маълумотларга кўра, машҳур Рим файласуфи-нотиқ Цицерон ҳам «руҳият маданияти» атамасини ишлатган. Европа халқларида XVIII асрнинг охирларигача «Маданият» атамаси ақлий-ахлоқий маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Кўришиб турибдики, «Маданият» тушунчаси хилма-хил талқинига қарамай қадимдан ҳозирги кунгача ўз моҳиятини ўзгартирмаган³.

Ҳозирги даврдаги маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавийт, руҳиятнинг ўзига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Инсоният «Табий» турмуш тарзи асосида яшаган даврда: яъни териб истеъмол қилиш, ов қилиш, балиқ тутиш, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган вақтларида маданият тўғрисидаги фикрнинг туғилиши мунозаралидир. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон ўз маданияти билан «кўшилиб» яшаган. Урф одатлар, эътиқодлар, ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари ундан фарқ қилмаган. Маданиятнинг автономияси намён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосда маданият аста-секинлик билан инсониятдан тобора кўпроқ мустақил бўлиб боради. Инсоннинг эса маданиятга тобейлиги ортади. Ҳозирги постиндустриал жамиятлардаги экологик, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги мавжуд муаммолар фикримизнинг далилидир. Шунинг учун маданиятни феномен сифатида идрок этиш, унинг ривожланиш қонунларини тушуниш ва шу тушунчалар асосида маданиятни бошқаришга ўрганиш зарурият бўлиб қолади.

Инсоният жамияти доимий ривожда бўлиб, у ўзгариб такомиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни ўзгача англайдилар ва қабул қиладилар, ўзларига хос равишда тасавурлари ва билимларини ҳосил қиладилар. Биз ҳозирги даврдаги мавжуд муаммоларга ўхшаш бўлган тўсиқларни ўтмишда одамлар қандай қилиб енгиб ўтганларини ўргана бориб ўтмишга саволлар билан мурожаат қиламиз, ўтмиш бизга жавоб қайтаради ва шу билан ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида доимий мулоқот бўлиб туради.

³ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, М. 1981 й., 1-том, Энциклопедик луғат, Т., 1990, 1-том.

Маданият — жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида маданиятни жамиятда тутган ўрни, жамиятнинг мазмунига ва таҳлил қилинаётган ижтимоий борлиқнинг хусусиятларга боғлиқдир. Ижтимоий жараён, кишиларнинг хатти-ҳаракати, яъни социал фаолияти маданий идеалларни, қадриятларни, нормаларни қарор топтириши ёки барҳам берилишида восита вазифасини, шунингдек кишиларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатларининг шахслараро ва гуруҳлараро алоқалари шакли вазифасини ҳам бажаради.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий ва функционал жабҳаларида ифодаланади. Шу жиҳатдан жамият маданиятни вужудга келтиради. Жамиятда вужудга келган маданият қанчалик мураккаблашиб бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири мукаммаллашиб ва нисбий мустақиллиги кучайиб боради. Масалан, Антик жамият аллақачон ўтмиш, тарихга айланган бўлса-да, унинг маданияти ҳозирги кунда ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда ёки биз бу давр маданиятини ўша вақтдагига нисбатан кўпроқ биламиз. Шунинг учун маданиятга жамиятнинг маҳсули, фаолият услуби сифатида қаралса-да, ҳар бир жамиятни у ёки бу конкрет маданиятнинг шаклланиш манбаи тарзида ҳам қараш мумкин.

Ижтимоий тараққиёт фаолият билан маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришларга олиб келади. Анъанавий ва индустриал жамиятларда информацион фаолият мустақил соҳани ташкил этган бўлса, «компьютер инқилоби» шароитида информациялар, билимлар ишлаб чиқарилиши, янги технологиялар яратиш алоҳида турдаги фаолият сифатида шаклланди, информация қимматбаҳо товарга айланди. Информацион фаолиятдаги билимлар синтези тизимидаги мураккаб ўзгаришлар муҳим қарор топган ғоялар ва қадриятларга таъсир этмоқда. Маънавий маданият информациялари заҳиралари тўпланиши оқибатида цивилизация тараққиётида ташкилотчи ва ҳаракатга келтирувчи факторга айланди. Бунинг оқибатида фаолият ва маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар бошланди. Агарда дастлаб маданият фаолиятнинг мазмунига тўлиқ боғлиқ бўлган бўлса,

цивилизация жараёнлари оқибатида фаолият маданиятни тобора кўпроқ иштирокида шаклланиши кузатилмоқда.

Жамият тараққиётида тарихий инерциянинг катта таъсири-ни ҳам ҳисобга олиш керак. Инерциянинг таъсирида инсоният бажарилиши лозим бўлган вазифалардан тамоман бошқа нарсалар билан машғул бўлади. Чунки жамоа тафаккури қийинчиликлар билан қайта қурилади. Моддий бойликларни қисқа вақт ичида йўқ қилиш ва ёки бузиб ташлаш мумкин, лекин маънавий қадриятлардан тезда воз кечиб унинг янгисини қабул қилиб бўлмайди. Россия ва советлар империяларининг миллий маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни «замонавийлаштириш» соҳасида олиб борган сиёсати оқибати нима билан тугаганлиги кўпчиликка маълум.

Биз маданият ва ижтимоий фаолият бир-биридан мустақил мавжуд бўлмаслиги, маданиятнинг тараққиёти масалаларини қисқача кўриб чиқдик, энди маданиятнинг шахс фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти масаласига тўхтасак.

Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки ички ва ташқи томонлари жиҳатидан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий муҳитда яшайди ва фаолият кўрсатади.

Қомусий олам Абу Наср Фаробий «Бахт саодатга эришув ҳақида» рисолида инсон камолатида жамоанинг роли катта эканлигини таъкидлаб шундай дейди: «Камолатга бир кишининг ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одамзод жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолатга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир». Унинг фикрича, инсон ўз-ўзидан бахтли ҳам бўлолмайди, камолатга ҳам эришолмайди. «Бу нарса унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-ҳунар эгаллашига, билимига ва фозил жамиятда яшашга боғлиқ», дейди. «Давлатнинг вазифаси инсонларнинг бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Фаробий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади. Фаробий жамият ўз ривожига етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бори-

ши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади.⁴

Индивид ижтимоий турмуш ва маданиятга қай тарзда жалб қилинганлигига, унинг табиий имкониятлари, ҳаракати, ҳиссиёти, тафаккури социал-аҳамиятли мазмун билан тўлдирилганлигига ва маданий шакл касб этганлигига қараб шахс сифатида қарор топади. Маданият индивидуал ва ижтимоий ҳаёт билан узлуксиз бирликни ташкил топган вақтгача мавжуд бўлади.

Маданият кишиларга тана аъзолари, инстинктлар ёки туғма истеъдод каби табиатдан берилмайди, ҳар бир индивид ўзининг шахсий тажрибаси асосида, мустақил равишда бевосита теварак атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва ўтган авлодларнинг тўплаган тажрибаларини ўзлаштиради.

Индивидуум ижтимоий амалиёт маҳсули бўлган маданиятни ўзлаштириш билан бирга унга акс таъсир этади. Шахснинг шаклланиши жараёнида маданиятнинг моддий дунёсини ҳам бойитади. Шунингдек инсон маданият нормаларига амал қилган ҳолда нафақат табиатни ва жамиятни, балки, шахсий «табиати»ни ҳам ўзгартиради. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига, «иккинчи табиати»га айланади.

Шахснинг маданият билан ўзаро муносабати ҳеч қачон тўлиқ ва уйғун бўла олмайди. Ижтимоий ва индивидуал ҳаёт, шунингдек маданият стихияси бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доимо инсон билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва усиз яшай олмайди. Лекин воқеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида у ўз ривожланиши қонунарида ва борлиққа нисбатан мустақилдир. У маданий меросни ўзида мужассамлаштирган конкрет социал гуруҳларнинг маънавий ҳаётига нисбатан бойроқ ва чуқурроқдир. Маданият доимо кадриятларнинг энг йирик заҳираси, тажрибалар ҳазинаси бўлиб қолади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, индивид билан маданият ўртасидаги муносабат мураккаб жараён ҳисобланади. Индивидни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон берувчи психосоциал ва маданий дунёқараши ижобий ва салбий қарашларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Инсонга ишчанлик, фидоийлик, матонат, ўтқир зехн билан бирга калтафаҳмлиқ, ялқовлик, шафқатсизлик, ўз манфаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқий кадриятларни соҳтасидан ажрата билмаслик иллатлари

⁴ Маънавият юлдузлари. Т., 1999й., 68 бет.

ҳам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафақат қадрлаш ва сақлаш, балки танқидий ўрганиш талаб этилади.

Қайд этилган сабаблар таъсирида муайян ишлаб чиқариш усули ҳукмронлиги шароитидаги тарихан таркиб тошган ижтимоий ва маданий муҳитда жамият билан индивид ўртасида нисбатан ўзгарувчан мувозанат бўлади. Бу мувозанатни ҳосил бўлишида маданиятнинг ишгиروي салмоқлидир. Маданият шахсга таъсир этади ва унинг психологик ҳолатини шакллантиради, шахснинг характерида ва дунёни билишида муқим ўрнашиб қолади.

1. Шахс маданият билан қуйидаги соҳаларда муносабатда бўлади:

Биринчидан, маданият таъсир этиш объекти сифатида уни ўзлаштиради;

Иккинчидан, маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчи-си сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади;

Учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, унинг шахс ҳаётида тугаган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларимизга хулоса қилиб, шунни айтиш мумкинки, табиат стихияли қонуниятлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёси, ички «табиати» ни шакллантириш мақсадли, йўналтирилган асосда ташкил этилиши мумкин, бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи муқим воситалардан бири бўлади.

2. Маданиятшунослик курси тарих, фалсафа, социология, этнография, социал психология каби бир қатор фанларнинг кесишувидеа вужудга келган, янги социал гуманитар фан ҳисобланади. Унинг изланиш объекти ижтимоий воқелик бўлган маданият ва инсон ҳаёти услуби ҳисобланади. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал қилиниши билан боғлиқ масалалар тўғрисида, маданият қондалари институтларнинг, қадриятларнинг жамият ҳаёти ва ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқалари жараёнлари ўрганилади.

3. Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида, ақл, бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир — таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Форобий фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват-руҳий куч билан боғлиқ.

Форобийнинг ақл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми муқим ўрин тутаети. «Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадики, бу қонунлар воситасида ақл чиниқаети, инсон соғлом фикр юрийтишга ўрганади», — деб ёзган эди у. Форобий мантиқ илми билан грамматика

Ўртасидаги муштаракликни қайд этади: мантикнинг ақлга муносабаги грамматиканинг тилга муносабати кабилар. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғирлаб туради.

Фаробий логикаси мусулмон Шарқидаги сўнгги мантиққа оид фикрларнинг ривожига катта туртки берди. Унинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари инсон ҳақидаги таълимоти учун хизмат қилади. Ақлга эга бўлиш, билимли, мантиқли бўлиш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принципларга, ахлоқий маданиятга эгаллик билан яқунланиши керак. Негаки ҳар бир даврда жамият ахлоқи жамият маданияти деган мезон билан баҳоланар экан, маданиятли инсонни ахлоқсиз, эътиқодсиз, имонсиз ва ақлсиз тасаввур қилиш қийин.

Фаробий: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилятли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни ақлли деб бўлмади, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим»⁵.

Фаробий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда маданиятли жамиятнинг кўп масалалари давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар қамраб олинган.

Курснинг асосий масаласи бу инсон тўғрисидаги, унинг табиати ва имкониятлари тўғрисидаги масалалар. Табиатнинг мавжудлик қонуни хилма-хил бўлганидек, инсоннинг ички табиати, яъни маданияти ҳам табиий муҳит, ижтимоий борлиқ ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Бу ўзгариш фақат илгарилаб бориш, янги қадриятларнинг вужудга келишидангина иборат эмас, Бу бирон-бир соҳадаги бузилишлар, инқирозий аломатларнинг кучайиши билан ҳам характерланиши мумкин. Ҳозирги замон илмий техника тараққиётининг табиий муҳитга, маънавий ҳаётга ва бошқа соҳаларга салбий таъсири фикримизнинг далилидир.

Маданиятшунослик курси маданий тарихий даврларни таҳлил қилишда билишнинг уч босқичини табиий бирликда олиб қарашга ҳаракат қилади.

⁵ Маънавият юлдузлари. Т., 1999 й., 67 бет.

А) Конкрет даврнинг яхлит қиёфасини. яъни унинг бадиий образини яратишга интилади;

Б) Инсоният борлигининг умумий динамикасида даврнинг маънавий ўрнини аниқлайди (ижтимоий онг тарихида, фанда, санъат ва фалсафада ўрганилувчи даврга берилган баҳонинг эволюциясини ҳам ўз ичига олади).

В) Конкрет даврнинг «мазмун»ни таҳлил қилади, яъни унинг ҳозирги давр тафаккурида қандай ўринга эга эканлигини, унинг муаммоларини бизга қандай таъсир этишини, бизга қайси томонлари билан яқинлигини, ҳозирги вазиятнинг қайси социал ва индивидуал камчиликлари унда актуаллашганлигини кўрсатади.

Маданият типлари тарихий даврларга қараб ўзгариб туради. Даврларнинг алмашилиши билан маданиятда ҳам сифат ўзгаришлари юз беради. Конкрет тарихий даврда яшаган кишиларнинг дунё тўғрисидаги тасавурлари, билими, маънавий қадриятлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишимиз учун биз шу даврнинг маданиятига мурожаат қилишимиз лозим. Шунинг учун маданиятшунослик фани турли халқларнинг маданий ривожланиш тарихини жаҳон маданий тараққиётининг таркибий қисми сифатида ўрганиш билан бирга конкрет тарихий даврнинг ижтимоий тараққиётда тутган маънавий ривожланиши босқичлари, умумий қонуниятлари, ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади.

Маданиятшунослик тингловчиларни турли тарихий даврлар маданиятлари ва социал гуруҳларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан бойитади. Тарихий ва гуманитар билимларни тартибга келтиради, ижтимоий турмуш воқеликларини ягона мазмун асосида англашга ёрдам беради. Кўплаб бетакрор ва мустақил маданиятлардан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг бирлиги ва хилма-хиллигини кўрсатади. Кишиларнинг фуқаролик ва маънавий етукликка эришишларида, фикрлар ва қадриятлар плюрализмини кўра билишда фан тараққиётини тўғри баҳолаш қобилиятини ҳосил қилишда муҳимдир.

«Инсон энг олий даражадаги тарихий мавжудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассам» (Н. Бердяев). Негаки, ҳар қандай даврнинг хусусият ва даражаси маданият ривожини билан ўлчанади.

Маданиятшунослик фани муҳим тарбиявий вазифани ҳам бажаради. Инсонда зиёлилик ҳиссини тарбиялаш курсининг диққат марказида туради. Киши қанчалик зиёли бўлса- деган эди Д.С. Лихачев- у шунча кўп тушунади ва ўзлаштиради, унинг

дунёқарашни ва қабул қилиш доираси шунчалик кенгайди. Кишининг маданий савияси қанчалик тор бўлса, у ҳамма янгиликларга ва «жуда эски»ликка нисбатан шунчалик бепарқ бўлади. Ўзининг эски одатлари билан яшайди. Дунёқарашни тор бўлиб, ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди. Ўтмишнинг маданий қадриятларини ва ўзга миллатлар маданиятларини билиш, уни сақлаш, қўпайтириш, эстетик қимматларини қабул қила билишнинг ривожланиб бориши маданий тараққиётнинг энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Инсоният маданияти ривожланиши тарихи бу нафақат янги, балки эски маданий қимматларни излаб топиш тарихидир. Шунингдек, ўзга маданиятларни билиш, маълум маънода гуманизм тарихи билан қўшилиб кетади. Бу бошқа халқларга нисбатан ҳурмат, тўғри маънодаги бардошлилик, тинчлик тилаш демакдир⁶.

Зиёлилик тушунчаси илмий ва оддий онг даражасида таърифланиши жиҳатидан фарқ қилади. Оддий онг даражасида интелегентлилик деганда олий маълумотга эга бўлган, асосан, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, билимли кишилар тушунилади.

Илмий тушунишда зиёлилик бу маълумот даражасига, билимга, эрудицияга боғлиқ эмас деб талқин қилинади. Инсон хотирасидан маҳрум бўлса, маълумоти бўлмаса ҳам агар у ўзга маданият кишиларини, санъат асарларининг кенг ва хилма-хил соҳаларини ва ўзгалар ғояларини тушуниш лаёқатини сақлаб қолса, интеллектуал ҳаётга мослашиб кетса-бу интелегентлилик ҳисобланади. Демак, зиёлилик бу руҳий ҳолат бўлиб, айрим кишиларга табиатдан берилса-да, лекин инсон унга тинимсиз меҳнат ва изланишлар орқали эришади.

Маданиятшунослик фанининг яна муҳим вазифаларидан бири бу кишида ижодий қобилиятни ривожлантиришдир. Маданият фақатгина моддий ва маънавий қимматлар йиғиндисидан иборат эмас, балки ижодий фаолиятдир. Маданиятшунослик янги маълумотлар бериш билан бирга ёшларда маданият воқеликлари билан муносабатда бўлиш малакасини ҳосил қилади. Хилма-хил маълумотлар бериш билан бирга тингловчиларда илмий тафаккур қилиш услублари узликсизлиги, манتيқийликни шакллантиради.

Курснинг тарбиявий функциясини тадбиқ этилиши, уни билиш функцияси билан қўшиб ўрганилишини талаб этади. Тарихий даврлар маданиятини ўрганиш маданиятларни қарама-

⁶ Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. М.Наука. 1979. стр.159.

қарши қўйиш, уларга баҳо бериш, фарқ қилиш мақсадларига эмас, балки янгиликни ўрганиш, бошқа маданиятлар қимматларидан баҳаманд бўлишига хизмат қилади. Бу вазифаларни бажаришда маданиятшунослик курси тарихий антропология-маданиятга яхлит феномен, дунё ва ҳаётни идрок этиш усули сифатида муносабатда бўлади.

Тарихий антропологиянинг энг муҳим тушунчаларидан бири бу менталитетдир. «Менталитет» - бу маданиятга тааллуқли бўлган кишиларда у ёки бошқа муҳитнинг муайян «ақлий воситалар йиғиндиси», «психологик мослама»ларнинг мавжудлигини билдиради. Улар инсонга ўзгаришнинг табиий ва социал борлигини мустақил қабул қилиши ва идрок этишига шарт-шароитлар яратди. Бетартиб узук-ютуқ тушунчалар ва таъсирлар тафаккур орқали қайта ишланади, нисбатан тартибга дунё манзарасига айланади. Бу манзара инсон хатти-ҳаракатида ўчмас из қолдиради. Бир социал ва маданий умумийликнинг тегишли бўлган, тарихий жараёнининг субъектив томони ҳисобланувчи идрок ва ҳис қилиш услублари тарихнинг объектив жараёнига қўшилади.

10 Ҳозирги замон маданиятшунослик фани «маданият» тушунчасини қўлланишига қараб қуйидагича ўрганади: а) Индивидуал-шахс маданияти; б) гуруҳий маданият-миллий, синфий, табақавий, касбий, оилавий; в) макон ва замонда чекланган муайян типдаги жамият маданияти; г) инсоният маданияти.

Маданиятни қўлланиш жиҳатидан турларга бўлиш мунозарали бўлса-да, биз уларнинг мавжудлигини инкор қила олмаймиз. Ижтимоий тараққиёт тафовутларини йўқотмайди, балки, аксинча, унинг хилма-хиллигини янада кенгайтиради. Шунинг учун уларни тобора чуқурроқ ўрганиш маданият тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтиб боришига хизмат қилади.

Маданият тушунчаси қўлланиш жиҳатидан хилма-хил бўлгани каби, кундалик ҳаётда (оддий онг) ва фанда ҳам турли мазмун касб эгадир. Биз «муомала маданияти», «меҳнат маданияти», «хатти-ҳаракат маданияти» каби иборалардан фойдаланамиз ва уларга кўникиб қолганмиз! Кундалик ҳаётда маданиятдан воқеликни баҳолаш тушунчаси сифатида ва шахснинг маълумотлилиги, хушмуомалалиги, озодчилиги, вазминлиги каби хусусиятлари билан боғлаб тушунтириш одатга айланган. Маданиятли киши тушунчасига қўшиб ишлатилувчи сифатлар жуда кенг бўлиб, уни қўллаш жамиятнинг умумий маданий даражаси ва шахснинг социал статусига боғлиқдир. Ҳозирги даврда «ишлаб чиқариш маданияти», «хизмат кўрсатиш маданияти», «дам олиш маданияти» ва бошқалар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу

иборалар орқали маданият деганда ижтимоий институтларнинг самарали фаолият кўрсатишлари тушунилади. Базан маданият тўғрисидаги тасаввурлар шаҳарлар турмуш тарзи, кинотеатрлар, театрлар ва кутубхоналарга тез-тез бориб туриш «маданий» кишилар билан дўстлашиш ва чиройли нарсалар билан боғлиқ деб фикр қилинади. Рўзномаларда, статистик маълумотларда «иқтисод ва маданият», «фан ва маданият», «сиёсат ва маданият» иборалари кўп ишлатилади, бунда маданият маънавий усткурма ёки ахлоқ ва санъат соҳалари билан чекланган. Илмий нуқтаи назардан иқтисодни, сиёсатни ва фанни маданиятдан ташқари турувчи соҳа деб ҳисоблаш ҳақиқатдан йироқдир. Шунингдек, классик қадриятлар ва санъатнинг буюк намуналари, идеал ва юсак интилишлар маданиятга тааллуқли соҳалар бўлиб, оддий, кундалик нарсалар унга ётдир деган фикрлар асоссиздир. Кундалик ҳаётда маданиятга фақат қадриятлар йиғиндиси сифатида қаралиши ҳам тўғри эмас, чунки маданиятда инсониятга зарарли бўлган, эскилик қолдиқлари, тўлиқ текшириб кўрилмаган «янгиликлар» каби салбий нарсалар ҳам ўзлаштирилиши мумкин. Кундалик ҳаётда ва фанда маданият атамасидан фойдаланиш тўғрисидаги мулоҳазаларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маданият энг кенг маънода инсонни ўраб турган табиатдан, ижтимоий муносабатларда ва бевосита ўзда стихияли равишда вужудга келган тайёр маълумотлардан фойдаланишни, онгли равишда ажратиб олишни тақозо этади. Маданият табиатдан фарқ қилади, анъаналар, рамзлар, тил, бевосита тақлид қилиш ва амалий ўрганиш орқали авлоддан-авлодга сингдирилади. Маданият шахс томонидан, унинг социал жиҳатдан шаклланиши жараёнида ўзлаштирилади ва асосан кенг тарқалган ва кўпчилик қабул қилган ахлоқ, тафаккур ва ҳис қилишнинг парчаларидан ташкил топиб, индивидуал ҳаракатлар ҳиссаси бунда жуда камдир.

Маданиятни илмий тушуниш оддий ондан қуйидагиларга кўра фарқ қилади. Биринчидан, у жуда кенг бўлиб кишилар фаолиятининг барча услубларини, ижтимоий ҳаётнинг барча шаклларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, кундалик ҳаётда ҳиссий безаб кўрсатилган ва қиммат жиҳатларга урғу берилган тасаввурлардан фарқ қилиб, фанда тавсифий таъриф бериш билан чекланади.

Оддий онда маданиятни тушунишнинг хусусияти бевосита унда амалий иштирок этилишига боғлиқлигадир. Маданий воқеликларга инсон бефарқ муносабатда бўла олмайди. Унинг қадриятларга муносабати ва ҳиссий эмоционал тасаввурлари бо-

лалик даврида тўплаган тажрибасидан бошланади ва кишининг жамиятда тутган ўрнига, ёшига, мавқеига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан у ўзига бегона бўлган урф-одатлар ва хатти-ҳаракатларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

Фан эса бевосита умумий аҳамиятга эга бўлган, объектив ҳақиқатга мос тушунчалардан фойдаланиши керак.

1. Кадрият (аксиологик) ўлчови асосидаги таъриф. Бунда маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қимматларнинг йиғиндисидан иборат деб талқин этилади. Маданият инсон фаолиятидан ташқарида мавжуд эмас. Баҳолаш кадрият нуқтаи назаридан воқеликни таҳлил қилиш фаолиятининг табиий ва зарур бўлган шартидир. Маданият нимада намоён бўлишидан қатъи назар муайян қадрий ўлчовга эга бўлади. Маданият тушунчаси тараққиёт, тарих, инсон инсонпарварлик каби категориялар билан бир қаторда туради. Инсоннинг фаолият натижаси, муайян қадриятларга эга бўлган воқелик предмети аксиологик таърифнинг негизини ташкил этади. У кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ақлий фаолиятни қамраб олади. Бу таъриф камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У воқеликни яхлит идрок этишга, натижаларни механик ҳисобга олишга асосланган. Бундай ёндошув воқеликка субъектив баҳо беришга имконият яратади. Аксиологик ёндошув доирасида маданият фаолият натижаси-ўтмишга айланиб қолиб, ўтмиш ва ҳозирги замон билан табиий алоқалар бузилиши мумкин. Қадрий ёндошувнинг заиф томонларини кўрсатиш бошқа даврга хос бўлган қимматлар тизимидан воз кечишини аңлатмайди.

2. Маданиятни «фаолият» тушунчаси асосида таърифлаш. Маданиятнинг умумий табиатини идрок этишга қилинган ҳаракат туфайли маданиятни кишиларнинг ижодий фаолияти жараёни сифатида тушуниш вужудга келди. Фаолият категорияси ўрганиш объекти инсон бўлган фанлар ҳаракатини интеграция қилиш учун кулай имконият яратади. Маданиятни ижодий фаолият ва инсон фаолиятининг ўзига хос услуги сифатида таърифлаш концепцияси бир қатор муҳим масалаларда бир-бирини тўлдиради. Жамият нафақат қайта қуришга, балки анъаналарни, маданий ёдгорликларни сақлаб қолишга ҳам муҳтождир. Жамиятнинг амалий ва назарий, моддий ва маънавий каби ҳар қандай фаолияти ижодий соҳа билан бирга ўзида фаолият кўрсатиш ва маданиятнинг ўзлаштириш аспектиларини мужассамлаштиради. Ижодиёт фаолият кўлами қанча катта бўлса, маданиятнинг ишлаб туриши функцияси ва келгуси авлодларга етказиб бериш учун зарур бўлган фаолият кўлами

шунча кенг бўлади. Фаолият мақсадли йўналтирилган активликдир. Инсон қанчалик фаол ҳаракат қилса, шунчалик маданиятнинг «чегаралари» йўқолиб боради. Бу чегаралар вақт, макон ва қиммат ўлчовларига эга. Фақатгина белгиланган вақт интервалида инсон фаолияти натижаларини тўғри тасаввур қилиш ва уларни режалаштириш мумкин. Фаолият натижаси, бошланишидан қанчалик йироқ бўлса, шунчалик уни маданиятга муносабати ноаниқлашиб боради. Маконда ва қиймат чегараларида ҳам худди шундай хусусиятлар мавжуд. Интенсив фаолият чегараларни кенгайтиради, лекин бунда вужудга келувчи воқеликлар мавжуд маданият учун бегона ва хатарли бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ушбу ёндошувга хос бўлган маданиятнинг тирик асосидан фалсафий абстракциялар дунёсига ўтишга интилиши, ҳозирги даврга хос бўлган технократик тафаккур таъсирини кучайишига олиб келади. Ушбу таърифнинг кучли томонлари мавжудлигига қарамасдан, амалда у тарихий-маданий изланишлардан йироқ бўлиб қолмоқда.

Информацион таъриф маданиятни «барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси», уни ташкил этиш ва сақлаш услублари сифатида таърифлаб, маданият информациялар омбори эмас», у ниҳоятда мураккаб ташкил этилган механизм бўлиб, у информацияни доимий равишда энг фойдали ва қулай услубларни ишлаб чиққан ҳолда сақлайди, янги информацияларни қабул қилади, уларни қайта маълумотларга айлантиради, уларни белгиларини бир тизимдан бошқасига ўтказди, деб изоҳлайди.

«Барча ирсий бўлмаган информациялар йиғиндиси» деганда биз мисол учун хотирани тушунишимиз мумкин. Чунки хотира механик мазмунга эга эмас, балки ижодий жараён ҳисобланади. Хотиранинг энг муҳим маънавий аҳамияти шундаки, у вақт тўсиғини енгади ва ўлимга қарши туради. Умумий хусусиятларга мувофиқ биз маданиятни хотира билан қиёслашимиз мумкин. Бунда биз алоҳида олинган шахснинг хотирасини эмас, балки жамият хотирасини назарда тутамиз.

Ю. М. Лотманнинг фикрича бир қатор қоидалар, чеклашлар сифатида намоён бўлувчи ташкилий вазият маданиятни белгилувчи хусусияти ҳисобланади. К. Леви-Строснинг фикрига кўра, «қаерда қоида бўлса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли бўлади ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари

билан белгиланувчи сифатлар маданият соҳасига тегишли бўлиб ўзида нисбийлик ва хусусийликни мужассамлаштиради»⁷.

Ю. М. Лотман таъкидлайдики, «маданият энтропияси» информацияга айлантиришнинг энг мукаммал механизмидир. Бу механизм информацияни сақлаши ва узатиши билан бирга унинг қўламларини кенгайтиради. Ўз-ўзини доимий равишда мукаммаллаштириши ва ривожлантириб бориши унинг қонунидир. Шунинг учун маданият бир вақтда ҳам стабиллик ҳам динамизм хусусиятларини намоён қилиши керак. Шу маънода маданият тирик организм ва санъат асарларига хос бўлган хусусиятларига эга. Маданиятни инсоният томонидан яратилган яхлит бадиий асар сифатида қабул қилишимиз лозим.

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, Маданиятшунослик курси гуманитар фанлар қаторида олий ўқув юрғларида ўрганилиши ҳозирги давр талабига мос келади. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаётини ҳам қайта куриш талаб этилади. «Маънавият йўқ жойда- деган эди Президент И. А. Каримов — ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди».

10. Маданиятшунослик талабаларга жаҳон маданияти ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон маданиятини ривожланиш тарихи, хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги муаммолари ва истиқболлари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни бериш билан айна пайтда, миллий маданиятга ва ўзга миллатлар маданиятларига, қадриятларига уларни ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданият ёдгорликларига ижодий муносабатда бўлишларида, маънавий жиҳатдан ривожланишларида кўмаклашади.

Таянч тушунчалар

Маданият, маънавият, индивидуум, социум, қонуният, зиё-лилик, интеллект, функция, менталитет.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар

1. Маданиятшунослик фанининг предмети, у нимани ўрганади?
2. Маданиятшунослик илмининг асосий йўналишларини сананг?
3. «Маданият» атамаси фанда қачон пайдо бўлган?

⁷ Лотман Ю. М., Статъя по типологии культуры. Тарту. 1970. 7.6.

4. «Маданият» деганда қандай маъно ва ҳодисани тушунасиз?
5. «Маданият» тушунчасининг қандай асосий таъриф, таснифларини биласиз?
6. Табиат билан маданият (иккинчи табиат) ни қандай фарқли томонлари мавжуд?
7. Инсон ва жамият ҳаётида маданиятни тутган ўрнини тушунтиринг?
8. Маданиятнинг аҳамияти хусусидаги буюк мутафаккирларнинг фикрларини эсланг.
9. Маданиятнинг қандай типлари мавжуд?
10. Ҳозирги замон маданиятшунослик фани билан боғлиқ билимларнинг аҳамияти нимада?

АДАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон». 1994 й.
2. И. А. Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон». 1998 й.
3. Э. В. Соколов. Понятие, сущность и основные функции культуры. Л., 1989 г.
4. Н. Ю. Самойленко. Методические рекомендации по изучению курса. История и теория культуры. Т., 1990 г.

2-мавзу МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Маъруза режаси:

1. Моддий ва маънавий маданият ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
2. Маданиятнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни.
3. Маданият бойликлари (маданий қадриятлар).

Маданий жараённинг ўзига хослиги шундаки, маданият ҳодисаси ҳар доим шакл ва мазмун, борлиқ ва муносабат, нарсанинг мавжудлиги ва унинг рамзий мазмуни уйғунлигига эга бўлади. Моддий маданият ва маънавий маданият-маданиятнинг асосий икки соҳаси бўлиб, бир-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир-бирини тақазо қилган ҳолда ривожланади. Моддий маданият ҳар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатда маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади. 1

Моддий маданиятнинг маънавийдан тарихан айрилиги фақат инсоният тараққиётининг бошланғич даврларигагина хосдир. Жамиятда маънавий фаолият махсус соҳага айлангач ахлоқий мезонлар, дин, санъат, ҳуқуқ, сийсат, фан шаклланиб, маълум доирадаги кишилар бу соҳа билан шуғуллана бошлади.

Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат маънавий маданият назарда тутилди. Негаки, борлиқни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисоблашган. Шунинг учун, биринчи ўринда илмий тадқиқотларнинг асоси фан ахлоқ, нафосат бўлиб келди. Натижада, жамиятнинг моддий ҳаётини, унинг иқтисодийгини ўрганишга эътибор берилмади. Моддий маданият тадқиқот учун қизиқарсиз, ҳисобланган.

Индустриал жамиятининг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди.

Кишиларнинг амалий қайта ўзгартирувчилик фаолияти, уларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва такрорий ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги моддий маданиятнинг ўзига хос соҳаларга бўлиниши маданиятшуносликда муайян тадқиқотларга зарурият туғдирди.

Моддий маданиятнинг **биринчи катта соҳаси** бу меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар,

алоқа воситалари, техника қурилмалари. Хуллас, сунъий шароитда яратилган нарсаларнинг барчаси, шунингдек моддий маданиятнинг бу қисми ишлаб чиқариш техника маданияти ёки жамият ҳаётининг моддий техника асоси деб аталади. Ишлаб чиқарувчи техника маданиятининг махсус қисмини ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат фаолиятида иштирок этувчиларнинг ижодий кўлами, уларнинг техник билими, ишлаб чиқариш маданияти, жисмоний ва руҳий имкониятлари ташкил қилади.

{Моддий маданиятнинг **иккинчи соҳаси** ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи кўплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ. Бу турли ҳокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, бўш вақт ва кўнгил очиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар амалда жамият маданиятини сақлайди, ўзгартиради ва қайта шакллантиради.

{Моддий маданиятнинг **учинчи соҳаси** (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) инсоннинг ўзи ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бу соҳаси нафақат инсониятни шунчаки биомаждудотлик муаммоларини тадқиқ қилмасдан, балки авлодларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ҳам таҳлил қилади. }

Инсон улғайиши ва жамоага мансублиги мезонидан бошқа жамият маданияти аъзоси сифатида шаклланиши мумкин. Икки хил, баъзан инсонни икки турдан ҳам кўпроқ маданиятга мансублиги уни кўп томонлама, турли маданий оламга мансуб қилади. Аммо, бунда маълум хавф ҳам яширин бўлади. Яъни, улғайувчи авлод жамиятга аралашуви жараёнида бегона маданиятларнинг аралашуви ёшларни ўзининг маданият манбаидан айрилишига, ўз этник анъаналарини тушунмаслигига олиб келади. Ўз миллий маданиятидан маҳрум киши манқуртга айланади ва ҳар қандай маданиятга ҳам бефарқ муносабатда бўлади. Шунинг учун мерос, маданиятнинг узлуксиз анъанавий янгилиниш жараёнини таъминлаш ўта муҳим.

{Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси доирасига инсон ҳаёт фаолиятининг генетик (ирсий), жисмоний (соматик), тиббий-биологик хусусиятлари ҳақидаги, жамиятда юзага келадиган ва тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари акс этувчи маданий анъаналар ва соғлом одатларга тўғри келадиган инсоннинг тартибли оқватланиш ва турмуш тарзи ҳақидаги билимлар мажмуи бўлган инсон экологияси муаммолари ҳам мансуб. }

! Умуман, моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киреди. Ишлаб чиқариш воситалари моддий маданиятнинг муҳим қисмидир. Замонавий техника ютуқлари жамият моддий маданиятнинг асосини белгиловчи жиҳатдир! Маиший турмушдаги истеъмол буюмлари ҳам ҳар бир халқнинг моддий ҳаёт даражасини белгилайди. Шу ўринда моддий маданият ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмларининг оддий мажмуидангина иборат бўлмай, уларни ижодий ўзлаштириш, янгидан яратиш, улардан мукаммал фойдаланиш усуллари ҳамдир. Бунда ижодий салоҳият, малака ва ғоя янгидан моддийлашиб, шахс, жамият, миллат, халқ, давлат умуминсоний мазмуни ҳам касб этади.

! Моддий маданият муайян тарихий даврда жамиятда мавжуд бўлган буюмларни моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади. !

Тарихий даврларда маданиятнинг кенг кўламли ривожини цивилизация тушунчасида ҳам ифодаланади. Цивилизация ижтимоий ва моддий маданият тараққиёти босқичини билдириб, моддий маданиятнинг турдош номидир. Ҳозирги даврда цивилизация инсониятга бегона бўлган объектларни қайта ўзгартиришни билдиради, маданият эса инсоннинг фазилати ва ҳолати, ташқи дунёга боғлиқлиги ёки эркинлигининг мезонидир. Немис олими О. Шпенглер, цивилизация тафаккурни бир қолипга солиб қўяди, умум қабул қилган ҳақиқатларни мутлоқлаштирилади, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, цивилизацияни урбанизацияга, ҳатто оламни ноинсонлаштиришга олиб келади, Цивилизация ва фан ўзлигича маънавий тараққиётни таъминлай олмайди, бу ерда ақлий, ахлоқий ва эстетик ютуқларни мужассам қилган маънавий тузилма зарур деган фикрлар ҳам мавжуд.

9. ! Маънавий маданият анча илгаритдан ўрганила бошланган. Инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аниқланишга, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари қандай сифатларга эга бўлишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёнини тушунтиришга уринганлар. Илгари мавжуд бўлмаган маданият ҳодисасини вужудга келтиришга хизмат қилувчи ижодий кучлар ҳаёлат, фантастик тадқиқотларга эътиборларини қаратади. Инсондаги барча қобилият табиатан мавжуд бўлиб, унинг шаклланиши инсоннинг пайдо бўлиш давридан бошланган. Инсондаги аждодлардан қолган ёввойлик хусусиятлари табиат билан дои-

мий ўзаро ҳамкорликда, уни ўзлаштириши давомида йўқолиб, билими ривожланди. Ундаги жисмоний ва руҳий жиҳатлар такомиллашиб, интеллектуал ва хиссий имкониятлар кучайиб борди. Инсон жисмоний, фикрий ва ҳис қилувчи мавжудод сифатидаги дастлабки давриданоқ ўзига хос дунёсини ярата бошлади: Моддий ва идеал дунёси тараққиётининг ҳар бир даврида фикрлаш ва ҳис қилиш тарзининг махсус ақлий тасаввур тизими тўпланди. Бунда барча умуминсоний маданият сингари турли халқлар томонидан яратилган мустақил маданиятлар манбаи ҳам мавжуд. Инсоннинг идеал дунёси- бу узлуксиз ҳаракат шаклининг бениҳоя ранг-баранглиги, мураккаб меъёр, муносабатлар даражасига эга бўлган образлар ривож ва вазифаси, типларнинг воқелик билан алоқасидир.

Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд, бироқ, уларнинг барчаси илк бутунлик элементлари бўлиб қолади. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, миллий ўзлик маънавий маданиятнинг аниқ шакллари ҳисобланади. Алоҳида шаклдаги маънавиятнинг хусусияти махсус тузилиш ва маътум вазифалар мажмуидан иборат, ҳар бирининг ўзига хослигида ифодаланади. Маънавий маданиятнинг айрим шакллари (фан, санъат) «чегараланганликда» фарқланади, яъни маънавий маданиятнинг аниқ соҳасига айланади, бошқа шаклларида (ахлоқий, эстетик) фаолиятнинг барча турлари қоришиб кетади. Маданиятдаги ҳайрагланарли функционал ҳаққонийлик шуки, унда ҳеч бир ортиқча, шунчаки нарса йўқ, барча маданият ҳодисаси ўзаро фойдали умумий алоқадорликда кечади. Тадқиқотчилар маданиятнинг турли функцияларини кўрсатадилар. Жумладан:

Оламни ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш; бунда у мавжуд нарсаларнинг жисмоний талабларини, шунингдек ижоддаги ҳаётий талабларни қондириш зарурати билан боғлиқ.

Ҳимоя-мослашув вазифаси; жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаш. Ушбу функция узоқ вақт қийин табиий шароитларда барча янги ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишда ва кўниктиришда (олов, турар жой, кийим, деҳқончилик ва ҳоқ.) одамнинг омон қолишини таъминлайди. Кейинги вақтларда ўта жиддий бўлиб турган муаммо табиатни ҳимоя қилувчи воситаларни яратиш, бунда экологик мезон, экологик тафаккурнинг кенг кўламда ёйилишини амалга ошириш зарур.

Сигнификатив функция (белгилаш, рўйхатга олиш мазмунида):- мазмун, маъно, ном, белгилар кўламини ишлаб чиқиш во-

ситасида дунёнинг қиёфасида, воқеликни белги тизимининг яратилиши. Сезгилар ҳам, ташқи идрок ҳам, на шуурнинг бево-сита кечинмалар ҳолидаги йиғиндиси ҳам йўналишни аниқлаш тизимини инсонга таъминлаб бермайди. Бу вазифани маълумотларни ўзида сақламасдан, назарий моделлар ва ахборотлар билимини тўплашни вужудга келтириш учун фақат материал бўлиб хизмат қилувчи мазмун бажаради.

Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш функцияси хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш (қўлёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, оҳонрабо ёки рақамли ёзувлар) бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ахборотларни ташкил қилиш, унинг қадри ва мазмуни бўйича тартибга солишнинг маълум усули ва белгилар тизими зарур. Ҳозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг қўллами ва ўта аҳамиятлиси бўлиб қолмоқда.

Коммуникатив функция (алоқа алмашув)– моҳиятни аниқлашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашлаш. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, ахборот, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади, негаки, фақат турли типларнинг муносабати (анъанавий, функционал-аҳамиятли, шахслараро, ишлаб чиқарувчи, маърифий-маданий) жамиятнинг тузум сифатида мавжудлигини ва унинг кейинги тараққиётини таъминлашга қодир.

Нормативийлик функция (мезон-меъёрий)– кишилар ҳулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрга ва жамиятни бир бутунликка сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш. Меъёр-қоида қандайдир ҳаракат ёки қандайдир предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида аниқ кўрсатмадир. Онгли равишда ўрнатилган ёки кўп асрлик анъаналарга таянувчи мажбурий, тақиқловчи меъёрлар мавжуд (ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар), бироқ уларнинг мазмуни бор жамиятни барбод қилмаслик учун кишилар фаолиятини тартибга солиш, аниқ чегаралар билан белгилаш.

Руҳий ёки «лойиҳавий» мўътадиллик– байрамлар, диний маросимлар, ўйин, томоша жараёнларида руҳий зўриқишларни бартараф қилиш. Қониқарсиз истаклар, рўёбга чиқмайдиган ниётлар, амалда тақиқланувчи жанжаллар мавжудлиги руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келиб, нафақат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказди, балки, оммавийлик касб этиб, жамият ҳаракатини издан чиқариши мумкин. Шунинг учун маданиятда кераксиз хиссиётдан халос бўлиш механизми ишлаб чиқилган.

Хуллас, кишилар яратган моддий ва маънавий қадриятлар, бойликлар уларнинг қобилиятлари, муносабатлари ва моҳиятли кучлари намоён бўлишидан иборат. Инсон маданият соҳасида бу маънавий қадриятларга ўз муносабатини билдирар экан, айти вақтда, ўзи ривожланадиган, ўзи ўзгариб турадиган моҳият сифатида ҳам намоён бўлади. Демак, маданият нарсалар шаклида, инсон фаолиятининг тайёр маҳсулотлари шаклида ва инсоннинг жонли қобилиятлари, билимлари шаклида яшаб туради.

Кишилар ижтимоий тажриба жараёнида зарурий моддий шарт-шароит ва ҳаёт воситаларини яратиш билангина kifoylanмай, айти чоғда ўз онгини ҳам такомиллаштиради. Ижтимоий онг шакллари (дунёқараш, ахлоқ, ҳуқуқ, эстетик онг) вужудга келтирадилар ёки маънавий ишлаб чиқариш фаолиятни амалга оширадилар. Буларнинг мажмуи маънавий маданият соҳасини ташкил этади.

Маънавий маданият кишилар маънавий ижодкорлиги фаолиятлари натижалари- тасаввурлар, ғоялар, илмий билимлар, диний қарашлар, санъат соҳалари, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлади. Бундай маънавий қадриятлар ўзича пайдо бўлмайди, балки муайян тараққиёт босқичида ўзаро муносабатга кирадиган кишилар томонидан яратилади. Маънавий маданият – маънавий ижоднинг шунчаки маҳсулоти бўлмай, балки ижодий фаолиятни амалга оширадиган кишилар ўртасидаги муносабатни ҳам билдиради. Шунингдек, маънавий маданият таълим ва фан соҳаси билан боғланган илмий фаолият ва билим олиш жараёни билан узвий бўлган билиш маданиятини, ахлоқий ва эстетик маданиятни ўз ичига олади. Натижада, маънавий маданият ўзаро узвий боғлиқда инсон маънавий фазилати ва фаолиятининг нарсаларда моддийлашган шаклида, инсон томонидан яратилган маънавий қадриятлар шаклида (илм, санъат, ҳуқуқ, ахлоқ қоидаларида) мавжуд бўлади.

Маданиятнинг қуйидаги функциялари бевосита шахс билан боғлиқ:

— **«Гоминизация»** — уруғдошлик хусусиятларини ўрганиш. Маданият «ақли одам» учун хос бўлган-нутқ, нарсаларни рамзий ифодалаш (ёки мавҳум тафаккур) хусусиятларини ҳар бир одам ўрганишга имкон ярагади.

— **Социализация** — (умумлаштириш)- жамият ҳаёти учун унинг ҳақиқий аъзоси сифатида зарур ҳисобланган маълум миқдордаги

шартларни ўзлаштириш. Бу функция идрок, гафаккур, нуққ, сўзларни қўлланилиши, оҳанги, имо-ишора ва шамма, типик ҳодисаларга муносабат тарзи, шуниқпдек, талаб ва қадрият йўналишлари тизимини шакллантириш каби андозавий усулларнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқ.

— **Инкультурация** — аввало ўз халқининг, кейин эса умминсоний маданий меросга (араланиш) муносабатда бўлиш (Бу жараёни муҳокама қилишга алоҳида мавзу бағишланади).

— **Индивидуализация** — маданият маълум шахслар қобилияти, иқтидори, хусусиятини ўга ривожлантиришга мўлжалланган. Шахс маданияти қолган барча маданиятлар доирасида (жамият, инсоният) энг асосий бўгин бўлиб, бу ҳар бир аниқ шахс маданиятининг баркамоллик даражасига жамият ёки бутун инсоният маданияти боғлиқ бўлишини билдиради.

Ҳар қандай жамият маънавий маданиятнинг тарқибий қисми, бой билим олами бўлиб, у инсонни қаерда яшаши ва ҳаракат қилишини, умуман, дунёдаги ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради. Маданий қадриятлар инсон учун ўта шахсий моҳият ва мазмун касб этиб, инсон у орқали бошқа кишилар билан, бутун жамият билан муносабат ўрнатади. Қадриятлар жамиятга манзур бўлувчи ахлоқ шакллари яратишда ва англашда инсонга ёрдам беради. Тахсинга лойиқ жойи шундаки, инсонда бошқаларга нисбатан мунозарали эмас, балки мулоғим муносабат шаклланади. Мунозаралар туғилган ҳолларда жамиятни мустаҳкамлашга муносиб бўлган бартараф қилишнинг қулай усуллари топилди.

Жамият, аввало тарихнинг муайян бир тараққиёти босқичида табиатдан ажралиб чиққан моддий дунёнинг тарқибий қисми бўлиб, ривожланувчи кишилар ҳаётий фаолиятларининг мажмуидир. Шунингдек, жамият кишилиқ тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий тизимнинг аниқ типидир. Ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуидир ижтимоий муносабатлар дейлувчи жамиятни, яъни тарихий тараққиётнинг муайян босқичидаги жамиятни вужудга келтиради.

Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлиб, шахс маданияти жамият маданиятини белгилайди ва шахс маданияти ҳам ўз навбатида муайян бир жамият маданиятида шаклланади. Ҳар бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда ўзининг меъёрий қадриятларини белгилайди ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Жамият билан шахснинг ўзаро муносабати, шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний қадриятлар ҳақидаги муаммо барча тарихий даврлардаги муҳим масала ҳисобланган.

Инсон табиатнинг олий маҳсули бўлиб, унинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси билан белгиланади. Инсон айна пайтда ҳам тарихий тараққиётнинг маҳсули, ҳам унинг субъектидир. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради, дунёқарашини шакллантиради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида фақат нарсалар яратиб қолмай, ўзини, ўз шахсиятини ҳам қайта яратади. Бу жараёнда инсон ўзини тақрор ижод қилади ва шу жиҳатдан у ижтимоий мавжудотдир.

Одамларнинг ижтимоий моҳияти шахсда мужассамлашган ҳолда ўз ифодасини топади. Шахс одамнинг ижтимоий моҳияти ва ижтимоий фаолиятининг ифодаланишидир. Одам ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш натижасида шахсга айланади.

Инсон ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида муайян ҳуқуқ ва бурчларга эгадир. Бу унинг шахс эканлигини ифодалайди. Индивид шахсга айланиши учун бир қанча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши лозим. Шахс дейилганда, умуман инсонни эмас, балки типик ва эркинликларга эга бўлган одам тушунилади. У ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ бўлган одамдир.

Индивид алоҳида бир киши бўлиб, бошқалардан фарқланувчи хусусиятларга эга. Индивид ҳам ижтимоий мавжудотдир. У ижтимоий тараққиёт жараёнида ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш асосида шахс сифатида шаклланади. Индивиднинг шахс тарқиасида вояга ета бориши у мансуб бўлган тарихий шароитлардан, яшаб, таълим-тарбия олиб турган жамиятдан ажралмасдир.

Шахсни жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмаганидек, жамият тараққиёти ҳам инсоннинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Жамият билан шахс ўртасидаги муносабат бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс турмушининг турли-туман кўринишлари, хусусиятлари шаклланади. Шахснинг шаклланишида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. ҳар бир шахсда у мансуб бўлган жамоага, миллатга, элатга, жамиятга хос жами хусусиятлар ва белгилар бўлади. Шахс ўз ҳаётининг бутун мазмунини жамиятдан, кишилар жамоасидан олади. ҳар қандай шахс объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг узвий бирлиги таъсири остида шаклланади. Шахс камолатида объектив шарт-шароитлар

ҳал қилувчи рол ўйнайди. Оила, ўқув даргоҳлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, матбуот, маҳалла, кўча сингари омиллар ҳам шахсни тарбиялашда муҳимдир. Объектив шарт-шароитларнинг шахсга таъсири субъектив омиллар орқали ўтади.

Шахс ижтимоий мавжудот сифатида муайян эркинликка ҳам эгадир. Унинг эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузилишига, мулкӣ муносабатларга ҳам боғлиқ. Эркинлик ҳар бир шахснинг табиӣ ҳуқуқидир. Шахсларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликларни чегаралаб қўйиш, паймол қилиш; миллий, диний камситишлар; ирқчилик; халқларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларига беписанд қараш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситишдир.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умуминсоният олдидаги бурчи ва маъсулияти ҳам бор. Инсон ўзи яшаб турган жамиятнинг қонун-қоидалари, тартиблари, ахлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслик, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш асло мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг конституциясида белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, бошқа фуқароларнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, жамият манфаатларига, турмуш тарзига, одоб-ахлоқ ва маданиятга зид ва ноҳўя ҳаракатларга муросасиз бўлиш, Ватанни ҳимоя қилиш ва бошқа шу қабилар шахснинг бурчи ва маъсулиятидан иборат.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ манфаатларига тўла тааллуқли бўлган бурчлар ва маъсулиятлари ҳам бўлади. Булар табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, бошқа халқлар ва мамлакатлар билан дўстлик, тинчликни сақлаш сингарилардир.

Барча цивилизацияли жамиятларда шахснинг эркини бўғиб қўйиш, унинг ҳуқуқларига йўл бермаслик, унга ҳиёнат қилиш ёки унинг жамият олдидаги бурч ва маъсулиятини бажармаслиги қонун йўли билан таъқиқланади.

Барча маданиятли жамиятнинг хусусиятини, унинг мезон ва мазмунини зиёлилар белгилайди. Зиёлилик бу нафақат кенг билимга эга бўлишни, балки ташаббускорликни, жавобгарликни, ахлоқий-эстетик журъатни ва туғма истеъдодни билдиради.

Зиёлилар-ақлий меҳнатнинг хилма-хил мураккаб турлари билан шуғулланувчи қатламдир (фан ва маданият ходимлари, ўқитувчилар, муҳандислар, техниклар, шифокорлар).

Маданиятлилиқ деганда камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, саховатпешалиқ, инсонпарварлик, яхшилиқ, саҳийлик каби инсоний фазилатларга эга бўлиш, ахлоқий қоидаларга тўла амал қилиш, ўз миллати ҳамда бошқа халқларни ҳам ҳурмат қилиш хислатлари англашилади.

Зиёлилик ақлий камолат эгаси бўлиш. назарий масалаларни англашга, илмий билимларни ўзлаштиришга таянч бўлишидир. «Зиёлилик» юксак даражада камол топган интеллигентни, кенг билимли, юксак маданиятлилиқни англатса, «Зиёли» кишиларни табақалари орасидаги ижтимоий қатламни англатадики. бу қатлам юқори малакали ақлий меҳнат билан машғулдир.

Етарли билимга эга бўлмаган ҳолда дунёдаги барча нарсалар тўғрисида фикр билдирувчи киши дилетантдир. Дилетантлик маданият камлигининг белгиси бўлиб, чинакам маданият ва зиёлиликка алоқаси йўқдир.

Тарбиялилиқ зиёлиликнинг асосий белгиси бўлиб, унинг умумий маданий савияси кўпинча нутқ маданиятида акс этади. Маданий нутқ аввало тўғри нутқ демакдир. Маданиятли киши образли, ифодали ва чиройли нутқ орқали ўз фикрини баён қилади.

Зиёлининг эстетик диди баланд бўлади, яъни санъат асарларининг гўзаллиги тўғрисидагина эмас, балки кишиларнинг, табиатнинг ва жамиятнинг гўзаллиги ҳақида фикр юритишга, қўполлик ва адолатсизликка қаршилиқ кўрсатиб уни бартараф қилишга қодир бўлади. Ҳамма нарсада меъёр ва уйғунлик туйғуси зиёлиликнинг юксак хусусиятидир.

Зиёлилик билим, илм ва тарбия билан камол топади. Зиёлилик тушунчасига умумий маданиятдан ташқари қалб нозиклиги, умуман, ҳаётга муносабатда юксак онг, ижтимоий фаоллик ҳам киради. Демак, «зиёлилик» тушунчаси фақат ақлий меҳнат кишига тааллуқли эмас. Зиёли деб чуқур интелегенга, интуитив олийжанобликка эга бўлган, маънавий эҳтиёжлари кенг ҳар бир кишини аташ мумкин. Маданиятшуносликни ўрганишдан мақсад зиёлиликни тарбиялашдир. Зиёли- интеллектуал шахс, унинг маданиятли кишидан фарқи, жамият ва миллат тақдирига маънавий жавобгар бўлган шахслигидадир. Интеллектуал шахс индивидуал ҳолатларда ўз фикридан қаноатланмайдиган, ўзига ўзи қарши борувчи, ўзини-ўзи инкор қилувчи ички хусусиятларга эга бўлган зиёлидир. Зиёлининг шу хусусиятларида комиллик белгилари намоён бўлади.

Шахнинг комилликка эришувини таъминлашда жамиятдаги меҳнат маданиятини ривожлантириш, кишиларнинг сиёсий онглилигини ошириш, ахлоқий ва эстетик нафосатини тарбиялашда маданиятнинг таркибий қисмлари, соҳалари катта вазифани бажаради. Шахни социал жиҳатдан фарқланишга кўра инсоннинг меҳнат маданияти, муносабат маданияти, ахлоқ маданияти, бадий-тафаккур маданияти, дунёқараш руҳни олами ҳақида гапириш мумкин. Маданият ижтимоий тузилма сифатида илмий билимларни, тафаккурни, ахлоқий-эстетик қадриятларни, ахлоқий-ҳуқуқий низомларни, урф-одат ва анъаналарни қамраб олади.

Шахс маданиятининг шаклланишида жамият маданиятининг куйидаги тизимлари аҳамиятлидир:

Сиёсий маданият- кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий- ҳуқуқий ғоялар мажмуи бўлиб, маънавий қадриятларнинг махсус тизимини ташкил қилади. Бу маданият тарихий тараққиёт босқичларида жамиятнинг ижтимоий табақалари манфаатлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келиб, жамият сиёсий фаолиятга узвий боғлиқ. Сиёсий маданият, сиёсий фаолият сифатида, яъни инсонлар фаолиятидаги табиатни қайта яратиш ва ўзларини тарбиялаш жараёнларини қамраб олиб, «сиёсий ишлаб чиқаришни» акс эттиради. Бунда сиёсий фаолият амалий жиҳатдан ижтимоий гуруҳлар (социум) нинг сиёсий ҳокимият учун бўлган ҳаракатларини ифодалайди, маънавий-назарий жиҳатдан эса ижтимоий муносабатларни табақавий дунёқараш руҳида англаш, муайян сиёсий ғоялар, дастурлар ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишни назарда tutади. Умуман, сиёсий маданият кишилар фаолиятининг манфаатли ва табақавий жиҳатдан ўзига хос шакли бўлиб, сиёсий муносабатларни табақалар, шахслар томонидан фаол ўзлаштириш жараёнини билдиради. Сиёсий маданият таркибига: мафкура, сиёсий тажриба ва анъаналар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий фаолият усуллари киради.

Сиёсий маданиятнинг мавжудлик усули: жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги; амалий сиёсий маданиятдан иборатдир. Жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги- давлат бошқарувининг тарихий тажрибаси, сиёсий фаолият воситалари, усуллари, сиёсий билимлар мажмуидир. Амалий сиёсий маданият эса- жамият, гуруҳ, шахс сиёсий ҳаётидаги мавжуд маданиятдир.

Сиёсий- маданият социал намоён бўлиш шакли жиҳатидан жамият сиёсий маданиятини социал гуруҳлар ва шахс сиёсий

маданиятига ажратиш мумкин. Жамият сиёсий маданияти тараққиётнинг маълум бир босқичидаги сиёсий-ижтимоий қадриятлар, сиёсий тузилмалар, сиёсий фаолият усулларининг мажмуидир. Шахс сиёсий маданияти эса, индивид томонидан жамиятнинг сиёсий, мафкуравий ва ижтимоий-руҳий қадриятларини ва усулларини ўзлаштирилиши ҳамда амалга оширилиши тизимидир. Шахс сиёсий фаолиятида сиёсий маданиятни билиш ва амалий фаолиятда қўллаш даражасининг ўзаро боғлиқлиги, яхлит бирлигидан сиёсий маданият таркиб топади.

Сиёсий маданият тараққиёти ҳуқуқий маданият билан боғлиқ бўлиб, бу фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий савиядангина иборат бўлмай, қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. Умуман, ҳуқуқий маданият-ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий фаолиқнинг бирлиқда намоён бўлувчи маънавий қадриятлар тизимидир.

Иқтисодий маданият тушунчасида иқтисодий билимлар ва фикрлар услуги билан фаол ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик омиллари намоён бўлади. Иқтисодий маданият мазмунида маданият ва иқтисоднинг ўзаро таъсир хусусиятлари мавжуд бўлиб, таркибига иқтисодий онг, иқтисодий фаолият, иқтисодий муносабатлар киради.

Иқтисодий онг аввало, кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз ўрнини англашини билдириб, рационал билимларни, эмоционал туйғуларни ўзида ифодалайди. Иқтисодий фаолият таркибига моддий ва номоддий ишлаб чиқариш, меҳнат ва меҳнат маҳсулини ўзгартириш ҳам киради. Иқтисодий фаолият субъекти инсондир. Мукаммал фикр ва юксак онг фаолиятда моддийлашсагина иқтисодий маданият ҳодисасига айланади. Иқтисодий тафаккур билан иқтисодий онг иқтисодий одобнинг мезони бўлиб, иқтисодий онг фаолиятнинг фикрий образидир.

Ижтимоий муносабатлар иқтисодий маданиятнинг асосини ташкил қилиб, ижтимоий-иқтисодий онгни белгилайди, уларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, ижтимоий муносабатлар ишлаб чиқариш даражасини эмас, балки мулк, тақсимот, истеъмол билан боғлиқ муносабатларни акс эттиради. Иқтисодий муносабатлар номоддий соҳаларнинг ҳам қисми сифатида фаолият жараёнида вужудга келади, ривожланади, жамият иқтисодий маданиятини ифодалайди. Иқтисодий маданиятнинг мазмунини кишиларнинг турли соҳаларда мақсадга мувофиқ ижодий фаолияти, янги сифат натижаларини ташкил этади.

Жамият иқтисодий маданиятида шахснинг иқтисодий маданияти унинг ўзини камол топтиришини аниқлаш, нафақат маданият кадриятларини яратиши, бойитиши ва истеъмол қилиш даражасини, балки ўз эркинлигини янги босқичга кўтаришини таъминлайди.

Иқтисодий маданият кўйидаги функцияларни бажаради:

1. Билиш функцияси — иқтисод фанларининг ҳолати, фан асосларининг тажрибага тадбиқ этиш усули ва йўлларини билиб олишга даъват этади.

2. Дунёқараш функцияси — асосан, маънавий-руҳий моҳиятдаги иқтисодий дунёқараш бўлиб, иқтисодий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар тизимидан иборат.

3. Тарбиявий функция — иқтисодий маданиятни эгаллаш, билимлар йиғиндисини эътиқодга айлантиришдаги бош манба эҳтиёжлар ва манфаатлардир. Билимлар ақл-идрок ва юракдан ўзлаштирилганда эътиқодга айланади.

4. Амалий функция ёки ишлаб чиқариш функцияси — бунда иқтисодий маданият маънавий ва амалий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлади.

Ахлоқий маданият — жамият, социум, индивидлар томонидан ахлоқий камолат меъёрларига эришилш даражасидир. Кундалик турмушда, кишилар фаолиятида амал қиладиган ва ўзлаштириладиган ахлоқий кадриятлар ахлоқий камолат меъёрлари билан боғлиқдир. Ахлоқий маданият таркибига ахлоқий онг, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолият киради.

Ахлоқий онг тарихан ўзгарувчи ахлоқий муносабатларни аниқлаш, ахлоқийликнинг субъектив жиҳатидир. Воқеликка ва инсон фаолиятига кадрият тарафидан муносабатда бўлиш ахлоқий онгнинг муҳим хусусиятидир.

Ахлоқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида кўриниши бўлиб, ахлоқий фаолиятга боғлиқ ҳолда кишилар ўртасида таркиб топадиган ўзаро боғлиқлик ва алоқалар йиғиндисидир.

Ахлоқий фаолиятда инсон ёки жамиятнинг ахлоқий онги, ахлоқий муносабатлари яхлит намоён бўлиб, ахлоқий талаблар, фазилатлар инсонпарварлик моҳиятини касб этади. Ахлоқий фаолият: ахлоқий билимларни эгаллаш; ахлоқий туйғуларни шакллантириш; ўзини тарбиялаш; меҳнатга меҳр; ахлоқий тарбияланганлик ва ҳақозолардан ташкил топади.

Ахлоқий меъёрлар ва қоидалар ўзида аниқ тарихий мазмун, муайян жамиятнинг ижтимоий ҳолатини акс эттиради. Ахлоқий

маданият инсон ҳулқининг аниқ кўринишига эга бўлмасдан мавжуд бўла олмайди. Ахлоқий маданият ахлоқий онгдан ташқари кишиларнинг ҳулқи орқали реаллашади.

Жамиятнинг ахлоқий маданияти мазмунан индивид ахлоқий маданиятидан фарқ қилади. Жамият ахлоқий маданияти ахлоқий қадриятлар тизимини ифодалайди, шахс ахлоқий маданиятида эса ана шу тизимнинг жиҳатлари индивидуалликда акс этади. Бу икки жиҳат бир-бирини тақозо қилади, бир-бирини бойитади.

Эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳаси-бу, инсоннинг теварак атрофини ўраб олган воқеликка нисбатан бўладиган муносабатида ўзини эркин намоён этишдир. Бу эркинликнинг моҳияти шундаки, инсон предметга, унинг жинси ва турига мос меъёрни топиб гавдалантиради, уни қайта ишлайди.

Эстетик маданият жамият маданиятининг ихтисослаштирилган қисми бўлиб, унинг ҳолатини санъат ва эстетик муносабатлар ривожланиши билан боғлаб тушунтириш мумкин.

Эстетик муносабатлар ва унга мувофиқ келадиган эстетик қадриятлар тизими эстетик маданиятнинг унсурлари ҳисобланади. Эстетик маданиятнинг хусусиятлари эса унинг негизини ташкил этувчи фаолиятнинг ўзига ҳослиги билан шартлангандир. Фаолият амал қилмоғи учун: фаолият субъекти, фаолият объекти, фаолиятнинг ўзи бўлиши керак.

Маданият тизимида фан- моддий ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, фан маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсули сифатида ўзида инсоннинг моҳиятли кучларини ифода этиб, маданият ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Фан маданият ҳодисаси сифатида билимларни ишлаб чиқариш хусусиятлари назарда тутилади. Ҳар қандай тасаввур ва билимлар сингари фан ҳам ижтимоий практика, ижтимоий эҳтиёж туфайли юзага келади.⁸

Маданият тизимида дин- инсоннинг эътиқод рамзи, охират ва ҳаёт тасаввурларининг маънавий ва моддий маданият сифатида намоён бўлишидир. Шунингдек, дин барча жамиятларда ахлоқни шакллантирувчи соҳа бўлиб келди ва ғоявий-сиёсий йўналишларга эга бўлди. Ибтидоий даврлардан бошлаб маданиятнинг таркибий қисми сифатида шаклланиб, жаҳондаги йирик маданиятлар: будда, христианлик, ислом цивилизацияларини яратди.

⁸ М.Абдуллаев. Маданиятшунослик асослари. Фарғона, 1998 й., 40-бет.

«Қадрият тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидандир.»

Айрим тадқиқотчилар уни даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни, тарихий хусусият касб этади деб ҳисобласа, бошқа бир тадқиқотчи Рикерт аксинча, қадрият доимий, универсал хусусиятга эга дейди. Т. Парсонс қадриятни - меъерий андоза деб айтади. Мазкур турли хил, ҳатто қарама-қарши фикрлардан қадриятнинг маъноси кўп қиррали эканлиги англанади.

«Қадрият - кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ҳодисадир. Уни маданият соҳалари рўёбга чиқарган ҳодиса сифатида боғлиқликда англаш мумкин.» Шунда хўжалик, техник, ижтимоий, сиёсий, бадиий, илмий, ахлоқий қадриятлар ажралади. Расмий нуқтаи назардан қадриятни ижобий ва салбий, ўзига хос ва доимий, мустақил ва шартли тарзда фарқлаш мумкин. Моддий нуқтаи назардан қадрият ҳиссий (яъни оддий ҳис қилиш органи) - бу ҳаётий, маиший, техник, қониқиш қадрияти ва бошқа; ва маънавий-илмий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқаларга бўлинади. Айрим қадриятлар (хўжалик, техник, сиёсий) тарихий хусусият касб этиб, яъни маданият, давр ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб туришини батафсилроқ ўрганиш чоғида аниқлаш қийин эмас; бошқа қадриятлар эса доимий, универсал хусусиятга эга (ахлоқий, бадиий).

Ў Юқорида таъкидланганидек қадрият ижтимоий фаолиятни тартибга солиб, индивидлар, гуруҳлар ва жамиятнинг муҳим ютуқларига эришувини белгилайди. Ижтимоий қўламдаги мазмун даражаси бўйича қадрият узвийликта эга. Қадриятнинг дастлабки даражаси оддийлари орасидан ажралган аниқ нарсалар, ҳолатлар, ҳаракатларнинг афзаллари билан боғлиқ. Иккинчи даражаси эса, маълум индивидга яқин бўлган ижтимоий гуруҳлар қизиқишга мос келувчи образлар ҳаракати ёки фаолиятнинг танланиши билан боғлиқ. Учинчи даража - бу энг юксак умуминсоний мақсадлардаги танланиш бўлиб, бунда эзгулик, ҳақиқат, гўзаллик, адолат, тартиб, бойликка қарама-қарши ёвузлик, ёлғон, ҳунуклик, бетартиблик, қашшоқлик мужассамликда намоён бўлади ёки бу тақдир билан боғлиқ ўта юксак танлаш ҳисобланади (буддизмда нирван, сўффийликда фано сингари).

Қадриятларнинг иерархияга асосланган мураккаб тизимида индивиддаги сингари турли тоифадаги умумнинг ҳам ўзига хослиги асосий ва тақрорий, марказий ва четдаги, устунлик ва ҳолатдаги тарзларга ажратиш мумкин. Қадриятлар рўйхати ҳар

бир жамиятнинг миллий ва ўзига хос цивилизацияси билан боғлиқ ҳолда кескин фарқланади. ҳамма даврларда, барча халқларда энг юксак қариятлар эзгулик, ҳаёт, меҳнат, севги, ҳақиқат, бахт сингари мезонларда ифодаланган.

Қадриятларнинг муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятнинг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларнинг моҳиятидир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишга сабаб кишилар уларни қадрайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади.

Қадриятлар ичида энг асосийси ва умумийси ҳаётдир. Ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради, қолган қадриятлар аслида, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир.

Қадриятнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Айрим ҳолларда эҳтиёж ва манфаатлар бир-бирига зид келиши мумкин. Муайян ижтимоий гуруҳ, миллат, синфлар учун олий қадрият ҳисобланган ҳодисалар бошқалар учун қадрият бўлмаслиги мумкин. Табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-истаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Улар моҳиятига кўра турларга бўлинади. Аввало, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар: ер ва ер ости бойликлари, бошқа табиат неъматлари катта аҳамият касб этади.

Инсон меҳнати, ақли билан яратилган моддий бойликлар моддий қадриятлар ҳисобланади. Маданий-маънавий қадриятларга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар яратган бойликлар мансуб. Шунингдек, жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар: эркинлик, тенглик, биродарлик кабилар ҳам ўрин тутади. Ижтимоий-сиёсий

қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамиятга эга.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади. Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний қадриятлар мазмуни жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишига мувофиқ келади.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Булар: Ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, қирғин қуроолларини тўхтатиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳоказолардир⁹.

Таянч тушунчалар

Моддий ва маънавий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, иқтисодий маданият, ахлоқий-эстетик маданият, ижодий салоҳият, қадрият, цивилизация, коммуникатив функция, ижтимоий моҳият, дилетант.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар

1. Маданият қандай соҳаларга бўлинади?
2. Моддий маданиятнинг асосий белгилари?
3. Маънавий маданиятнинг белгиларини сананг?
4. Маънавий маданиятнинг аҳамияти нимада?
5. Маданиятнинг жамият ҳаётидаги функцияси;

⁹ Ж.Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. Т., 1998 й. 10-20 бетлар.

6. Шах фаолиятида маданиятни тутган ўрни;
7. Маданий қадриятлар деганда нимани тушунасан?
8. Моддий ва маънавий маданиятларнинг ўзаро нисбати?
9. Маданият ривожига зиёли шахснинг роли.
10. Маданият қадриятларининг шахс баркамоллиги ва жамият равнақидаги аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. Т., 1998.
3. Ерасов В.С. Культура, религия и цивилизация на Востоке. Москва, 1990 г.
4. Иконникова С.Н. Диологи о культуре. Ленинград, 1989 г.
5. Культурология. Москва, 1996 г.
6. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т. 1998 й.

3-мавзу МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Маъруза режаси:

1. «Маданий мерос» тушунчасининг мазмуни.
2. Маданий мероснинг механизми.
3. Ўзбекистонда жамиятни маънавий янгиланиши жараёнида маданий меросга муносабат.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўринни эгаллаш жараёнида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда — кишилар тафаккурида тубга ўзгариш, миллий ғоя — миллий мафқурани шаклланиш жараёни кечмоқда. Бу жараён учинчи минг йиллик арафасида амалга ошмоқда. Шу муносабат билан Президент И. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ўта ибратлидир: «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нимани олиб ўтишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечишимиз даркор?. Янги минг йилликда қандай муаммоалрнинг ечими бизнинг диққат эътиборимиз марказида турмоғи лозим?»¹⁰ Бу фикр маданий ва маънавий меросимиз муаммоларини ҳал қилишда асосий дастурий амалдир.

Маданий мерос - бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижалардир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф этиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аجدодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўлларини танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўтмиш билан батамом узилиш мумкин эмас. Инсоният тарихида мутлақо янги маданият яратишга уринишлар бўлган, бироқ

¹⁰ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 1999 й. 3-б.

бундай уринишлар ҳунук натижаларга олиб келган. Бунга 1920 йилларда Совет Россиясида «Пролетар маданиятини» яратишга уринишни ёки «маданий инқилоб»ни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу «инқилоблар» жараёнида янги маданият яралмади, аксинча бори ҳам қилинди: кўлёмалар, китоблар, суратлар ёқилди; меъморий ёдгорликлар бузилди, энг ачинарлиси маданий қадрият эгалари махв қилинди. Оқибатда ўтмиш билан боғлиқ узвийлик бузилиб жамият маънан орқага кетди.

Маданиятнинг меъёрий ривожланиши уни асраб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни билдиради. Бироқ, бу жараён оддий ва бир ҳилда кечмайди. Маънавий қадриятларнинг мундарижаси, уларни қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш, уларнинг ўзаро боғлиқлик усуллари, муносабат типлари, билимларни асраш ва узатиш, ҳаёт меъёрлари, воқеликни эстетик идрок қилиш хусусияти ўзгармасдан қолмайди, улар узлуксиз ҳаракатда бўлади. Мерос серқирра ва кўп қиёфалидир. Унинг аниқ намоён бўлиши типларнинг кўплиги, тенденциялар хилма-хиллиги билан фарқланади. Ҳар бир янги авлоднинг ворислик механизми ўтмишдошларнинг тажрибасидан маданиятнинг турли соҳаларида фарқланади: санъатдаги ўлчам фандагидан бошқача; табиий фанлар гуманитар фанлардан фарқли. Ворислик (мерос) ҳар қандай соҳада инсоннинг ҳақиқий ўзлаштиришида намоён бўлади, ва айни пайтда маҳаллий ёки дунё миқёсидаги жараёнлар шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Ворисликнинг маҳаллий (чекланган) шакли маданиятнинг касбий (профессионал), миллий, этник ва бошқа кўринишларига эга. Бу фаолият маданий босқичларда бир меъёрда, теккис йўналиш шаклларида бўлмай, унинг бир босқичдан иккинчи босқичга сакраб ўтиши нотекис бўҳронлар хусусиятига эга. Инсониятнинг маънавий ютуқларини мерос қилиб қолдиришда ворислик кенг миқёсди (умумий) шаклда жараёнлар муффасал йўналишда амалга ошади. Масалан, Қадимги Миср заковати «Инжил», «1001 кеча эртаклари» каби маданият ёдгорликларига ижобий таъсир қилди. Яна, ер юзидаги барча халқларнинг замонавий билим соҳаларига замин бўлган Бобил астрономияси, ҳинд математикаси, антик фалсафа, рим ҳуқуқи ҳақида ҳам шундай гапириш мумкин.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса, маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади.

Бошқа соҳаларда эса техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкка айланади.

(Кейинги авлодларга мерос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари қадимдан амал қилади, бу – намоёиш қилиш, оғзаки узатиш, фольклор, санъат; бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди, бу – кино тасвири, оҳонрабо ёзуви, компьютер хотираси. Барча жамиятларда ҳам ҳаққатдан маънавий мероснинг фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига боғлиқ.) Бизга маълумки совет жамиятида коммунистик ғоя ҳукмронлиги даврида халқлар, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзининг ҳақиқий тарихий, миллий ва маънавий меросидан маҳрум этилган эди. Умуман, маданий меросдан мутлақо маҳрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

Маданий мероснинг механизми қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Маънавий мероснинг узвийлиги. Аждодлар яратган жаъмики бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнида яна маданиятлар вужудга келади, аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бутун ва келажак учун ҳар доим асқотиқиши мумкин, шунингдек, бутун унитилган нарсалар бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, В. Шекспир юз йилча унитилиб, кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драматургиясининг классиги сифатида танилди.

2. Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг ўзгариши. Маданий мероснинг ўтиш даврида хусусияти ўзгариши мумкин. Яъни, миллий ғоя мавжуд нуқтаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талқиндаги мазмун касб этади. Мана шундай кўринишда у келажакка мерос бўлиб ўтади. Бизнинг кунимизгача Сукрот ва Демократ асарларининг асл нусхаси сақланиб қолмаган, бироқ ҳар бир авлод уларнинг ғоясини ўзи учун янгитдан кашф қилади ва уларнинг фалсафасини талқин қилувчи минглаб китоблар яратилади.

3. Ўтмишдан қолган барча нарсалар бутунлай ўзлаштирилмайди, балки янги давр ва талабига, руҳига жавоб

берувчи, моҳиятан зарур нарсаларгина олинади. Ҳозирда эскирган ва керакмас деб ҳисобланган нарсалар, келажакда балки янги моҳият ва муҳим аҳамият касб этар. Аллақайси даврда қолиб қетган кийиниш усули кутилмаганда одатга айланиши мумкин. Янги ҳаёт қадим донишмандчилигидан ғоя олади.)

Ҳар бир этнос, халқ ўзининг мустақил, бетакрор, беҳад ноёб маданиятига эга. Халқлар ҳаётининг минтақавий, тарихий ўзига хослиги ҳар бир халқ маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиб беради, у ёки бу этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ва барҳаётлигига имкон туғдиради. Шу тарзда миллатлар оламумумий коинот шаклланади, унда инсон ва уни тарихан ўраб турувчи табиат уйғунлашиб этносларнинг ижтимоий руҳиятига таъсир кўрсатади, миллий хусусият шаклланади ва унинг амаллий фаолият йўналишини аниқлайди.

Мана шу бошланғич маданият оламида инсон туради, бу ерда унинг муҳим ўрни мақсади шаклланади, унинг дили, ҳаётий орзуси пайдо бўлади. Инсон, маданиятларга меросхўр сифатида миллий мулкни ўзлаштиради. Намунавий хулқ қадриятларини асрашда ва келажакка қолдиришда, жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, аниқ барқарорлик бўлиши зарур. Маданиятнинг мавжудлиги ва ривожланиш анъанасида, маданиятларни асраш усулида ҳам бу барқарорлик бор.

Анъана маданиятда янги одатлар билан уйғунлашиб кетади. Инсонга нафақат билим, шунингдек, ҳаёт фаолиятида анъанавий ибратлар ва яхши ўзлаштирилган маҳорат ва кўникма ҳам зарур. Бироқ, ижодкорликнинг бошланиши фикрлаш жиҳатдан дастлабки эслаб тасвирлашдан кўра сермаҳсулликни вужудга келтиради. Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиши жараёни билан бирга кечадиган ҳодисадир, яъни, инсонни нафақат жамиятда мавжуд бўлган маданий меъёрлар, анъана ва ибратлар, балки маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши ҳам қўллаб-қувватлайди.)

Юқорида таъкидланганидек миллий маънавий мерос муаммоси мамлакатимизда жамият учун ўта муҳимлилик касб этмоқда. Чоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон халқларининг маданиятига улар «қолоқ» маданият деб паст назар билан қарашган. Кейин советлар даврида Ўзбекистон халқининг маданий меросига бир ёқлама муносабат ҳукмронлик қилди. Тарихий ҳақиқат, адабиёт ва санъат асарлари «синфий кураш», «халқчилик» каби ғариб назария орқали баҳо берилди.

Фақат коммунистик ғояга мос келувчи нарсаларга ютуқ сифатида қаралди, қолган барчасига ҳато деб ёки мутлақо кишилар хотирасидан ўчириб ташлашга уринилди. И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида таъкидланганидек, Узоқ давом этган қаттиқ мафкуранинг таъйиқиға қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўгиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоя улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди¹¹.

Жамиятимиз жадал туб ўзгаришлар ҳолатини бошдан кечирмоқда. Бундай даврда ҳар бир кишига мустақкам таянч зарур. Фақат миллий ғоя шундай таянч бўлиши мумкин. Фақат миллий ғоя ислоҳатлар йўлидан муваффақиятли бориш учун миллиятни бирлаштириши ва жипслаштириши мумкин. Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида И. А. Каримов ўзининг мулоҳазаларида биринчи даражали қилиб миллий ғояни шакллантиришни кўяди. Унинг асосида халқнинг ҳақиқий тарихини қайтариш, миллий анъаналарни тиклаш, маданий ва маънавий меросни ўрганиш ётади. Худди шу ғоя — XXI асрда Ўзбекистоннинг озод фуқороларининг маънавияти шаклланишида катта аҳамият касб этиб, уларнинг ўз Ватанини гуллаб-яшнаши учун фидоий бўлиши, ўз халқининг буюк ўтмишидан фахрланувчи миллият фарзандлари бўлиб шаклланиши учун хизмат қилади.

Ўзбек халқининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Унда турли даврларда Ўзбекистон худудида эътиқод қилинган зардўштиғийлик, буддизм, ислом ва бошқа динлар яратган маънавий-ахлоқий қадриятлар мужассамлашган; Унда-бутун дунёга машҳур имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбандий, Яссавий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, А. Навоий каби кўплаб буюк мутафаккирларнинг билими ва салоҳияти гавдаланган, бу меросда Амир Темур ва Бобурларнинг давлатчилик ва сиёсий қурилиш тажрибалари; буюк меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий санъат, музыка, амалий санъат асарлари; халқ урф-одатлари ва анъаналари, миллий спорт турлари уйғунлашган.

¹¹ И. А. Каримов, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида., Т.1997 й., 137-бет.

Мустақиллик йилларида халққа унинг маънавий ва маданий бойликларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Дастлабки, энг муҳим қадам «Ўзбек тили ҳақидаги» қонуннинг қабул қилиниши бўлди. Бу билан ўзбек тилидаги халқнинг бебаҳо маданий ва миллий бойлиги мақоми тикланди. Бухоро ва Хива шаҳарларидаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш борасида фаол ишлар олиб борилиб, ёдгорликлар шу даврда жаҳон аҳамиятидаги мақомга эга бўлди. Бу шаҳарларнинг 2500 йиллиги, Тошкентнинг 2000 йиллиги каби саналар катта тантана билан нишонланди. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларга қарамасдан миллий маданиятни асровчи янги музейлар барпо этилди: Темурийлар даври тарихи музейи. Олимпия шон-шарафи музейи ва Ўзбекистон тарихи музейи янги мазмунда бойитилди. Мақомчилар музейи ва бошқалар дунёга машҳур бўлди.

Халққа ўз тарихи ва хотираси қайтарилмоқда. Миллий ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ватандошларимизнинг хизматлари ҳақида юбилей тантаналари ўтказилди. Ўтган йилларда Навоий, Бобур, Қодирий, Бехзод, А. Фарғоний юбилейлари нишонланди. Алоҳида тантаналар билан халқаро миқёсда Улутбекнинг 600- йиллиги, Амир Темурнинг 660- йиллиги, Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги ўтказилди. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги ва «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Айниқса катогон қурбонларининг бегуноҳ хотираси тикланиши катта аҳамиятга эга бўлди. Улар орасида кўплаб маданият арбобларининг номлари бор: жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчилари, шоир ва ёзувчилар-Мунавварқори Абдурашидхонов, А. Фитрат, Чўлпон, Рамзий, Боту ва бошқалар.

Миллий анъаналарни тиклаш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинди. Наврўз, ҳайит каби қадимги халқ ва диний байрамлар расман ҳаётга қайтди. Ҳайр мурувват удумларини давом эттириш ва ёш авлодни баркамол ўстириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлом авлод учун жамғармасини ташкил қилиб, дастлабки орденини ҳам шундай атади. Ногирон болалар учун «Меҳрибонлик» каби саҳоват фестивали мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонда халқаро кино, театр ва «Шарқ тароналари» каби мусиқали фестиваллар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Халқ баҳшичилик санъатига эътибор кучайиб Республика

конкурслари ўтказилди. Шунингдек миллий курашимиз халқаро мақомга эга бўлиб, биринчи жаҳон Чемпионати ўтказилди.)

Ў Юқорида таъкидланганидек, маданий қадриятлардаги ворислик жараёни нафақат миллий маданиятлар ривожигаги ворислик бўлмай, балки бошқа халқлар маданиятидаги ютуқларни умумлаштиришдан ҳам иборатдир. Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг маданияти қадим замонларда ҳам Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан яқин маданий алоқалар асосида ривожланган. Маданий ҳамкорликнинг кенг кўлами, этник ва диний мазмундаги чекланмаганлик Ватанимиз маданиятининг асосий хусусиятидир. Ҳозирги даврда ҳам миллий маданиятни тиклашга асосий эътиборни қаратган ҳолда Ўзбекистон халқи жаҳон маданияти ва цивилизациясининг замонавий ютуқларини эгаллашга ҳаракат қилиб, жаҳон маданияти ривожига ҳисса қўшмоқда. Бу борада жадал амалий ишлар қилинмоқда: халқаро конкурс ва фестиваллар ўтказилди, чет мамлакатлар маданият кунлари ва санъат асарлари кўргазмаси намойиш қилинди, ҳинд маданият маркази, француз маданият уйи сингари доимий фаолият кўрсатувчи маданият марказлари очилди; ўз ўрнида Ўзбекистон маданиятининг ўзига хос хусусиятларини назарий асослаш ва унинг жаҳон маданиятидаги ўрнини муносиб баҳолаш ишга қўйилди ҳам кучли. Бунинг далили сифатида «Мирзо Улугбек ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси» (1994), «Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва роли. Бухоро ва жаҳон маданияти» (1995), «Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси» (1998) каби мавзуларда ўтказилган халқаро конференция ва семинарларни кўрсатиш мумкин.

Ў Ўзбекистон ўзининг бой маданий аъёнлари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштироки туфайли унинг халқаро миқёсидаги маъқеи тобора ошмоқда. Бунинг яққол мисоли 1997 йилда ЮНЕСКО ижроия кенгаши аъзолигига Ўзбекистоннинг сайланиши ва 1998 й. 6 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 155 сессиясини ўтказилишидир. Унда Ўзбекистоннинг таклифи билан «Жаҳон маданият ва ЮНЕСКО нинг аъзо давлатларидаги фаолияти» деган ҳужжат

қабул қилинди. Жаҳон маданиятининг ажлалмас қисми ҳисобланган миллий маданий меросни асраш ва ўрганиш режаси бўйича Ўзбекистон ЮНЕСКО билан ўзаро муносабатларини янада кенгайтириши ва республикада замонавий таълим тизimini такомиллаштириши мўлжалланган,

Таянч тушунчалар

Маданий мерос, мерос механизми, ворислилик, маданий тараққиётда миллийлик ва умуминсонийлик.

Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар

1. Маданий мерос нима?
2. Маданият тараққиётининг асосий қонунини изоҳланг;
3. Маданият, анъана удумларни тўла инкор этиш нималарга олиб келади?
4. Турли маданиятлар мулоқотининг зарурлиги ва аҳамияти?
5. Маданий ворислик механизми қандай амал қилди?
6. Миллий байрам-анъаналарнинг аҳамияти?
7. Ўзбек халқи яратган қайси қадриятлар умуминсоний қийматга эга?
8. Маданий ва маърифий меросга нисбатан Ўзбекистонда қандай сиёсат амалга оширилмоқда?
9. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО фаолиятидаги ўрни.
10. Юртимизда маънавий меросни тиклашга қаратилган қандай тадбирлар амалга оширилди?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1992 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т. 1998 й.
3. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. 1994 й
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998 й.

5. Время и преемственность в развитии культуры. Саратов. 1991 г.
6. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М. 1999 г.
7. Иконникова С. Диалоги о культуре. Л., 1989 г.
8. Культура Узбекистана: Традиции и современность. Т. 1986 г.
9. Хайруллаев М. Маданий мерос ва фалсафий фикр тарихи. Т. 1985 й.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

4-мавзу АРХАИК (ИБТИДОИЙ) МАДАНИЯТ

Маъруза режаси:

1. Архаик маданиятнинг дастлабки намуналари.
2. Сўнги полеолит даври маданияти.
3. Янги тош асри (неолит) маданияти.
4. Жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланиши.

Архаик ёки ибтидоий маданият- мавжуд инсоният маданиятнинг ибтидоси ва энг узоқ давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий кўламининг 99 фоизини ташкил қилган ҳолда замонавий маданиятга беқиёс таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор ҳозирга қадар йўқолган эмас. Инсоният ҳаётининг бошланғич даври кейинги барча ўзгаришларга замин туғдиргани сабабли бу даврни ўрганиш инсоният эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шарҳлашга ёрдам беради.

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрликдир» — деган эди А. Қодирий. «Дунёда турмоқ учун, — деб ёзади М. Беҳбудий, — дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур».

Ибтидоий босқичдаги маданият ривожининг қиёфасини қайта тиклаш ўта қийин вазифа. «Шахсий гувоҳнома, таржимаи ҳол, қиёфадан маҳрум, сукунатдаги ўтмиш, ҳодисасиз «узоқ», (Ф. Бродель) «мудроқ», (Э. Леруа-Ладюри) тарих учун идеал намуна касб этиб, табиий-илмий мантиқни яратиш, услублар миқдори ёки ижтимоий-иқтисодий тушунчалар ва дастлабки (ибтидоий жамоа) ижтимоий тузум таълимотини изоҳлаш учун мўлажаллангандир»¹².

Олимлар тўплаган маълумотлар 2 хил бўлиб:

I. Антропологик ва археологик топилмалар-ибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланишини, овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёруғ оламга чиқарди. Бу маълумотлар ўзига хос белгилари билан эмперик (тажриба) таҳлилни юзага

¹² Культурология М. 1998 г., 141 стр.

чиқарди ва ибтидоий босқични умум қабул қилган таснифига асос солди:

1. Палеолит-қадимги тош асри,
2. Неолит – янги тош асри.

Палеолит босқичининг ўзи ҳам илк (қуйи) ва сўнгги (юқори) даврларга бўлинади. Шунингдек, палеолит ва неолит босқичининг ўртаси мезолит – ўрта тош асри даврига бўлинади.

II. Этнографик маълумотлар- замонавий халқлар ва ҳозирги вақтда ҳам овчилик ва термачилик билан кун кўрувчиларнинг ҳаёти ҳақида. Бу маълумотлар сақланиб қолган архаик маданият кўринишини этник, ижтимоий ва руҳий ўхшашликлар бўйича қайта тиклашга ёрдам беради.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан (Кениянинг Рудольф қўли соҳилидан топилган қадимги тош қуроллари) то эраизгача 2 минг йилгача (меҳнат қуролларини жездан тайёрлай бошлаган давргача) бўлган вақтни ўз ичига олади. Ўз навбатида палеолит босқичидаги энг узоқ давр илк палеолит бўлиб, бундан 40-35 минг йил олдин тутади. Илк палеолитда антропогонез жараёнининг содир бўлиши, қазиб топилган гоминид қолдиқларининг алоҳида турлари яшаган даврларда (зинжантроп, австралопитек, питекантроп, синантроп, неандертал ва бошқалар,) маданиятнинг алоҳида илк намуналари вужудга келди: кўпол тош қуроллари тайёрлаш (қесгич, тош найза, қирғич), оловдан фойдаланиш, оддий турар жойларнинг қурилиши, муомала воситаларининг ривожланиши, атрофмуҳит ҳақида дастлабки мураккаб тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Децентрализм фазази инсоният пайдо бўлишини икки ўчоқ- Африка ва Осиё билан боғлайди, зеро ҳозирги вақтда энг қадимги одам қолдиғи ҳам Африка минтақасидан топилган. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон худудида қазиб топилган гоминидлар ҳам илк палеолит даврига оиддир. Археолог У. Исмоилов Селунғир ғоридан топган «фергантроп» қолдиғининг ёши 700 минг йилга тенг.

Илк палеолитнинг охири даври кўпинча алоҳида даврга ажралиб «ўрта» ёки «мустье» деб номланади (200 мингинчи йилдан 40 мингинчи йилгача). Бу қонуний ҳодиса бўлиб, мустье даврида маданий ижодкорлик жараёнининг ўсиши сезилади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо бўлди. Неандерталлар кенг худудларга тарқалиб мураккаб ва турли хил қуроллар тайёрлаган, энг

муҳими улардан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган горларидан айиқнинг бош суяги топилган, махсус ўрнатилган тош супа оловдан қорайган, унда маълум маросим ўтказилган. Неандерталлар қабри кўпинча Шарқ-Ғарб йўналиши бўйича жойлашиб, мурда «ёнбош ухлаётган ҳолатда, тиззалари энгагига қайирилган, ёнига тош қуроллар қўйилган». Бу маросим удуми ўлимдан кейинги ҳаёт мавжудлиги ҳақидаги тасаввурнинг маданиятдаги энг қадимги ва барқарор пайдо бўлганлигидан далолатдир. Неандертал қабри Ўзбекистоннинг Тешиктош горидан (Сурхандарё вилоятидан) ҳам топилган, шунингдек, ўша даврга оид кўплаб манзилгоҳлар очиб ўрганилган (Омонқўтон, Зирабулоқ, Обираҳмат, Кўлбулоқ, Учтут ва бош.).

~~Илк~~ палеолитда маданий муҳитнинг мавжудлиги алоҳида жойлар билангина чегараланса сўнгги палеолитда эса маданият тизим сифатида шаклланади. Сўнгги палеолитнинг бошларида гоминид эволюцияси якунланиб замонавий «ақлли одам» тури пайдо бўлади. Сўнгги палеолитда турли-туман тош ва бошқа қуроллар нотекис тарзда кўпайиши натижасида таркибий қуроллар-тасма, учлик, шунингдек, тўқимачилик пайдо бўлади. Ниҳоят, дастлабки тартибли ижтимоий ташкилот-уруғ ташкил топади. Бу инқилобнинг маҳсули инсонларнинг асосий антропологик, руҳий физиологик, руҳий ижтимоий ва маънавий бирлиги бўлиб, инсонлар уюшмасининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тил, маиший ривожланишидаги тафовутларга қарамасдан тарихда сақланиб қолди/

Маънавий маданият дастлаб жуда содда бўлиб, ўша давр кишиларининг меҳнат фаолияти билан уйғунлашиб кетган эди. Ибтидоий одамларнинг билим даражаси анча чекланган бўлсада, бироқ яшаш учун кураш жараёнида атроф-муҳитни кузатиб тажриба тўплаганлар. Натижада янги тушунча ва тасаввурлар пайдо бўлиб, тафаккур ва нутқ ривожлана борди. Бу эса жамият маънавий ривожланишини тезлаштирди. Ўзлаштирувчи ҳўжаликлан ишлаб чиқарувчи ҳўжаликка ўтилиши билим ва тажрибанинг тўпланиши натижасида юзага келди.

Дастлаб, ибтидоий одамлар озиқ-овқат қидириб ўзи яшаётган муҳитни яхшироқ ўргана бошладилар. Бу эса уларнинг географик билимини оширган. Табиатдаги мавжуд истеъмол қилишга яроқли ўсимлик ва меваларни қидириб топиши ва кузатиши натижасида ботаника билимлари тўпланган. Ёввойи ҳайвонлар ов-

лаш жараёнида ҳайвонларнинг феъли, тури, яшаш жойларини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоология билими шакллана бошлади. Бу жараёнларни ўрганиш ибтидоий одамлар учун зарурий, ҳаёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди.

Касалликни даволаш учун ўша замоннинг ўзига хос содда табобати бўлиб, даволашда ўсимликлар, мевалар, ҳайвонлар, минерал жисмлардан фойдаланганлар. Шунингдек, силаш, уқалаш усули билан баъзи касалликларни даволаганлар ва фолбинлик, сеҳргарлик ва жодугарлик усулларидан ҳам фойдаланганлар.

Ибтидоий одамлар табиатни, иқлимни шароитдан келиб чиқиб кузатиши асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш қобилияти пайдо бўлади. Тарбия ҳам меҳнат ва турмуш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, одат ва удумлар асосий аҳамият касб этган.

Маънавий маданиятнинг кўринишларидан бири ибтидоий санъат ҳам одамнинг меҳнат фаолияти билан уйғун ҳолда вужудга келган. Уруғчилик жамоасининг пайдо бўлиши даврида ибтидоий одамлар санъатнинг нималигини тўла англамаган ҳолда тирикчилик жараёнида санъат шакллана бошлади. Ибтидоий саноат хилма-хил бўлиб, бир неча турларга бўлинади:

1) Суяк, тош парчаси, шох, қулоқчилик буюмларига чизилган белгилар, одам, ҳайвон ва ҳар хил нарсаларнинг тасвирлари.

2) Фор деворларига ҳар хил ранглар билан ишланган ҳайвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, меҳнат, жанг ва бошқа манзаралар тасвирланган. Бундай тасвирлар Турон, Саҳрои Кабир, Марказий Осиё, Ғарбий Европада кўп учрайди.

3) Қоя тошларга ўйиб, қизиб, ишқалаш усули билан ишланган тасвирларда ҳайвон, буюм, қурошлар ва ибтидоий кишиларнинг қундалик меҳнати билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Қоя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада кўп учрайди.

4) Архаик санъат турларидан яна бири ҳайкалтороштик ҳам уруғчилик жамоасининг ривожланган даврида пайдо бўлиб, асосан аёллар, қисман эркаклар, шунингдек, ҳайвонлар ҳайкаллари ишланган. Бундай ҳайкалчалар, суяк, тош ва бошқа нарсалардан тайёрланган. Ҳайкал тасвирларда ибтидоий маҳнат ва эътиқод рамзлари номён бўлади.

5) Ишлаб чиқарувчи хўжалик (неолит) фаолияти билан боғлиқ сопол буюмларга чизилган расмларда оддий чизиқлар, ҳайвон ва ўсимлик тасвирлари учрайди.

6) Ибтидоий санъат турларидан бири – ниқоблар қадимги одамларнинг овчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ниқоб ту-

тиб ҳайвон қиёфасига кирган, ҳайвонларни қўрқитиб ўзларини ҳимоя қилган. Ниқоблардан маросим ва удумларда фойдаланган.

7) Мусиқа, қўшиқ, ўйин ибтидоий санъат турлари ҳисобланиб, ибтидоий одамлар уриб, чертиб, пуфлаб чаладиган асбобларни кашф қилишган.

8) Халқ оғзаки ижоди-асотир, ривоят ва афсоналар ҳам ибтидоий давр маҳсулоти бўлиб, ибтидоий одамнинг турмуши, ўй-фикри ва кайфиятини ифодалаган, диний тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлган.

Умуман, ибтидоий санъат кишиларнинг дастлабки умумий ижоди бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаоляти, ички руҳияти ва диний тасаввурлари билан уйғун бўлган. Айтиш мумкинки, диний тасаввур ва эътиқод шакллари маданиятнинг моддий ва маънавий турларининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Диний тасаввур ва эътиқод жамоа тузумининг кейинги даврларида шаклланиб, айрим унсурлари ўрта палеолит даврларида вужудга келган. Ибтидоий одамлар атрофидаги ҳодисаларнинг сабабларини тушуна олмаган. Табиатдаги турли ҳодисаларнинг сир-асрорлари уларга маълум бўлмаган. Бу ҳодисалар негизида сирли, ғайритабиий кучлар яширинган деб тушуниб, шу ғайритабиий кучларга эътиқод қилинган.

Ибтидоий одамлар турли минтақаларга тарқалиб, турли хил тирикчилик билан шуғуллана бошлайди. Табиатнинг ва тирикчиликнинг хилма-хиллиги турли эътиқодларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Табиат ва жамият ҳодисаларга боғлиқ ғайритабиий кучларга ишониш ибтидоий эътиқод дейилади. Унинг тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, фетешизм каби турлари ибтидоий жамоа тузуми даврида кенг тарқалган.

Тотемизм-жамоанинг ҳайвон ёки ўсимлик тури билан ғайритабиий қариндошлик алоқасига ишониши бўлиб, овчилик ва термачилик ривожланган даврда пайдо бўлган. Бу эътиқодда тотем-ҳайвон ёки ўсимлик ниҳоятда ҳурмат қилинган. Тотемизмнинг илк босқичида ҳайвон муқаддас саналиб, уни ўлдириш ёки гўшгини истеъмол қилиш таъқиқланган. Фақат уруғнинг урф-одат маросимларидагина бу ҳайвон гўшти истеъмол қилинган.

Анимизм — «рух», «жон» маъносини билдириб, бу дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги ғайритабиий кучларнинг борлигига ишониш. Табиатдаги нарсалар, одам ва бошқаларнинг руҳлари-шулар жумласидандир. Уруғчилик жамоасининг ривожланиши

билан уруф бошлиқлар, ҳарбий йўлбошчилар руҳига-аждодаларга сизгиниш пайдо бўлган. Матриархат даврида руҳлар аёллар номи билан аталган. Хўжалик шакллари пайдо бўлгач табиатдаги нарсалар (қуёш, сув, ер) нинг руҳига топиниш кучаяди. Сеҳргарлик- одамнинг ғайритабиий кучларга таъсир кўрсатиш қобилиятига асосланган амаллардир. Бу ибтидоий санъатда ҳам ўз ифодасини топган. Қоятош тасвирларидаги яраланган ҳайвон ифодасида овчилар бўлғуси овнинг бароридан келишини кўзлаб, ҳайвонларни сеҳрлаганлигини кузатиш мумкин.

Гоминиднинг уч миллион йиллик эволюцияси ниҳоясидаги кучли эврилиш натижасида англаш, нутқ, дин, санъат вужудга келади. Архаик маданиятнинг хусусияти ҳақида уни ҳақли равишда «гомо сапиенс» яратганлигига этнографик ва археологик маълумотларга асосланиб тасаввур қилиш имкониятларига эгамиз. Биринчи навбатда биз, ибтидоий одамнинг ўзига хос фикрлаш хусусияти ҳақида ҳукм чиқаришимиз мумкин.

Ибтидоий одамнинг фикрлаши аниқлик, таъсирчанлик, бутунликда фарқланади. Ибтидоий одам аста-секин турли ташқи ҳодисаларни сеза бошлайди. У иссиқ ва совуқни, тўқ ва очликни, яхши ва ёмонликни ҳис қилади, ёруғлик ва қоронғуликни ажратади. Ҳодисаларнинг рўй беришини кузата бошлайди. О. Фрейденбергнинг фикрича, унда кузатиш таъсуроти устун бўлган. Ибтидоий одамнинг таъсирчан, аниқ тасаввури ҳали ҳодисаларни умумлаштириш қобилиятидан йироқ эди. У тева-рак-атрофдаги воқеа ҳодисаларнинг моҳиятини таҳлил қилмасдан фақат юзаки қайд қилади, нарса ва жараёнларга, уларнинг хусусиятига бир хил ёндошган. Ибтидоий тафаккур учун сабабий боғланишлар ўта шартли бўлиб, қандайдир ҳодисанинг сабаби тез-тез қайтарилиб турилиши натижасида вақт ўтиши билан идрок қилинган.

А.Н. Рамоновнинг таъкидлашича, «ёзувсиз маланиятнинг ўзига хос хусусияти-нутқнинг нокатегориал шаклидир». Бу мустақил фаолиятнинг ижодий манбаъларини чекловчи жараён ҳисобланади. Инсонга керакли барча янгилик ва билим фақат фаолият жараёнида намоён қилиш усулида берилган. Шунинг учун ибтидоий маданиятда маросимга ўхшаш шакллар устунлик қилади. А. Рамонов айтганидек, маросим- аниқ ва мақсадли фаолият бўлиб, уни амалга ошириш ижтимоий гуруҳлар нуқтаи назарида ишлаб чиқариш фаолияти каби ҳаётини сақлаш учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Маросим прагматикона ва фақат

маълумот берувчи эмас, балки уларга берилаётган маълумот тўлиқ ҳолда бўлиб сўз орқали изоҳланмайди. Унда ишлаб чиқариш фаолияти ҳам, билим ҳам, сеҳр- жоду ҳам, санъат ҳам аралаш ҳолда бир бутунликда намоён бўлади.

Сўнги палеолит даврида анимистик эътиқодлар ва сеҳр-жоду маънавий маданиятнинг негизи сифатида қатъий расмийлашди. Қадимги эътиқодларнинг шаклланиши манбаида табиатнинг ташқи кўриниши ва одамлар жамоаси ҳақида тасаввурларнинг уйғунлашиб кетиши ибтидоий одам учун хос бўлган инсон ва табиатнинг субъекти ва объекти бирлиги таъсирида, эҳтимол жамоа нима билан шуғулланса ўшанга боғлиқ бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар, тошлар, яъни унинг фаолияти доирасида нима мавжуд бўлса барчаси учрайди. Дунёда яшаётган аҳолининг кўпга руҳ ва жонлар билан муносабатда бўлиш воситаси сифатида сеҳргарликни келтириб чиқарди. Сеҳргарликнинг энг қадимги турларидан бири овчилик сеҳргарлиги бўлиб, ўлжа яқинлашиши билан уни тутиш машқини урганали. Бироқ, барча ҳаракатлар фақат машқ билан тугамайди. Уни амалга ошириш жараёни асосий масала ҳисобланади.

Дастлабки сеҳргарлик ҳаракатлари мазмунида тотемизм – ҳайвонлар ажлодига топинишни келтириб чиқарди. Ибтидоий жамоа турмуши, ови, уруши, ҳайвонларни тутиб ейиши, туғилиш ва ўлимини – умуман инсон ҳаётини тотемистик, яъни, тотемлар кураши ва тўқнашиши орқали тасаввур қилади. Бу тасаввурлар оқибатда космогоник манзарага асос солади, қаерда ҳар бир тотем-коинот борки ейди, йўқолади ва тирилади, қари коинот ўрнига ёшлар келади. Уларнинг ўрин алмашиши ва ёшариши ёки тирилишининг борлиги ўлимдадир.

Сеҳргарликка ўхшаш ҳаёт нафақат пайдо бўлаётган тушунчаларни ўзида жамлади, балки маданиятнинг энг қадимги шакли бўлиб қолди. Ундан ҳозирги вақтгача оламни ўзида акс этган дин, санъат, фан соҳалари пайдо бўлди. Барчаси суякка чизиш ва нақш солиш, кичик ҳайкалпорошлик, белги – муҳр босиш, бўёқли ҳошиялар чизиш, фор деворларига бетартиб чизиқ шакллар солишдан бошланди ва натижада машҳур Альтамир, Ласко, Монтоспан ва бошқа форлардаги тасвир галереяси вужудга келади. Фор тасвирлари табиий, аниқроғи ҳаётини акс эттирилган. Фор тасвирларининг дастлабки босқичида жонворлар тасвири алоҳида ўрин тутди: отлар, ёввойи қорамол, мамонтлар ўта ёрқин тасвирланган. Палеолит кишисининг тасвир фаолиятида

нафосат уйғунлиги ёки расм ёзувлар (пиктография) эмас, балки тасвирни «фотографик» тарзда ифодалаш устун бўлган. Бу тасвирлар маросим тафсилотларидир. Мащхур санъатшунос А. Арнхеймнинг таъкидлашича палеолит даврида санъат ҳаётий зарур вазифани бажарган. У кишига мислсиз куч бахш этиб, тирлик мавжудод ва нарсалардаги маънисизликка «сеҳр бахш» этиш имконини яратган. Ибтидоий одам чизилган тасвирга жониворларнинг жони ўтади, шу туфайли уларга таъсир қилиш мумкин деб ўйлаган. Архаик санъат инсонни ҳайвонлар руҳияти билан қизиқишида алоҳида восита бўлиб, унда ҳаққоният ва маросим уйғунлашиб кетади.

Ўзбекистон ҳудудида сўнгги палеолит даврига оид қояга солинган тасвир намуналари учрамасада, ушбу даврга тегишли 30 дан ортиқ манзилгоҳлар ўрганилган, жумладан Самарқанд манзилгоҳи, Оҳангарондаги тош қуроллар, тайёрланган «устахона», Кўкбулоқ ва Оқтош манзилгоҳлари.

Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналарини энг қадимгиси мезолит-неолит даврларига оид бўлиб, улар жаҳон тасвирий санъат тарихининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, бу тасвирий санъат тарихи бир қатор алоҳида кўриниш, ўзига хослик ва фарқлик жиҳатларга эга бўлиб кўйиндаги босқичлардан иборат:

1. Горлар, қадимги тошлар ва турли қояларда сақланиб қолган ибтидоий тасвирлар яратилган давр.

2. Лой, ганч, тош ва ёғочдан ишланган қадимги ҳайкаллар намуналари ва турли ҳунармандчилик буюмларидаги тасвирлар яратилган даврлар.

Мамлакатимиз тоғлик туманларида кенг тарқалган қоятош тасвирлари ишланиш усулига кўра икки хил: бир хиллари бўёқ (оҳра) билан; иккинчи хиллари эса ўйиб-ишқалаш-чизилиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар).

Ўзбекистондаги қоятош тасвирларининг энг подир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Беронсой, Кўксарой, Такатон, Теракисой каби юздан зиёди топилган. Бу қоятош тасвирларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами турларини кузатиш мумкин. Булар ибтидоий шер ва йўлбарслар, қолпон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайронлардир.

Ўзбекистондаги қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатидан хилма-хил. Унда одамлар, ов, йиртқич ҳайвонлар тўқнашуви манзаралари тасвирланган. Бу тасвирлар орқали ўша

давр одамларининг ов, меҳнат қуролиларини билиб олиш мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги аждодларимизнинг гоёвий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ибтидоий одамлар бир-бирларига фикрларини, муносабатларини истакларини чизиклар, оддий шакллар, содда тасвирлар орқали етказишга интиланганлар. Масалан, улар ов қуролиларини тасвирлаш орқали овга бормоқчи эканликларини ифодаласалар, ёввойи буқа ва бошқа турли ҳайвонлар тасвирлари орқали, ўша ҳайвонларни овламоқчи эканликларини билдирганлар.

Кўхитанг тоғининг юқорисида жойлашган горни «Олтин олов қояси» ёки «Олтин олов дараси» деб аташган. Чунки зар-олтин, ўт-олов маъносида бу ёдгорлик «Заравутсой» деб аталган. Заравутсой ов манзарасидаги турли расмларни кузатиш қадимги одамларни ҳаётини, турмуш тарзини жонли тасаввур қилиш билан бирга ибтидоий бадиий маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини англашга ёрдам беради. Ибтидоий одамларнинг тирикчилик манбаи бўлган ов манзарасини кузатиш орқали овчилик илмининг айрим қирраларини ўрганамиз.

Тасвирий санъатнинг ибтидоий даврга мансуб намуналаридан бири Жиззах вилоятидаги Тақатош номли тошдаги тасвир ёзувлардир. Бу тасвирларда фикр, сезги, амалий эҳтиёж каби туйғулар акс эттирилган. Қадимий тасвирлардан яна бири Зарафшон этакларидаги «Сармишсой» тасвирларида эса ибтидоий рассомлар ижоди ўз аксини топган. Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзиде қад кўтарган қоятошларнинг силлиқ юзасига солинган. Сармишсой қояларида ёввойи буқалар, шохдор буғи ва қулонлар, елиб бораётган тоғ тақаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бир-бири билан олишаётган ёввойи ва ҳонаки ҳайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари ҳам тасвирланган.

Қадимги рассомлар фаолиятида ҳам кузатувчанлик, шакл ва чизиклар орқали бўлаётган воқеаларнинг характерини, мазмунини ёритиб бера олиш қобилиятлари кўзга ташланади. Қоятош, даралар ва горлардаги расмлар мазмунан бой бўлиши билан бирга хилма-хилдир. Уларда турли манзаралар ўз аксини топган. Умуман бу тасвирлар орқали одамларнинг муштарак туйғулари юзага чиққанлигини кўрамеиз. Бу расмларда ҳар бир белги, қоралама ёки шакл ўзига хос фикрни, ҳатто сеҳру жолуларни ифодалаб бериши билан қизиқарлидир. Шулардан кўринадик, аждодларимиз ҳаётида, турмуш тарзида тасвирий фаолият алоҳида ўрин тутган.

Маълумки, инсон ўз меҳнати туфайли ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққач, яшаш учун кураш жараёнида қанчалик онгли меҳнат қилса, у шунча муваффақиятларга эришган. Кураш ва меҳнатда эришилган муваффақиятлар урф-одат, удум, маросим, анъана ва байрам - хурсандчиликни вужудга келтирган. Маданиятшунослар фикрича байрам ва маросимлар энг қадимги даврдаёқ мавжуд бўлган ва ибтидоий одамлар ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Д.М. Генкиннинг фикрича, «маросим ва байрамларнинг чуқур илдизи инсониятнинг «гўдаклик» даврига бориб тақалади». М.М. Бахтиннинг таъкидлашича, «Байрам инсоният маданиятининг бошланғич шаклидир». Бу жараён ибтидоий одамлар овчилик билан кун кечирган даврларда яққол содир бўла бошлаган. Юқорида тилга олган тасвирларда асосан ҳайвонлар, ов қилиш, овчилар рақси (баъзан ҳайвонлар ниқобида) каби тасвирлар қадимий одамларнинг ўз меҳнати (ови) натижасини тантана қилганликларидан далолат беради. Ибтидоий овчилар ҳаётида овчилик маросим —удумлари муҳим ўрин тутган. Овчилик маросимлари овдан олдин ҳам овдан кейин ҳам ўтказилган. Шунингдек, овчилик маросимлари-овга тайёргарлик, ёшларни овга ўргатиш ва овдан кейинги тантаналарни ифодалаб, тасвирларда акс этган. Буни биз Зараутсёй ва Саймалитош расмларида нафақат тотемларга сизиниш, балки ов маросим-байрамлари ҳам акс этганлигини кўрамыз.

Илк бор маҳсул уюштирила бошланган маросим- байрамлар тотемларга бағишланган. Я.П. Белоусовнинг фикрича, «Энг қадимий ва оммавий маросимлар қаторига зоофалик маросимларни киритиш мумкин». Бу маросимларда турли жойларда тотем ҳисобланган турли ҳайвонлар-айиқ, ёввойи эчки, сизир, буғу, от, бўри кабиларга топилганлар. ўрта Осиёда илон, буқа, кўй, от, туя, шер тотемлари кенг тарқалган. Буни биз қазилма ёдгорликлардан топилган амалий санъат буюмлари мисолида кўратишимиз мумкин.

Меҳнат тақсимотининг вужудга келиши муносабати билан қадимги одамларнинг ишлаб чиқарувчи хўжаликка (неолитда) ўтиш нагжасида янги соҳаларга оид маросим ва байрамлар вужудга кела бошлади. Бу «Меҳнат маросимлари» бўлиб, у ҳам ўз ўрнида маданият ва санъат (театр, рақс, пантомима санъатининг примитив кўринишлари) нинг ривожланишига замин яратди.

Г. Чайлднинг таъкидлашича, бундан 10 минг йилча олдин неолит ёки аграр инқилоб содир бўлади. У энг аввало, Олд Осиё

ва Яқин Шарқда содир бўлиб, бу деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Ўтроқ турмуш тарзи ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши учун шароит яратди. Тўқимачилик, кулолчилик, уй-жой қурилиш пайдо бўлди. Табиий танланиш ўсимлик навлари ва ҳайвонлар зотининг ўзгаришига аста –секин, анъанавий такрорланувчи мувофиқликни пайдо қилди. Аграр соҳа астрономик кузатишларни тартибга солишни талаб қилди. Бу даврда инсоният тафаккурининг ривожланиши мифологияни шакллантирди.

Миф ва мифология энг аввало антропоморфизм-табиатдаги нарсаларга ҳам одамга хос деб қарашни ва худоларни одам қиёфасида тасаввур қилишни ифодалайди. Миф ва мифологияни қадимги эътиқодлардан фарқи, оламдаги барча мавжуд муносабат ва қадриятларни изоҳлашни ўзига олади. Бу ўша даврларни билишнинг ўзига хос назарий асоси ва маҳсус шаклидир. Негаки билим-ёрқин ранг-баранглик, ифодалилик, жўшқинликдир. Мифология дастлабки босқичда кишилар учун билим ўрганиш ва мустақамлашнинг ягона манбаи ва усули эмаслиги даргумон. Бироқ, Л.С. Васильевнинг таъкидлашича, билимни мустақамлаш бу –мифни ўрганиш йўли билан эмас, балки унинг удумлари, маросимларининг амалда такрорланиб тарқалишида содир бўлади. Миф ва маросим архаик маданиятнинг гўёки икки томони, яъни – сўздаги ва ҳаракатдаги, назарий ва амалий. Мифологик билим илмий ҳақиқатга маълум миқдорда даҳлдордир.

Мифологик билимнинг иккита асосий ижтимоий вазифаси бор:

1. Ушбу умумийликнинг асосий вазифаларини, уларнинг одатий мавжудлигини кишилар онгига киргиштириш ва мустақамлаш, хусусан, шаклланган қоидаларни тасдиқлаш, қонунийлаштириш ва ҳатто жамоани тиклаш ва барқарорликни таъминлаш учун уларни анъанага айлантириш;

2. Жамоани қўрқувидан халос қилиш мақсадида ва руҳий ҳаловатни кафолатлашда атроф-муҳит билан, бутун ташқи олам билан мустақам алоқа ўрнатиш ва таъминлаш.

Миф олами мавҳум гоёлардан бузилган тарзини ўзида намён қилиб, ноаниқ ва қуруқ муҳокамаларнинг шаклланишига имкон беради яъни, дастлабки даврда инсонни уни чулғаб турган аниқ кундалик ишлардан фикрини чалғитиб, ҳаёлий поэтик оламга олиб киради. Миф олами жамоа бўлиб анъанавий ҳис қилишидир, негаки, шу алфозда у ҳар доим илк диний тасаввур-

лар мажмуининг негизи ҳисобланган. Миф-наслабки лив-неқарашнинг зарурий, муқаррар шаклидир. Умум тасаввурлар мифнинг шаклланишига сабаб бўлолмайди ва ҳиссий тажриба-кузатишлар учун ҳам, ноаниқ-мавҳум мулоҳазаларга ҳам асос бўлолмайди. Гуруҳлар тушунчаси энг аввало бутун борликни ўзига қўшиб ҳиссий қайғуришга таянади.

Ахборотлар ҳажмини беҳад ўсаётганлиги уни узатишнинг янги каналларини яратишни талаб қилди. Мифларнинг пайдо бўлиши мавҳум тушунчалар вужудга келганлиги ҳақида, инсоннинг нутқи ривожланаётганлиги ҳақида гувоҳ беради. Бунга бир мисол – тасвирий санъатнинг ривожланишидир: расмлар бир қадар аниқлашиб, соддалик ва шарглилик кучайиб боради. Тасвир кўпроқ рамзийлик белги хусусиятиги касб этиб, бунинг ёрдамида ахборот бериш мумкин бўлади. Топилган петроглифлар (тошбитиклар) инсонлар жамоасининг ҳаёт ҳодисалари ҳақида етарли, муфассал ҳикояларни ўзида сақлаб келган. Бундай тасвирларга мисол қилиб Сурхандарёнинг Зараўтсой дарасидаги қоятош расмларини кўрсатиш мумкин. Билимларни сақлаш ва узатишнинг яна бир воситаси жамоанинг алоҳида аъзолари, бошқа кундалик ишлардан озод қилиниб, фақат маълумотларни йиғиш, сақлаш ва узатиш билан шуғулланган. Бундай кишилар шаманларга (сеҳргарларга) айланган. Шаманларни кўпи ёши улуг, ҳаётий билим ва тажрибага эга, табиатни кузатиб ўзлаштирган, маросим ва удумларни билувчи кишилар бўлган. Масалан, Шимолий Америка ҳиндуларнинг аджибве қабиласи шаманлари ўзи яшаётган жойнинг ов қилиш шартларини, ҳайвонларнинг ўзига хос феълини пухта ўрганади, овдан қайтган овчилардан ҳар доим суриштириб ўз билимини оширади. Ўзлаштирган маълумотлари шаманга тўғри қарор чиқариш имконини бериб, шу тариқа у қабил ва уруғ аъзолари ичида обрўга эга бўлишига ва натижада сеҳргарлик удумларини бажарувчи асосий ижрочисига айланиб қолади.

√Марказий Осиё минтақасида Неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил. ав. VI минг йилликда Копетдоғ этагида вужудга келган Жойтун маданияти гувоҳлик беради. Ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорларнинг бу маданияти асосан, самонли лойдан қурилган уйлардан иборат манзилгоҳ бўлиб Эрон ва Месопотамия халқлари маданияти билан яқин алоқада шаклланган Жойтунликларнинг маънавий маданиятини ривожига ҳақида катта умумий ибодатхона деворларига ишланган рангтасвир далил

бўлади. Мил. ав. IV-III минг йилликда Хоразм худудида неолит даврига оид Калтаминор маданияти шаклланди.

Неолит инқилоби моҳиятига кўра архаик маданиятнинг охири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг янги туридеҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш билан инсон табиатда мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини намоён қилди, бу инсоннинг ижтимоий ва маънавий галабаси эди. Агар архаик маданиятда жамоат фикри етакчилик қилиб, уруғ аъзоси, уруғ манфаатлари доирасида фаолият кўрсатган бўлса, энди индивидуал онг ва қизиқиш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият барҳам топди. Бу даврда жамоа мулки ўрнига хусусий мулк вужудга келиб, ҳунармандчилик ажралиб чиқади ва маҳсулот айр бошлаш шаклланади. Ижтимоий тузум шакли мураккабланилади. Мустақил хўжалик юритишда мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурати, кўпинча жамоанинг бошқа аъзолари ёки қабила оилалар билан қариндошлик алоқаларининг боғланмаганлиги махсус бошқарув аппаратини тузишни талаб қилди. Энди оқсоқоллар ва қабила йўлбошчилари йиғинининг аҳамияти сезиларли ошди, бу қабила йўлбошчиларига сифинишни шакллантира бошлади. Йўлбошчи қабиланинг бахт-саодат соҳиби, ажодлар руҳи унга тўхфа қилган махсус фазилат «омад»эгаси сифатида демократия белгиларига ҳурмат сақлайди. Йўлбошчиларга сифинишда йўлбошчининг жамоа ҳаётида тутган муҳим ўрнини эътироф қилиш ифодаси туради: -У нафақат қабила худудини кўриқлашни ташкил қилиб қолмай ҳарбий юришга бошчилик қилади ҳам, шунингдек, муҳим жамоат ишларини бажариш учун хонаданларни бирлаштиради ва жалб қилади (канал қазилар, муҳофаза тўсиғлар ўрнатиш; яйлов, ўрмон, дарёлар каби умум фойдаланадиган мулклар учун).

Билимнинг ошиши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди. Қайиқ ва елканли кемалар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди. Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳуқуқнинг шаклланишига олиб келди. Айримлари ҳозиргача сақланиб келаётган анъаналар ва қадимги фольклор намуналари вужудга келади (мифлар, достонлар, ҳикоялар, маросим кўшиқлари), ёзувнинг илк тизими шаклланади; пиктографик (расм-ёзув), белги ёки ҳиндуларнинг тугунли ёзувлари. Монументал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монументал иншоатлар катта тош бўлак ва тош плиталардан қурилган мегалит-

лар ҳисобланади. Мегалит иншоатларнинг турлари бир-бирдан фарқ қилади. Масалан, менгирлар баланд тошдан иборат бўлиб, баландлиги 20 метрдан ошади, улар алоҳида ёки хиёбонларга қатор қилиб қурилган. Долменлар (тош мақбаралар) тош плиталардан сағана ёки мақбара (кулба) шаклда қурилган. Кромлехлар эса атрофига тошлар ётқизилган иншоатлардир. Энг машҳур кромлех буюк Британиядаги Стоунхендж ҳисобланади. (мил. авв. II минг йиллик бошларига оид). Мегалитлар саждагоҳ ва ибодатлар жойи саналсада, аслида улар бошқа мақсадлар учун мўлжалланган. Мегалитлар халқларни бирлаштириб, жамоанинг барча кучларини жипслаштиришга, янги ижтимоий тузум вужудга келаётган ҳолларда инсонларни умумлаштириш (социализация) мақсадларига хизмат қилди. Негаки, давлат тузилиши жараёнида турли ижтимоий қатламларнинг бўлиниши содир бўлади; бошқарувчилар, маънавий маданият ва билим эгалари хоҳинлар ва оддий бажарувчилар.

Ўзбекистон худудида жез даври мил. авв. II минг йиллик бошларини ўз ичига олади. Худди шу даврда икки турдаги мустақил маданият шаклланиб аниқ ажралади: ўтроқ деҳқончилик воқаларидаги маданият; кўчманчи даштликлар маданияти. ўтроқ деҳқончилик маданияти дастлаб Сурхондарё воҳасидаги Сополлитепа, Жарқўтон маданиятлари, Фарғона водийсидаги Чуст маданияти, иккинчиси- Замонбобо, Тозабөгёб, Суярган ва Амиробод каби жойларда вужудга келди.

Ўзбекистон жануби-Сурхондарё вилоятида ҳозирда ҳам машҳур бўлган усталар, заргарлар ва санъаткор – қурувчилар яратган маданият энг қадимги маданиятдир. Мил. авв. XVIII-X минг йилликка оид Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларида қадимги шарқ туридаги илк шаҳарнома цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни кузатилади. Сополлитепа лабиринтнома (қаср) тўғри бурчакли кўча тармоғи ва истехком тизими бўлган манзилгоҳлар мажмуидан ташкил топган. Жарқўтонда ҳам монументал меъморчилик хом гиштдан қурилган. Марказда қалъа жойлашган, уйлар хом гиштдан баланд кўтариб қурилган. Ҳар бир гузарда бинонинг ўртасида юмалоқ ўчоқ шаклида девор тоқчасида олов меҳробдан иборат сифинадиган маркази бўлган. Иккала манзилгоҳда жез эритиш, тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик; суяк, тош, ёғочга ишлов бериш гуллаб-яшнаган. Турли кулолчилик буюмларини кулолчилик дастгоҳида пишириб сифатли тайёрланганлиги, шаклининг

чиroyi тилиги кулолчилик соҳасининг техника ва технологияси юқорилигидан далолат беради. Топилган намуналардан маълум бўлишича Ўзбекистоннинг Жанубида яшовчи аҳоли қадимги шарқ, айниқса ҳинд водийсидаги Хараппа цивилизацияси намуналари билан кенг ҳамкорликда бўлган. Буни Сополитела ва Жаркўтон шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа деҳқончилик маданиятида ҳам учратиш мумкин.

Бронза даврида шаклланган «кўчманчи чорвадорлар» маданияти мил. авв. III минг йиллик охири-II м. й. бошларига оид бўлган Бухоро воҳасидаги Замонбобо манзилгоҳида ўрганилган. Замонбобо аҳолиси катта ярим ертўлаларда яшаб, бронза ва тош қуроллар ишлатишган. Кулолчилик дастгоҳисиз қўлда ишланган таги юмалоқ, ясси сопол идишлардан фойдаланган. Жез даврида маданият ёдгорликлари Амударё ва Зарафшоннинг қўйи оқимидан, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Самарқанд вилоятидан топилган. Улар чорвадор қабилалар маданиятининг вужудга келиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Чорвадор қабилалар жез даврида ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлади, қисман деҳқончилик билан шуғулланади, кейинчалик кўчманчи чорвадорларга айланишган.

Архаик маданият ўрнига қадимги цивилизация маданияти ўрнатилди: мураккаб-ижтимоий тизимга эга бўлган дастлабки давлатлар, диний ва қонунчилик шакллариининг ривожланиши, шаҳар ва ёзувлар. Бироқ архаик маданият изсиз йўқолмади. Унинг айрим қирралари жаҳон халқлари мифларида, фолькларида, инсон руҳиятининг чуқур «архетиплари» да сақланган. К. Юнгнинг назариясига кўра архетиплар- «онгсиз жамоанинг» руҳий тузумидир. Улар замондан ташқарида намоён бўлиб, шунга мувофиқ тарзда қиёфалар, яшаган ва яшовчи кишиларнинг туйғуси ва фикри шаклланади, рамзий тасвирларда, мифларда акс этган жамоага хос бўлган тарихий тажрибада оламни англашнинг ибтидоий шакллари сақланган. Кишилар кўпинча ўзлари пайқамасап ҳолда у ёки бу анъаналари билан, улардаги архетипик рамзлардан ажралган ҳолда яшайдилар. Барча замонавий маданиятлар асосидаги бу чуқур негизни сезиш ва ўрганиш ҳозирда содир бўлаётган жараёнларни яхши таҳлил қилишимизга, маълум маънода келажакка назар ташлашимизга ёрдам беради.

Таянч тушунчалар

Архаик маданият, мозий, полеолит, неолит, фергантроп, тотем, анимизм, фетишизм, мифология, маросим, монументал, мегалит, ментир, долмен.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

1. Архаик маданият деганда нимани тушунаси?
2. Архаик маданиятнинг асосий босқичлари.
3. Архаик маданиятнинг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни.
4. Ўзбекистон ҳудудида топилган архаик маданиятнинг асосий намуналари.
5. Архаик маданият даврида одамларнинг олам ва инсон ҳақидаги тасавурлари.
6. Архаик давридаги анъаналар, удумлар, байрамларнинг хилма-хиллик сабаблари.
7. Архаик давр маданиятида тасвирий санъат ва бадий хунармандчиликнинг кўринишлари.
8. Ўзбекистон ҳудудида Архаик даврга оид қандай ёдгорликлар топилган.
9. Ўзбекистон ҳудудидаги қандай қадимий динларни ва уларнинг маросимларини биласиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. Т., 1998 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., 1999 й.
3. Алексеев В. П., История первобытного общества. М. 1990 г.
4. Бойназаров Ф. Антик дунё, Т. 1983 й.
5. Древние цивилизации. М. 1989 г.
6. Ўзбекистон халқлари тарихи. I-Қисм. Тошкент. 1992 й.
7. Романов В. Н. Историческое развитие культуры. (Проблемы типологии) М. 1991
8. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1992 г.

5-мавзу АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ

Маъруза режаси:

1. Қадимги Шарқ маданиятининг вужудга келиш шарт-шароитлари.

2. Қадимги Шарқликлар дунёқараши ва тафаккурининг ўзига хослиги.

3. Қадимги Шарқдаги йирик маданиятларнинг (Миср, Месопотамия, Ҳинд, Хитой) ўзига хос қиёфаси.

4. Антик маданият (Қадимги Юнон ва Рим).

Қадимги Шарқ худудида мил. авв. X-VII минг йилликда инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожланишининг ибтидо-си билан боғлиқ бўлган энг муҳим жараёнлар рўй беради. Бу даврда Шарқда маданий фаолиятнинг турли шакллари ва соҳалари вужудга келади. Ёзув, адабиёт, санъат, фан, биринчи жаҳон дини- буддизм пайдо бўлади. Бу бошланғич жараёнсиз инсоният маданиятининг кейинги барча тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Қадимги Шарқ тушунчаси, Шарқ ҳақидаги ҳозирги тасав-вурларга мос келмайди. Негаки, Қадимги Шарқ ер шарининг Мисрдан то Хитойгача бўлган кенг минтақасини ўз ичига олиб, бу ерда мил. авв. VII минг йилликдан бошлаб инсоният тарихида дастлабки цивилизация вужудга кела бошлади. Маданиятнинг шаклланиши энг йирик дарёлар – Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Хуанхе ва Янцзи водийсида, яъни деҳқончилик ривож-ланиши учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган жойларда рўй берди. Худди шу жойларда дастлабки давлатчилик тузилмаси, сиёсий, диний ва савдо маркази сифатида шаҳарлар, ёзув ву-жудга келган. Бу ерда дастлаб маънавий маданият ишлаб чиқарувчи меҳнат фаолиятидан бевосита ажралиб мустақил фаолиятга айланади. Жамият ҳаётида алоҳида кишилар қатлами бошқарув, таълим, маълумотларни тўпловчи ва узатувчи соҳаларда шуғулланувчилар ажралади ва кўпайиб боради.

Миср, Месопотамия, Ҳинд ва Хитой цивилизациялари энг кўҳна ва йирик маданиятлар эди. Бу маданиятлар таъсирида Урарту, Финикия, Хетт, Элам цивилизациялари шаклланиб, инсоният маданияти тарихида сезиларли таъсирга эга бўлди.

И. П. Вейнбергнинг таъкидлашича, қадимги Шарқ мадания-ти «илк кашфиётчи ва асосчи сифатида улкан миссияни» ба-

жарди; ёзувни ишлаб чиқиш ва давлатчилик пойдеворини куриш, ўзининг этник, касбий, мулкый ва ижтимоий аҳволи билан фарқланувчи кишиларнинг бирга яшашлари учун шароит яратди. Агар бошқа маданиятлар ибтидоий ва қадимги Шарқ маданиятининг тажриба ва ютуқларидан фойдаланган бўлса, қадимги Шарқ маданиятининг ўзи эса ибтидоийликнинг бир тарзида шаклланди. Ибтидоий муҳитнинг таъсири кучли ва доимий бўлди. Ибтидоий даврдан мерос бўлиб мифологик фикрлаш усули, нугқ ва фаолият ўтди. Шу билан бирга қадимги Шарқ маданияти намуналари ўз дунёсининг «бошловчиси», «янгиликларини» ўзига хос жиддий ҳис қилди. Миср, Месопотамия, Ҳинд ва Хитой мифларида нафақат «дунёнинг яратилиш» (осмон, ер, жониворлар, инсон) мавзуи, балки, бу ривоятлар оламида ибтидоий дунёдан кескин фарқловчи «маданиятларнинг яратилиши» мавзуи ҳам катта ўрин эгаллайди. «Энklar ва коинот» (Месопотамия), тангри Птах ҳақида (Миср), Хитойнинг афсонавий ҳукмдори ҳақидаги мифларда худолар ва илк аждодлар деҳқончилик ва ҳунармандчилик кашфиётчилари, илк шаҳарлар бунёдкори, давлатчилик ва динни ўрнатувчилар, қонун ва ёзув ижодкорлари сифатида яъни, ибтидоийликдан фарқланувчи цивилизациянинг барча ютуқларини яратувчилар бўлиб тасвирланади. Шунингдек, мифларда бир-бирига мос келмайдиган, қарама-қарши ва бу икки дунёнинг душманлиги мавзуи ҳам тасвирланади.

Қадимги Шарқ халқларининг урф-одатлари ва эътиқодлари ҳақида маълумотлар турли манбаъларда, адабиёт ва санъат ёдгорликларида сақланиб қолганки, булар бизнинг тасаввур дунёмизни кескин фарқ қилувчи оламга бошлайди. Қадимги Шарқ маданиятининг шаклланишида мифологик тафаккур катта рол ўйнаган.

Мифологик тафаккур-бу предметлик-ҳиссий, жонли тафаккур етарли ривожланмаган мавҳум тушунчаларга хос бўлиб, бундай тушунчаларни ишлатиш ва сўзда уларни ифодалашнинг суствлиги ва қийинлигидир. (Шумерликлар «ўлдириш» дейиш ўрнига «бошига таёқ билан уриш» дейишган).

Қадимги Шарқ кишиси сабабли натижа муносабатларни тушунган ва фарқлаган, бироқ уларни мужмал ва қонунга мос бўлмаган ҳодиса сифатида, кўпчилиги эса шахсий қудрат сифатида онгли ва ихтиёрий идрок қилади. Сабабларни излашда «қандай» деб эмас, балки «ким» деб сўрашади («ҳодисада ким айбдор»), «ихтиёрий, аниқ мақсадда ҳаракат қилганни» излаш-

ган. «Сабабларни» бундай идрок қилиш оқибатида мифологик тафаккур айрим ва бутунча, бир-бирига ўхшаш ҳар қандай ташқи мосликни қабул қилади. Функционал алоқадорлик сифатида макон ва замондаги ҳар қандай боғлиқлик сўзи билан мифологик тафаккурнинг фикран боғлиқлиги ҳақида гапиришга имкон туғилади. Фикрий боғлиқлик билан ўхшаш тафаккур ҳам алоқадор. Қандайдир янги нарсани кўриб инсон ўзига дейди: «Бу янги нарса нимага ўхшайди?»- ва унга ўхшаш нарсани ўздан ва ажодлари тажрибасидан излайди. Хусусан, «асл намуна» таъмоили кенг тарқалган бўлиб, унга кўра ҳаётдаги барча муҳим нарсалар (эхром, подшо ҳоқимияти, инсон) илоҳий кудратнинг «асл намунасига» мувофиқ яратилган.

Оламни мифологик тасаввур қилиш унинг ниҳоятда тартибли, қатъий иерархик қурилишида ифодаланиб, унинг асоси турли хил оппозициялар тизими ҳисобланади. Айнан шулар мифологик рамзий таснифлашдаги дастлабки «пойдевор» ҳисобланади (Қарама-қарши типлар: юқори-қўйи, ўнг-сўл, осмон-ер, мағриб-машрик, кун-тун, биз-улар, катта-кичик, эрхотин, ҳаёт-ўлим ва бошқалар). Шунингдек, ўнг, юқори, катта, яқин, ўз, ёруғ таомилга кўра қарама-қаршиликнинг мусбат-ижобий томонини, сул, қўйи, кичик, узоқ, бегона, қоронғи эса салбий жиҳатини ташкил қилади.

Мифологик тафаккурнинг мувофиқ ва ўхшаш жиҳатлари унинг анъанавийлиги билан бевосита боғлиқ. Анъана бир-бирига яқин, бироқ моҳиятан бошқа бўлган ҳодисалар урф-одат, маросим, ибодат, удум, одоб сингари фаолиятда намоён бўлади. Буларнинг бари у ёки бу синуациядаги аниқ ахлоқ дастурига эга бўлиб, ҳаракатнинг тўғрилигини кафолатлайди, нотўғри ҳаракатларни огоҳлантиради, негаки анъаналар негизда социумнинг катта тажрибаси мужассамдир.

Қадимги Шарқ маданиятида анъаналарга асосланиш устун туради. Аждодлар анъанаси, тажрибаси мутлоқ ҳақиқат каби баҳоланган. Мутлоқ ҳақиқат ҳукмронлиги билан, Д.С. Лихачев таъкидлашича «одоблилик» боғлиқ бўлган. Қадимги Шарқ кишининг ахлоқи ҳаракат ва фаолиятда муқаддас анъаналарни қайта тиклашга қаратилган «илоҳий ўрнатилган» меъёр ва қоидаларга бориб тақалади. А.Я. Гуревич шундай дейди: «Кишилар ҳаракатининг кўкдаги илоҳий тимсолга талпиниши уларни илоҳ билан боғлаб, ахлоқда воқеликка айланди». Кишиларнинг барча фаолияти (ишлаб чиқариш, жамоатчилик, оилавий) муқаддас маросимларда қанчалик иштираётганлиги билан мазмун

касб этади. Анъанавий жамиятда «қадимги» ва «яхши» сўзлари синоним бўлиб, қадимги-эзгуликнинг кафолатидир. Шунинг учун уй ва анжом, кийим ва озиқа минг йиллар давомида кам ўзгарди, шунинг учун адабий жанрлар, санъат жанрлари ҳам барқарор бўлиб келмоқда, янги эҳромлар нафақат эскисининг ўрнида қад ростлади, балки уларнинг «асл намунасини» қайтадан тиклади. И.В. Ключков ёзишича, янги замон кишилари дунёни ҳаракатда, ривожланишида кўради, «Эволюция», «тараққиёт» тушунчалари дунё қиёфасини яратиш учун йўл очувчи таснифлар ҳисобланади. Бундан барча янгиликка замонавий жамиятнинг очқўз қизиқиши бошланади. Дунёнинг бошқача қиёфаси анъанавий жамият кишиларидан ташкил топади: қадимги дунё яшайди, бироқ ўзгармай қолади. Ривожланиш ғояси (тараққиёт ёки инқироз) кўринишидан, унинг англанишиши мутлақо бегона. Дунё жуда қадимдан худолар белгилаган ўзгармас тартиб бўйича яшайди.

Мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қадимги шарқ кишиси ўзини ҳар доим социумнинг бир қисми деб ҳис қилган, социум эса коинот кучига боғлиқликда, табиатга аралашган ҳолда кўринади. Гарчи, қадимги Шарқ маданиятининг турли қирраларида шахсни индивидуаллаштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар ҳар доим индивиднинг турмуш шароитларини белгиловчи асосий соҳаларга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган.

Қадимги Шарқда маконнинг пайдо бўлиши чегараланиши алоҳида ўрин тутади. Қадимги Шарқ мифологиясида космогенез жараёни Хаоснинг ажралиши сифатида намоён бўлади (Мисол учун, ҳиндларда Индра ҳақида миф, Месопотамияда Мардук ҳақида). Тартибли уюшган макон, бетартиб маконга қарама-қарши қўйилади. Табиийки, тартибли, ташкилий жиҳатдан уюшган макон- «яхши», «ўз» маконнинг, ундан ташқарида «бегона», «унинг» бетартиб, ташкилий уюшмаган «хунук» макон-кўчманчйлик, ибтидоийлик дунёси жойлашган. Шунинг учун санъат асарларида бошқа халқларнинг ўзига хос кийими, сочи, турмуши ўта диққат билан аниқ худди ўзидай тасвирланади — барча қиррасида қарама-қарши оламнинг фарқи таъкидланади.

«Ўзининг» маконида ижобий хусусиятга эга бўлишда давлат асосий рол ўйнайди. Шуни таъкидалаш жоизки, қадимги шарқда давлат оддий сиёсий ҳокимият сифатида ўзини намоёйиш қилмади, давлат дин билан уйғунликда сиёсий-диний бирлик мажмуида муқаддаслик хусусиятига эга бўлди. Моҳиятан маъна-

вий фаолият давлат монополияси ҳисобланиб, у билан гўёки илоҳий ёки филоийлик мартабасига эга бўлган зодагонлар, қоҳинлар ва ҳукмдорнинг ўзи томонидан амалга оширилган. Шоҳ ер ва осмон ўртасидаги бош воситачи ёки Неб худосининг ўғли бўлган, ёки худоларнинг ўзидан бошқаришга «мандат» олган. Бобил шоҳи янги йил байрамида бош худо Мардук ибодатхонасига борган. Ибодатхонага киришга қоҳин шоҳнинг барча нарсаларини олиб қўйиб (тожи, ҳассаси, шоҳлик либосини), уни камситган ва урган, шундан сўнг оёқ кийимсиз, оддий жулдур кийимда ибодатхонадан чиқишга руҳсат берган. Яъни, дастлаб шоҳ оддий одамга айланиши, ибодатхонада эса уни худо Мардук яна кейинги йил учун ҳукмдор қилиб тайинлаган. Фақат, Миср фиръавини унинг отаси- Худо Амон-Рага, Хитой императори «Небнинг ўғли»- Небга сажда қилиши билан боғлиқ асосий удумларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган.

Шоҳнинг асосий мажбуриятлари фуқороларга боғлиқ ишлар бўлган: мамлакатда тартиб ва осойишталик, моддий фаровонлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш. Қадимги Мисрдаги «Гераклиопол шоҳининг ўз ўғли Мериқарга насихатлари» да айтилишича: «Ҳақиқат ўрнат ва ерда узоқ яшайсан. Шундай қилки, йиғлаётганни овути, бевага жабр қилма, инсонни отасининг мол-мулкидан бенасіб қилма». Яна ҳукмдор заминда тартиб-интизом бўйича юксак миссияни бажариб, гоҳида беҳад катта ҳажмдаги қурилиш-ҳўжалик фаолиятини амалга оширган. Улуғ ва баҳайбат Миср пирамидалари, Буюк Хитой девори, Баолбек эҳроми, Персепопол саройи қурилишлари худолар олдидаги ҳукмдорларнинг «ижобий» хусусиятларидан далолат беради.

Диний ақидалар ҳукмронлиги кишилар ҳаётини белгилади. Инсон қаерда осмон бўлса- худолар дунёси ва ерни- одамлар дунёси деб билди. Улар доимо ўзаро муносабатда, бир бутунликда олам дарахтининг танаси ва шоҳлари каби виқор билан яшашган. Худолар инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига фаол аралашган, унинг туғилиши, ўлимини ва ўлимидан кейинги тақдирини белгилаган. Ўша дарвларда диний таълимотдан ташқари ҳеч қандай бошқа дунёқараш бўлмаган. Инсон худолардан ҳатто арзimas нарсалар ҳақида маслаҳат сўраган ва унга хатлар ёзиб ибодатхонага олиб берган. Мисол учун, қадимги Бобил аҳолисининг мактубидан бирида шундай сўзлар битилган: «Менинг отам, Худо айт! Сенинг қулинг Апил-Адат шундай дейди: Нимага сен менга эътибор қилмайсан? Сендан бошқа

ким ҳам бор? Сени севувчи худо Мардукка ёз: менинг гуноҳимдан ўтсин».

• Барча Қадимги Шарқ цивилизациялари табиий-илмий билимларни тўплаб улкан натижаларга эришди ва жаҳон фани ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Бизгача етиб келган Папирус ёзувлари мисрликларнинг математика ва геометрия (турли шаклнинг ҳажми ва юзасини ўлчаш), астрономия (аниқ куёш тақвимининг тузилиши кейинчалик Европада тақвимга асос бўлган), тиббиёт (анатомия тузилиши, мия ва қон томирлари ҳақидаги таълимот, жарроҳлик), кимё (турли моддаларнинг хусусиятини ўрганиш ва бу билимлардан майитни мумиёлашда фойдаланиш) соҳаларидаги кенг тушунчалари ҳақида далолат беради. Атрофдаги мамлакатларга Месопотамия математикаси ва астрономияси катта таъсир кўрсатди. Ҳозирга қадар биз Месопотамияда тузилган вақт ва бурчак ўлчови учун 60-бўлакли тизимдан фойдаланамиз. Месопотамияликлар математика ва астрономияга оид кашфиётлар қилиб, ой фазаларини бўлиш тизимини яратди, куёш тизимида оид жараёнлар, юлдуз ва сайёрлар рўйхати, кўплаб ҳаракат ҳолатларини аниқлаш бўйича янгиликлар киритди. Икки дарё оралиғи- астрологиянинг ҳам ватанидир.

Қадимги Ҳинд ва Хитой фани ҳам кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Ҳиндистонда нолдан фойдаланиб ўнлик саноқ тизими яратилиши билан алгебра ривожлана бошлади («сон», «туб сон», «синус» каби атамалар ҳиндистонда пайдо бўлди). Ўлим сабабини аниқлаш мақсадида мурда танасини анатомик тадқиқ қилиш тажрибалари анатомия ва физиологияни ривожлантириб, медицинада катта ютуқларга эришилди. Ҳиндистонда тиббиёт тараққиёти ҳақида тиббиётга оид асарлардан бирида жарроҳликнинг 300 тури бўлганлиги ва 120 та жарроҳлик асбоби мавжудлиги эслатилади. Барчага маълумки, Хитой ипак, чинни ва қоғознинг ватани ҳисобланиб, мил. ав. II асрда кашф қилинган, шунингдек Хитойда порох, компас (мил. ав. III аср) ер қимирлашини аниқловчи асбоб (сейсмограф) ҳам ихтиро қилинган. Мил. ав. 613 йилга тегишли Хитой қўлёзмалари топилиб унда Галлей кометаси ҳақидаги энг қадимги маълумотлар учрайди. Мил. ав. II асрда Хитойда осмон ёритқичларининг ҳаракати тасвирланган биринчи осмон глобуси, 2500 ёритқичнинг ўрни кўрсатилган юлдузлар катологи яратилган. Янги тақвим жорий қилиниб (мил. ав. 104 й.), унга кўра бир йил 365 24¹ кунга тенг бўлган. Мил. ав. 28 йилда Хан империясининг астрономлари куёшда доғлар мавжудлигини кузатганлар.

Хитой математиклари тарихда биринчи бўлиб ҳисобда манфий сонни қўллаганлар. Тиббиётда игна уколи, нуқтали даволаш каби ажойиб усулни ишлаб чиққанлар.

Бир томонда Миср ва Месопотамия фани, бошқа томонда ҳиндистон ва Хитой фанида аҳамиятли фанлар мавжуд бўлиб, биринчидан- фан ўта амалий хусусият касб этган, иккинчидан- фанлар назарияси, фалсафа тараққийси фарбдан кескин фарқ қилган. Бу фарқни К. Ясперс томонидан яратилган ўқ даври назарияси билан изоҳлаш мумкин. Бунга кўра мил. авв. 800 ва 200 йиллар оралиғида муҳим тарихий бурилиш содир бўлиб, мифологик давр ниҳоясига етади, рационал идрок шаклланади, ҳозиргача мавжуд бўлган асосий тушунча ва таснифлар ишлаб чиқилди. Бу даврда Ҳиндистонда Упанишадлар пайдо бўлди, Будда яшади. Хитойда машҳур фалсафа мактаблари ривожланди, Эронда Зардуштийликни қабул қилиб, қонунлаштирилди, Фаластиндан пайғамбарлар чиқди, Юнонистонда бу вақтда Гомер, Гераклит, Платон ва бошқалар фаолият кўрсатди. К. Ясперс Миср ва Месопотамия маданиятлари ўқ давригача мавжуд бўлганлигини, яъни уларда эса қоларли бурилишлар содир бўлмаганини, Ҳиндистон ва Хитой маданиятларини ўқ давридан кейинга таълуқли деб билади.

Ҳиндистон ва Хитойда табиий ва техника фанлари эртароқ шаклланди ва ўз навбатида сермахсул тараққий этди. Бироқ, бу фанлар фарбдаги каби маданиятга сезиларли таъсир кўрсатмади. Бу Олий ҳақиқатни англаш йўлидаги мустақил таълимот бўлиб қолиш билан боғлиқ. Масалан, Ҳиндистонда билим уч даражага ажралади:

1. Билмаслик (авидья).
2. Тушунча. «илмий» билим (вижняна).
3. Ҳамма нарсани билиш (пражня), яъни биринчи даража мантиқсиз фикрлаш, иккинчиси — мантиқий, учинчиси мантиқдан устун идрок қилишга мувофиқ келади.

Ер юзидаги энг кўҳна ва бир қадар ўрганилган, кўплаб халқлар маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган маданиятлардан бири- қадимги Миср маданиятидир. Қадимги Миср ёзуви кўплаб ҳозирги ёзув тизими учун асос бўлди. Қадимги Мисрликлар кўллаган сўзлар «папирус», «оазис», «химия», «базальт» ва бошқалар ҳозирда ҳам муомалада сақланиб келмоқда. Мисрда турли, ўта чалкаш топинишлар тизими мавжуд бўлган: худоларга сиғинган, жонивор, ўсимлик, тупроқ, сув, Нилни муқаддаслаштирган. Куёшга, тирик худо-Фиръавнга

сиғиниш қонун тусига кирган. Мисрликлар маданиятида дафн маросими алоҳида ўрин тутган. Улар ўлимни инсоннинг иккинчи ҳаёт бошланиши деб билган. Мангу ҳаёт тушунчаси Осирис ва Изидда ҳақидаги мифдан пайдо бўлган. Қадимги япон муаллифи «Мисрликлар ҳаёти ўлимга тайёргарлик кўришдан иборат»-деб бекорга ёзмаган.

Мисрликлардан фарқли қадимги Месопотамия аҳолиси ердаги ҳаётга кўпроқ эътибор қилишган. Ўлим билан ҳаммаси тугайди деб ўйлашсада, нариги дунёга инонишган. Мисрликлардан фарқли равишда, нариги дунёни инсон руҳи мангу сув ва овқатга зориқиб яшайдиган кўрқинчли дунё деб тасаввур қилишган. Шарупакнинг Месопотамияликларга насихатида айтиладики «Ширин ҳаётдан ташқари бирон нарса азиз эмас». Месопотамияликларнинг қувончли ҳаёт ҳақидаги қараши «Гилгамиш» достонида ҳам тасвирланади. Улар шахсий ҳаёт муаммолари билан кўпроқ қизиққанлар.

Ҳиндистон – биринчи жаҳон дини буддизм ватани бўлсада, Ҳиндистоннинг ўзида индуизм билан иккинчи даражада туради. Бу икки дин ҳам «Веда» да акс эттирилган қадимги тасаввурлардан келиб чиққан. Ҳиндларнинг дунёқараши ва барча тушунчаларини белгиловчи марказий ғоя, ҳинд маданиятининг ўзига хос хусусияти- дунёда содир бўлувчи бениҳоя узликсиз ҳаракат ғояси ҳисобланади, яъни дунёнинг айланиши на ибтидо, на ниҳоя, на аниқ мақсадга эга. Дунёнинг доимий айланишида қайта янгилашиш ва дунёвий илоҳий руҳ нишонаси-индивидуал руҳ бўлади. Улар доимо янги моддий кўринишда вужудга келади. бунинг учун инсон танаси бўлиши шарт эмас, яъни руҳ жониворлар, ўсимликлар танасига жойлашиши мумкин. Ҳиндлар шу тариқа ўз дунё қарашидан нарғи дунё ҳақидаги ғояни истисно қилганлар. Мутлоқ «дунёвий қонун» борлиқ ҳукмдори Брахмаоламнинг объектив ибтидоси. Уларни таққослаганда аниқ худоларнинг роли унча катта эмас, фақат «дунёвий қонун» тамойилларини индивидуаллашган тимсолидан иборатдир. Ҳеч ким, шунингдек худо ҳам инсон кармасини ўзгартиришга қодир эмас. Карманинг санскрит тилидан таржимаси «фаолият» (тақдир) ни билдиради. Бу тушунчанинг мазмунини аниқлаш мураккаб. Карма инсоннинг олдинги ҳаётидан мерос бўлиб ўтади ва ҳозирги ҳаётининг мазмуни ва фаолиятида намён бўлади, у бўлгуси моддий тимсолнинг сифатини белгилайди. Гуноҳларни кечириш ҳақида тазарру ёки ибодат билан Кармани ўзгартириш мумкин эмас, У фақат инсоннинг ахлоқий феъл-атворини белгилайди.

Шу билан бирга, ҳар бир индус ва буддист учун ўз-ўзини билиш ва ўзининг камолатига етиш, ўз руҳий ҳолатини аниқлаш, ўз кармасини тоза сақланиши ҳақида ўйлаш асосий ҳисобланади.

Бу Ҳиндистондаги динлар ҳаётдан, фаолиятдан воз кечишга ундайди дегани эмас, балки улар дунёвий ташвишларга бефарқ бўлишга ундайди деса бўлади. Ҳинд маданиятининг бутун мазмунида зоҳир ва ботин, муаққат ва мангулик ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарурати ҳақидаги фикр ётади.

Ҳитой маданиятининг ўзига хос фарқли жиҳати шундаки, қадимдан динлардаги мистик ибтидога ахлоққа нисбатан иккинчи даражада қаралган, маданиятдаги белгилловчи ғоя Осмон тасдиқлаган буюк «ахлоқий-ижтимоий-сиёсий тартиб» бўлган.

Ҳитой маданияти ва цивилизациясининг минг йиллар давомида асосий руҳий, ахлоқий ва ғоявий манбаи мил. авв. 551-479 й. яшаган буюк мутафаккир Конфуций таълимоти ҳисобланади. Барча энг муҳим нарсалар ҳар қандай цивилизациянинг «қиёфасини» белгилайди- ҳаёт тамойилларини, давлат ва ижтимоий ташкилот шаклларини, умум қабул қилган ахлоқий меъёрлар ва қадриятларнинг барчаси Ҳитойда Конфуцийлик таъсирида шаклланган. Бежизга Л.С. Васильев Конфуцийликни «хитой цивилизациясининг квинт эссенцияси (моҳияти)» деб атамайди.

«Осмон ваколати» йўналиши Конфуций томонидан янгича фикрда ривожлантирилиб, унда ижтимоий ахлоқ асосий ўрин тутади ва сиёсий маданиятни белгилайди. Анъаналарни ҳурмат қилиш, бурчни жиддий ҳис қилиш, ахлоқий сифатнинг юқорилиги, ўзини жамият учун бахш қилиш, ҳақиқатни англаш учун доимо уриниш, ишонч ва олижаноблик каби идеаллар бошқаларни бошқаришни истаганлар учун мўлжал бўлган. Бу идеаллар давлатнинг бош таянчи бўлиб, Ҳитой империяси тўралари учун намуна бўлди.

Конфуцийликни Ҳитойда пайдо бўлган иккинчи буюк фалсафий таълимот-даосизм тўлдирди. Даосизмда турмуш, табиат, умумлик муаммолари акс этади. Агар конфуцийчилик инсоннинг ижтимоий фаолиятини назарда тутса, даосизмда унинг руҳий ҳаёти, дунёқарashi акс этади. Даосизмда қадимги Ҳитойдаги фикрларнинг бош ғояси акс этиб, жаҳон маданиятини янги ҳаёт билан бойитди. «Унинг ғоялари: ин-ян тамойилларга асосланган дунёнинг дуалистик хусусияти; усин-бешта асосий унсурдан иборат бўлган материя (ер, сув, олов, маъдан); дунё-

нинг ўзгарувчан ҳаракатдалиги, асосий унсурлар доимо сифат ўзгаришида бўлишини билдиради. Даосизмга кўра дунёнинг пайдо бўлиши учта кучнинг фаолиятидан келиб чиққан: Дао-Олий Мутлоқ, Илк ибтидо, Дэ-дао нуридан дунёнинг пайдо бўлиши, Ци- Олий материя, у моддий дунёни яратиб, нарса ва мавжудотларни бунёд қилади.

Шарқнинг қадимги цивилизацияси моддий ва маънавий соҳаларидаги кўплаб ўта муҳим янгиликларни вужудга келтирди. Хусусан, мил. авв. I минг йиллик маънавий ғалаёнлар жараёни билан ажралиб туради. Бу даврда дастлаб икки тамойил вужудга келди: умуминсоний бирлик ва шахснинг маънавий мустақиллиги. Ғоялар эркинлиги бошланиб инсон ўз ҳаётини унга асосланиб қурди.

Қадимги Шарқ цивилизацияси Ғарбга нисбатан эртароқ бошлади. Юнонлар маданияти Қадимги Шарқ маданияти таъсирида жуда юксалди, бунини эллинларнинг ўзлари ҳам эътироф этишган. Бу таъсирлар натижасида шундай давр бошландики Шарқ ва Ғарб маданиятлари синтези эллинистик маданиятни вужудга келтирди: Юнон-Бақтрия ва гандхар санъати, исқандария фани, фаюм портретлари бунга мисол бўла олади. Қадимги Шарқ бизга барҳаёт бойликларни қолдирди. Булар «Гилгамеш» ва «Моҳабҳорат» дostonлари, Калидаси драммалари ва Чжуанцзининг рамзий масаллари, Миср эҳромлари ва Буюк Хитой девори ва бошқалар.

Қадимги Юнонистон ва Рим маданиятлари Европа цивилизациясининг пойдеворига асос солди. Қадимги Шарқ маданияти таъсирида шаклланган бу маданият анъанавий маданият тараққиёти даврининг давомчиси ва яқунловчиси бўлди. Қадимги Юнонистонда шаклланиб, кейинчалик юксак босқичга кўтарилган бу маданият эр. авв. III асрда Рим маданияти вужудга келишига катта таъсир кўрсатди ва «Антик маданият» номи билан дунё маданияти тарихида ўчмас из қолдириди.

Латин тилидаги «антик» (antiguus) сўзининг маъноси «қадимги» демакдир. Лекин тарихий давр нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак Антик давр Қадимги дунёнинг охири-қадимги маданият ва давлатчиликнинг энг тараққий этган босқичидир. Бу давр асосан Юнонистон ва Рим учун характерли бўлиб, Юнонистонда мил. авв. XI-IX асрларда антик жамиятнинг ташкил топишидан бошланиб, мил. авв. V-IV асрда антик (классик) маданият такомил билан тўла моҳият-мазмунга эга бўлди. Милодий V асрда варварлар томонидан Рим империясининг

қулатилиши Антик маданиятни инқирозга олиб келди. Шунингдек, Юнон-Рим жамияти ва маданиятига нисбатан қўлланилиб келаётган «антик» сўзини кўпроқ Европага татбиқан англамоқ даркор, негаки Европа халқлари ўзларининг маданий тараққиётлари йўлида ёлғиз Юнон-Рим маданияти билан алоқадор бўлганликлари сабабли, шу халқлар бунёд этган маънавий бойликларни энг қадимий деб таниганлар.

Ўз ўрнида Антик маданият Юнон-македонлар ва Рим таъсирида Эгей денгизидан Ҳиндистонгача ва Мисрда эллинистик маданиятнинг вужудга келишига ва космополитизм (дунё фуқаролиги) тушунчасига асос солди.

Барча қадимги маданиятлар каби юнон классик (антик) маданиятининг муҳим таркибий қисми дин бўлган. Дин меъморчиликнинг, тасвирий санъатнинг, адабиётнинг ажойиб намуналарида ўз аксини топди. Қадимги юнон динининг асосий шакллари архаик даврдаёқ таркиб топган, унинг илдизлари эса энг қадимги крит-микен даврига ва қадимги шарқ таъсирларига бориб тақалади.

Ибтидоий жамоадан синфий жамиятга ўтиш даврида маъбудлар ҳақидаги тасаввурлар ўзгаради. Эр. авв. VIII-VII асрларда кўплаб маҳаллий ва айрим умумюнон маъбудларини тартибга солиш эҳтиёжи туғилади. Архаик даврда (мил. авв. VIII-VII асрларда) ги диннинг ривожини бу- антропоморфизмдан, яъни инсоннинг илоҳийлаштиришдан, худоларни ўлмайдиған ва абадий ёш бўлиб турадиган кучли, гўзал кишилар деб тасаввур қилишдан иборат эди.

Қўлдорлик муносабатларининг шаклланиши ва ижтимоий аҳвол Гесиоднинг «Меҳнатлар ва кунлар» поэмасида акс эттирилган. Шунингдек, Диний мифология ҳам Гесиод томонидан тартибга солинган шаклидан то антик даврнинг охиригача юнонларнинг тасавурида асосан мавжуд бўлиб келган. Юнонлар учинчи авлодга оид бош маъбудларнинг макони Олими тоғи деб билишган.

Юнонларнинг тасаввурича, олам аввалида Хаосдан иборат бўлган, Ер-Ғея ва ер ости олами Тартар ҳам бўлган. Ғеядан ўғли Уран-осмон худоси келиб чиққан. Уран билан Ғеядан титан Кронос туғилган ва ўз отаси Уранни ағдариб ташлаган.

Булар титанлар- катта худолар экан. Кроносдан Аид, Посейдон, Гестия, Демитра, Гера ва Зеве каби кичик худолар келиб чиққан. Зеве бошчилигида кичик худолар Титанларни ағдариб ташлаб оламини идора қила бошлаганлар. Зеве бош худо, худолар

аждоди, чақмоқсочар ҳисобланган. Унинг хотини Гера- осмон маъбудаси ва никоҳ ҳомийси бўлган. Посейдон- денгиз худоси. Демитра- ҳосилдорлик маъбудаси, Гестия – уй-рўзғор маъбудаси, Аид – ер ости олами худоси ҳисобланган.

Зевенинг бошидан донишмандлик ва уруш маъбудаси Афина пайдо бўлган; Апполон- рўшнолик ва санъат худоси, Артемида- ой ва ов маъбудаси, Гефест- темирчилик худоси, Афродита- гўзаллик ва севги маъбудаси, Дионис- узум ва мусаллас худоси сифатида эъзозланган. Зевенинг кўп фарзандлари худолар бўлган.

Юнонлар динида тотемизм қолдиқлари бўлган, яъни маъбудларга бирон ҳайвон ёки қуш аталган. Шунингдек, юнонлар иккинчи даражали маъбудларга- Нимфа ва Кентаврларга ҳам топинганлар. Гўёки чакалақзорларда дриадалар, нимфалар, эчкиёқ сатирлар яшаган; денгизда наядалар ва сирена- аёл бошли қушлар яшаган.

Маъбудларнинг оддий аёллар билан алоқасидан туғилган ярим худо-қахрамонлар ҳам эъзозланган. Айниқса 12 марта жасорат кўрсатган Геракл- ёвузликни енгувчи образ бўлган.

Юнонистонда худолар шарафига ўтказилган махсус байрамлар фақат диний мазмунга эга бўлмаган, чунки жисмоний тарбия мусобақалари ҳамда мусиқа, қўшиқ кабилар мазкур байрамларнинг энг муҳим ишлари ҳисобланган. Юнон шаҳарлари ўз байрамлари, спорт мусобақалари, оракуллари (коҳин-валийлари) билан юнон элини бирлаштирувчи марказлар бўлган. Аргосда Гера, Афинада Афина шарафига байрамлар ўтказилган. Олимпиада шаҳрида Зевс шарафига Олимп мусобақалари бўлган.

Юнон олимлари Қадимги Миср, Месопотамия ва Кичик Осиё халқларининг билимларидан баҳраманд бўлганлар. Қадимги Шарқ фани юнон дунёсида илм-фаннинг ривожланишига таъсир этган. Милoddан аввалги VII-VI асрларда Юнонистонда маданият ва фан ривожланиб Геродот, Демокрит, Пратогор, Гиппократ, Сукрот, Афлотун, Арасту каби олимлар ижод қилганлар.

Милoddан аввалги VI асрда Кичик Осиёдаги Милет шаҳри илм-фан маркази бўлган. Кичик Осиё олимлари Миср ва Месопотамия олимларининг илмий билимларини ривожлантирганлар. Улар табиат ва жамият ҳодисаларининг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиб, табиат ва ҳаётнинг ибтидосини сув, ҳаво ёки олов деб фараз қилганлар.

«Тарихнинг отаси» деб ном олган юнонистонлик тарихчи Геродот (мил. ав. V-аср) Миср, Бобил, Сурия, Кичик Осиё ва Қора денгиз соҳилидаги мамлакатларга саёҳат қилиб, ўзининг «Тарих» китобида турли халқлар ҳақида маълумотларни ёзиб қолдирган.

Юнон олимларидан бири Демокрит (мил. ав. 460-370 йиллар) «Ҳамма нарсалар энг майда заррача, атомлардан ташкил топган», — деган фикрни илгари сурган. У фаннинг кўп соҳалари билан шуғулланган.

Кос оролида туғилган юнон табиби Гиппократ (мил. ав. 460-375 йил) тиббиёт билимларини отаси Гераклитдан ўрганган. У машҳур табиб бўлиб, тиббиётнинг барча масалалари билан шуғулланган ва улуғ файласуф ҳам бўлган. У шогирдлари билан бирга 72 китобдан иборат «Гиппократ тўплами» номли тиббий асар ёзиб қолдирган.

Афиналик файласуф Суқрот (мил. ав. 441-399 й.) бирорта китоб ёзмаган. У одам гавжум жойларда шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаб, — ҳақиқат баҳс орқали билинади, — деган. Суқрот ўз қарашларида одамларни тенглаштиришга қарши чиққани учун Афина қулдорлик демократияси намояндалариг ёқмаган ва уни ўлимга ҳукм қилишган.

Македония сарой табибининг ўғли Арастуни (мил. ав. 384-322 й.) Шарқда «биринчи муаллим» деб атаганлар. У жуда кўп асарлар ёзиб, илмий билимларни алоҳида соҳаларга бўлиб чиққан ва мустақил фанларга бирлаштирган. Арасту Ер коинотининг маркази деб ҳисоблаган. Унинг машҳур асари «Сиёсат»дир.

Юнонистон афсона ва ривоятлар юрти бўлиб, қадимдан адабиёт ривожланган. «Прометей», «Геракл», «Дидал ва Икар», «Аргонавтлар», «Одиссея» ва «Илиада» каби афсона ва дostonларда юнонларнинг турмуш тарзи ва тарихи баён қилинган. «Илиада» ва «Одиссея» дostonларини мил. ав. VIII асрда яшаган кўр бахши Гомер яратган эди. Дostonларда Троя урушлари ҳикоя қилинади. Археологлар Гомер дostonларига асосланиб қадимги Троя маданиятини топганлар.

Дoston ва афсоналар театр учун бой маълумот берган. Қадимги Юнон театри мил. ав. VI асрларда қишлоқ ҳўжалиги ҳомийси, худо Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган кўшиқлар ва ўйинлар асосида вужудга келган. Юнонлар театрни «катта ёшдагилар мактаби» дейишган.

Театр юнончада «томошалар жойи» деган маънони англатади. Кейинчалик қурилган Юнон театрларига 17-25 минг томошабин жойлашган.

Театр санъатининг ривожини машҳур юнон адиблари ижоди билан уйғун бўлган. Адиблар афсона ва ривоятлар асосида трагедиялар яратганлар. Трагедия юнончада «эчкилар қўшиғи» деган маънони англатади.

Мил. ав. VI-IV асрларда Эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари Аристофан комедияларини театрда томошабинлар мароқ билан кўришган. Эсхилни «трагедия отаси» деб атаганлар. Унинг «Занжирбанд Прометей», «Форслар» трагедиялари, Софоклнинг «Шоҳ Эдип», «Антигона» трагедиялари машҳур бўлган. Софокл 120 дан кўпроқ трагедия ёзган.

Аристофан «Тинчлик», «Суворийлар» деган комедияларида уруш воқеаларини ва ўша даврдаги иллатларни тасвирлаган. Бу ижодкорларни халқ ҳурмат қилиб Афина театрига ҳайкалларини ўрнатганлар ва «донишмандлик йўлбошчилари» деб атаганлар.

Қадимги юнонларда меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва расомчилик Крит-Минен даврларида вужудга келиб, кейинги даврларда ривожланади ва мил. ав. V асрда юқори поғонага кўтарилади.

Қадимги юнонлар меъморчиликда устунли бинолар қуришликни мисрликлардан ўрганган бўлсада, бу усулни қайта ишлаб учта услуб яратганлар: дорий, ионий, коринф услубидаги бинолар. Улар ибодатхона, театр, сарой ва мажлис биноларига алоҳида эътибор берганлар. Дастлаб бундай бинолар дорий услубида-устунлар тагкурсига эмас, ерга ўрнатилган. Кейинчалик мрамор тошлардан кучли эркак кишининг гавдасига ўхшаш устундан, баъзи устунлар нозик, юқори қисми гажакқайрилма, нақшли услубдаги бинолар қурилиб, аёл гавдасига қийсланган. Ибодатхоналарнинг баланд пойдеворлари бўлиб, ичи ва ташқариси ҳайкаллар билан безатилган.

Афина акрополидаги Парфенон, Эрехтейон ибодатхоналари юнон меъморчилигининг нодир асарларидан бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган. Парфенон устунлари дорий услубда бўлсада, тарз-таровати ионийча услубадир. Унинг қаршисидаги Эрехтейон ибодатхонаси соф ионийча услубда, қиз ҳайкаллар устун ва-зифасини бажариб, нафис ишланган.

Мил. ав. IV асрда расм бўлган коринфча услубдаги устунлар узунроқ, тагкурсиси ва қоши анча мураккаб бўлиб, акапф

ўсимлиги япроқлари билан безатилган. Афина марказида Лисикрат ёдгорлик ҳайкали шу услубда қурилган.

Юнон ҳайкалтарошлиги ҳам мил. ав. V-IV асрларда юксак даражада ривожланди. Ҳайкалтарошлар бу даврда одам гавдасининг ҳаракат қилиб турган ҳолатини тасвирлашни билиб олганлар. Мирон, Поликлет, Фидий, Тракситель, Скопас, Лисини каби ҳайкалтарошлар яртаган ҳайкаллар жонли ҳаракатли ҳолатда ишланган.

Юнон рассомчилик санъати намуналари кам сақланиб қолган бўлса-да, асосан кўза, ваза ва сопол идишлар сиртига рассомлар юнонлар ҳаётидан олинган айрим манзараларни ишлаганлар. Мазкур расмлар жозибаси билан диққатни тортади.

Эллинизм даврида (мил. ав. III-II асрлар) маданият хилма-хил бўлиб, асосан илм-фан тараққий этди. Александр Македонский истило қилган худудларга юнон маданияти кириб бориши билан бирга Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маданиятига уйғунлашиб, маданият синтези юз берди. Мамлакатларни ўзаро алоқалари кенгайди.

Юнон-Македония ва Эллинлашган маҳаллий зодагонлар орасида умумюнон тили «Койне» (умумий) кенг ёйилди. Янги дунёқараш фалсафий тус олиб космополитизм (дунёфуқороси) номи билан машҳур бўлди.

Искандариядаги ва Шарқий Ўрта денгиз бўйидаги бошқа шаҳар кутубхоналарида Юнонистон ва Шарқ мамлакатларидан олиб келинган илмий асарлар тўпланган. Искандарияда театр, сарой, гимназиялар ва машҳур Музей бўлган. Музейда расадхона ва улкан кутубхонада 700 мингга яқин қўл ёзма сақланган. Шаҳар олдидаги оролга 140 метр баландликдаги маёқ қурилган. Бу маёқ кемаларнинг гаванга кириш йўлини кўрсатиб турарди.

Эллинизм даврида фанлар тизимида асос солинди. Стратон хизмати билан физика фани пайдо бўлди. Евклид ва Архимед математикани ривожлантирди. Аристрах астрономия соҳасига улкан ҳисса қўшди. Шарқ мамлакатларида юнон меъморлари, ҳайкалтарошлар, рассомлар нодир асарлар яратганлар. Бироқ, мил. ав. III-II асрларда юнон санъатининг хусусиятлари ўзгарган. Ҳукмдорлар саройлари коринфча услубдаги устунлар билан қурилган. Тасвирий санъатда одамларнинг ташқи қиёфасини ва ички кечинмаларини кўрсатишга интилиши янгилик эди.

Таянч тушунчалар

Анъанавий маданият, эволюция, космогенез, фираъви, эҳром, папирус, астрология, тақвим, Веда, эллинлар маданияти, Мохабхорат.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

1. Қадимги Шарқ маданияти вужудга келишининг шарт-шароитлари.
2. Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятлари ривожланишидаги ўзига хослик нимада?
3. Қадимги шарқликларнинг дунёқараши ва тафаккуридаги фарқли жиҳатлари.
4. Қадимги Шарқ ва антик даврда дин ва давлатнинг ўзаро муносабати.
5. Қадимги Шарқнинг асосий манзилгоҳи Миср маданиятини тавсифланг.
6. Қадимги Месопатамиянинг асосий маданий ёлгороликларини айтиб беринг.
7. Қадимги Хитой маданиятининг қандай намуналарини биласиз?
8. Анъанавий маданиятда удумлар, мифология ва илмнинг ўрни.
9. Антик дунё маданиятининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни.
10. Қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро мулоқоти ва бир-бирига таъсири.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
2. Васильев Л. С. Проблемы генезиса китайской мысли. М., 1989 г.
3. Вейнберг И. П. Человек в культуре Древнего Ближнего Востока. М., 1986 г.
4. Древние цивилизации. М., 1987 г.
5. Ерасов Б. С. Культура, религия и цивилизация на Востоке. М., 1979 г.
6. Конрад Н. И. Запад-Восток. М., 1972 г.
7. Литература Древнего Востока М., 1984 г.
8. Ольденбург С. Культура Индии. М., 1991 г.
9. Оппенхейм А. Л. Древняя Месопотамия. М., 1980 г.

6-мавзу
«ДИНИЙ МАДАНИЯТ» (IV-XVI АСРЛАР ХРИСТИАН
ЕВРОПАСИ ВА МУСУЛМОН ШАРҚИ)

Маъруза режаси:

1. *Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устуворлиги.*
2. *Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.*
3. *Диний маданиятлардаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни.*

VI-XVI асрлар даври тарих фанида ўрта асрлар дейилиб, қадимги ва анъанавий маданиятлар ўртасидаги даврни билдиради. Бу давр маданиятида мифологик тафаккур ва анъаналарнинг кучли таъсири ҳамда янги даврнинг техноген маданиятидаги ақлий-мангикий тафаккур, илмнинг амалий хусусиятлари сезилади. Араб ҳалифалиги ва Европа мамлакатлари ўрта асрлар маданиятидаги хусусиятни ислом ва христианлик белгилайди. Ўрта асрлар маданиятининг шаклланиш қиёфасини ислом ва христианлик белгилаши билан бирга, уларнинг ўзи ҳам мифологик тушунчалар асосида шаклланиб, анъанавий маданиятнинг кўплаб жиҳатларини ўзлаштирди, ўз навбатида ўрта асрлар маданияти негизида кейинги даврлар маданиятининг шаклланиши учун янги маданият куртаклари ва янги тафаккур тарзи вужудга келди. Яна шуни ҳам инкор қилмаслик керакки, ўрта асрларда ўзининг тафаккур тарзи ва дунёқараши жиҳатидан ўтмишда ва кейинги даврларда вужудга келган диний маданиятдан кескин фарқ қилувчи диний маданият яратилди.

«Диний маданият кўп мазмунлидир, негаки унинг асосида турли халқларнинг маданият мероси мавжуд: араб, турк, герман, славян халқларининг архаик (ибтидоий) маданияти; антик мерос ва қадимги шарқ цивилизацияси меросларини танлаш ва ижодий қайта ишлаб ўзлаштирган.» Бундан ташқари Ғарб ва Шарқнинг ўрта асрлар маданияти тарихнинг минг йиллар давомида доимо мулоқот ва аккультурация жараёнини кечирди, бунда салиб юришлари даври жуда шиддатли кечди (XI-XIII асрлар). Диний маданиятнинг кўп қирралиги унинг таркибида кўплаб субмаданиятларнинг мавжудлигидир: халқона (қишлоқ маданияти), шаҳар, дунёвий, монастыр ва сўфийлик маданият-

лари. Шунингдек, дин ўша даврдаги маданият ва субмаданиятнинг барча соҳаларини бирлаштириб ўз ичига қамраб олди.

Ўрта асрлар даврида яқка худоликка асосланган жаҳон динлари-христианлик ва ислом Европа, Осиё ва Африканинг кўп жойларида кўплаб кишилар учун дунёқарашнинг устивор шакли бўлиб, инсон ва бутун жамиятнинг тафаккурини, бутун турмуш тарзини белгилади. Диний ақидалар асосида ўша даврнинг қиёфаси кишилар онгида шаклланиб маданиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилади. Коинот ва осмон жисмларини дастлабки ва бошланғич ўрнини Худо (Оллоҳ) белгилаб, дунё ва инсонни яратувчиси ҳамда барча мавжудот худонинг (Оллоҳ иродасининг) ижодий яратувчанлик натижасидир. Инсоният тарихи даврларнинг изчиллик билан такрорланиб туриши каби намоён бўлади, натижада даврларнинг ўрин алмашиши навбатдаги пайғамбарнинг келиши билан содир бўлади. Пайғамбар жамиятда бузғунчилик ва гуноҳларни тузатишда «илоҳий аралашувчи»нинг тимсоли ҳисобланган. Бу «худонинг элчилари» бўлган пайғамбарлар тарихидир. Христианликка кўра «элчиларнинг» сўнгиси «худонинг ўли» Иисус Христоснинг ерга тушиши ҳисобланиб, унинг чормих қилиниши билан Ерда Худонинг ҳукмронлиги бошланади. Ислом дини бўйича Иисус фақат пайғамбарлардан бири халос, охириги пайғамбар «пайғамбарлик тамғаси» бўлган Муҳаммаддир. Кишиларга пайғамбарлар орқали олий ҳақиқат маълум қилинган. Яъни, яхшилик ва ёмонлик, номукаммал – такомилга муҳтож бўлган ердаги кўринадиган табиий мавжудлик, бунда, ердаги олий ҳилқат инсон руҳи бўлиб, у Худо билан бирлашишга ҳаракат қилиши лозим. Дин – инсон учун намуна-мўминлик, жафокашлик, руҳоният, гуноҳларни ювиш иштиёқи, қутилишдир. Ҳар ким, ҳар доим назорат остидалигига, ўзининг Оламда заррадек эканини ҳис қилиши, бу улкан Оламнинг ўзига хос марказида сезиларли куч ҳаракатда бўлиши, идрок қилиб худонинг (Оллоҳнинг) эътиборида эканлигига иқрор бўлади.)

Дин ҳар хил миллий анъаналарга эга бўлган турли халқларга араблар Шарқи ва Европада кучли бир цивилизация яратиши учун бирлаштирувчи ибтидо бўлди. Дин маданиятнинг сиёсий, ижтимоий, илмий, бадиий-барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатди. Христианлик Рим империясида Эрамузи IV асрларида унинг Фарбий қисми гуллаган пайтга келиб (эр. 476 й.) тўла

шакланган черков тизими ва қаттиқ интизомга асосланган давлат дини тарзда қарор топди. Черковнинг таянчи бу пайтда бутун Европада кенг тарқалган ва христианликни ўз дини сифатида қабуллаган «ёввойи» халқлар (жумладан: готлар, галлар, ирландлар ва б.) ташкил этди. Европа бўйлаб тарқалган герман, славян, турк қабилалари антик цивилизациясини хароб этиб янги ҳаёт тарзини қабул қилдилар.

Ўрта аср Европаси- бу аграр цивилизация гуллаб яшнаган, натурал хўжалик ҳукмронлик қилаётган тарихий давр. Деҳқонлар унча катта бўлмаган, бир-биридан ажралган жамоалар шаклида яшар, уларни истак ва манфаатларини йилдан-йил такрорланадиган қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тарзи белгиларди. Бундай ҳаёт тарзида одамнинг тафаккур доираси тор-манфаати доирасидан ташқари ҳар қандай мулоқотларга эҳтиёжи йўқ ҳисоб бўлади. Бунда Европа таркиб топган давлатчиликка ҳам ҳеч қандай замин йўқ эди. Сўнграқ христиан черкови жамиятни барча томонларини сиёсий ташкилот шаклига келтиришнинг намуна асосини ташкил этди. Тобезлик муносабатларига қурилган феодал табақачилик асосида Черков иерархияси ётади. (руҳонийлар-епископлар-кардиналлар-рим папаси). Қирол худонинг вассали, сарой аёнлари-Қиролнинг вассали, деҳқон-сарой аёнининг, аёл эркакнинг, уй ҳайвони аёлнинг тош ва ўсимликлар уй ҳайвонининг вассали ва бош.»Тошдан Худогача» кенг тарқалган умумий вассаллик ҳақидаги гоё ҳам Черковни қўллаб қувватлаган. Мусулмон Шарқда ислом таълимоти пайдо бўлиши билан баробар теократик бошқарув шакли қарор топади, бунда диний ва дунёвий ҳокимият пайғамбар, кейин унинг «ўринбосарлари-халифалар» қўлида бирлашган.

V-VI асрларда Арабистонда янги дунё қарор топабoshлади. Этник ва маданий уюшиш, интеграция жараёни кечиб, ягона дин, умумий онг элементлари тарқала бошлади. Бу аввалги худоларидан хафсаласи пир бўлган арабларнинг маънавий-руҳий изланишига туртки бўлди. Муҳаммаднинг пайғамбарлик фаолияти ягона маънавий-мафкуравий ва социал бирликка интилиш йўлида қонуний жараён бўлди. (Исломиий этиқод 5 асосий талабга таянади. Ягона Оллохни тан олиш ва Муҳаммадни унинг пайғамбари деб билиш, намоз ўқиш, рўза тутиш, бевабечоралар йўлида закот бериш, ҳаж зиёрати. Ислоннинг ушбу 5 ахкомидан 4 таси ахлоқий-удум табиатига эга, Хусусан,

пайғамбар шахси у ҳақидаги маълумотлар нуфузи ислом динига бетакрор ўзига хослик, маънавий-руҳий қудрат баҳшида этди ва уни жаҳон тарихидаги муҳим воқеа, ўзида илоҳий ва дунёвий ҳокимиятни мужассамлаштирган мусулмон давлатчилигининг қарор топиш томирини белгилади.

Дин ҳаётни муқаддас шаклда тасвирловчи ғояларни яратди: Фалсафада- теология, адабиётда-илоҳий, дидактик жанрлар, европа мусиқасида черков гимнлари-литургия ва месса, тасвирий санъатда христианлик сюжетлари асосий ўрин тутди. Асосий жанрлар илоҳиёт ва схоластика (ўрта аср фалсафасида юнонча шундай аталган ва бу атама фикр сўқиш, догматизм, мазмунсиз, формал билимни англатган). Илоҳиёт олам ва инсон ҳақидаги ўз «илмий» манзарасини яратди. Коинот хусусидаги илмда Ер Оламнинг, Иерусалим дунёнинг маркази деган қараш ҳукмронлик қилди. Инсон мажозий тарзда микрокосмос- тана-ер, қон-сув, нафас-ҳаво, ҳарорат-олов, яъни у бошланғич ибтидодан иборат деб қаралди.

Асосий мавзу-худони қуйлаш, Инжил асотирлари, авлиёлар ҳаёти, руҳий-ахлоқий покланиш, гуноҳдан, мағфират бўлиш ақидалари эди. Мусиқавий маданият негизини черков кўшиқ-куйи (литургия), мусиқа, шеърят ва драматургияни ўзида уйғунлаштирган черков тантаналари ташкил этди. Меъморчилик ва тасвирий санъат илоҳиятни унсиз тарғиб шакли тарзида намоён бўлди. Христианлик эҳромларини (Собор) «саводсизлар Инжили» деб бежиз айтмаганлар. Унинг бутун ифода шакли-бино ичининг хоч шаклидалиги, атрофнинг безак-ҳашаами, оддий бандаларига муносиб кўрилмаган меҳроб қисми, турли ҳайкалчалар, мўл бўёқли тасвирларда аслида христиан рамзлари ва христианлик ақидалари ифодаланган. Бош жанр икона бўлиб, у саводсиз омма учун худо билан руҳий-ҳиссий боғланиш алоқа шакли саналган. Тасвирда худони бандаларининг гуноҳ кечмишлари, уларни мағфират этишга қаратилган мотамсаро кўриниши ифодаланган.

Исломда санъатга нисбатан қатъий бирёқлама, диний ақидалар тимсоли ифодасини кўрамыз. Бунда черков тизимини йўқлиги, ҳар бир одамни Оллоҳ-билан танҳо мулоқотининг мумкинлиги аҳоли манзиллари, маҳаллаларда қурилишнинг омавий шакли-масжидларни бино этилиши бўлиб, унинг дастлабки намунаси Муҳаммад пайғамбар томонидан Мадина

шаҳрида солинган масжиддир. Юқори маълумотли мусулмонлар орасида Европа мамлакатларидаги университетлардан илгарироқ олий таълим мактаб-мадрасалари кенг тарқалишини белгилади. Мусулмон адабиётида устиворлик қилган шеърятни ривожланишида суфийлик катта роль ўйнайди. Суфийлар ўзларининг чуқур ҳиссий-руҳий ҳолатлари, яратувчига бўлган эътиқодини тингловчиларига етказиш, индивидуал таъсир этиш маҳоратини намоёниш этардилар. Ислоҳ тадқиқотчилардан бўлган Г. Грюнбаумнинг таъкидига кўра, таҳлилий, маъжозий бой ифода воситаларига эга бўлган мукаммал ифода шакли, чуқур мазмун уйғунлигини ўзида мужассам этган такбир имкониятларини мусулмон маданияти доираси хатто ундан ташқарида топшиш мумкин эмас. Шарқнинг барча йирик Санойй, Жомий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Навоий сингари ижодкорлари суфийликка у ёки бу тарзда алоқадор бўлганлар. Илоҳий ҳақиқат Оламнинг алдамчи кўриниши тарзда таҳайюл этилганлиги туфайли ҳам ислоҳ санъатда асл тасвир-ифодани инкор этган (Китобий миниатюра бундан мустасно). Айни пайтда Ислоҳда оламнинг моҳияти, асл ҳаёт ҳақиқатни нақшларда муҳрланган белгиларида ифодалашга эътибор қаратилган. Маҳобатли меъморчилик ёдгорликларини бетақрор гўзаллик тимсолларига айлантирган, ихлосмандларни нафақат кўзини, қалбини ҳам қувонтирадиган мураккаб геометрик шакллар (гирх), ўсимликлар шакли ифодаси (ислимий), қўлёзма, амалий безак, санъати нақшлари асосида исломий рамз тасвирлари ётади. Жумладан, учбурчак-Оллоҳнинг назари, тўртбурчак-мусулмонларни Муқаддас манзилгоҳи-Каъба, бешбурчак-диннинг 5 асосий аркони, жимжимадор ўсимликсимон шакл ва гуллар-жаннат боғи-Бўстон тимсолларидир. Мусулмон Шарқда санъатда диний ақидалар ўта изчилик билан қўлланган. Санъатда каллиграфик миниатюрани истисно қилган ҳолда деярли воқеликни тасвирлаш таъқиқланган, тасвир рамзий шаклларда, нақш сифатида ифодаланган.

Умуман, Фарбда ҳам Шарқда ҳам борлиқ Илоҳий « Олий ҳукмдор»нинг акси сифатида идрок қилинган. Худо (Аллоҳ) табиатдаги нарсаларни яратувчиси сифатида ва нарсаларда унинг қудрати намоён бўлиш тарзида тушунилади. нарсаларни моҳиятини билиш Худони (Аллоҳни) танишидир. Оламни билиш назарий бўлиб, машҳур файласуф, хусусан Арастунинг ва тео-

логлар асарларида фақат борлиқнинг тизими шарҳланган. Барча нарсалардаги яширин мазмунни топишга ва фаҳмлашга ҳаракат қилинган. Шундан бошлаб ўрта асрларда нафақат алхимия ва астрология, балки анъанавий, мажозий математика, жуғрофия, филология ва бошқа фанлар ҳам ривожланиб, аниқ жуғрофий муқаддас жойлар билан боғлиқ (жаннат, дўзах, аросат) саналар, сўзларнинг рамзий маъносини тушунишга ҳаракат қилинди.

Ўрта асрларнинг илоҳиятга оид муаммоларидан бири идрок ва эътиқод масаласи ҳисобланади. Ғарбда бу бир томондан, эътиқодни идрокдан мустақил, мутлоқ устун деб билувчилар (Бернар Клервосский, Ансельм Кентерберийский) ва бошқалар томондан диний ақидаларни асослашда идрокнинг родини эътироф этувчилар (Боеций, Абеляр, Сигер Брабантский) ўртасидаги мунозараларда ифодаланади. Агар —биринчилар Августиннинг «Англаш учун ишонаман» деган иборасини шиор қилиб, эътиқодни заковатдан устун эканлигини асослашга уринган бўлсалар, уларнинг муҳолифлари Пьер Абелярнинг «Ишониш учун англайман» сўзини шиор деб билганлар. XIII асрда Фома Аквинский «Олтин оралиқ»ни топиш — заковат орқали эътиқодни қисман асослашга уриниб, аслида араб Шарқининг «Икки ҳақиқат» тўғрисидаги (дуализм) назариясини эътироф этди. Икки ҳақиқат ғоясини фалсафа олами ҳақида ўз ҳақиқатини, дин Худо ҳақида ўз ҳақиқатини берали, деб С. Брабантский асослаган эди. Бинобарин ҳақиқатнинг диний ва фалсафий талқини қиёсланиб англаймоғи лозим.

Шунингдек, мусулмон Шарқида ҳам ислом эътиқодидоғилар ва суфизм вакиллари ўртасида муросасиз тўқнашувлар содир бўлди. Ҳақиқатни билишни инкор қилувчилар ва ҳақиқатга мууроқабат йўли билан яқинлашиш мумкин дейувчилар (Ал-Ашширий, Ғаззолий, Жунайдий, Бистомий) ҳамда ақлий билишни устун қўйувчи машхур файласуфлар Фаробий, Ибн Сино, Беруний) таълимоти вужудга келди. Европа маданиятида бу мунозаралар натижасида идрок ва эътиқоднинг ажралиши содир бўлди. Уильям Оккам (XVI аср)-эътиқод ва идрок, фалсафа ва дин ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, демакки, улар мутлақо бир-биридан мустақил тушунчалар экан, бир-бирини назорат қилмаслиги керак деб, асослайди. Бу Ғарбда олий кудрат сифатида айниқса, «XVII аср илмий инқилоби» даврида

табий инсон идрокини ўстиришнинг катта ғалабаси учун туртки бўлди. Мусулмон Шарқда бошқачароқ йўналиш устунлик қилди. Бунда илм, идрок ҳар доим фақат маънавий юксалиш йўлидаги босқич сифатида қаралган, идрок ва илм бошқа мақсадга қаратилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам IX-XVI асрлардаги араб тилига асосланган тажриба фанлари ва фалсафа тараққиётидаги катта ютуқларнинг барчаси диндан ажралмаган ҳолда содир бўлди, илмнинг бош вазифаси ҳаёт учун зарур ҳисобланган маънавий асосни қидиришда давом этган.

Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг диний маданиятларида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Ўрта аср Европасида черковнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Черков худо ва инсон ўртасидаги воситачи бўлиб, фақат у инсоннинг руҳини илоҳий «муъжиза» ёрдамида халос қилиши мумкин (чўқинтириш, тавба, никоҳ удумларида). Черков, ўзининг ёзма анъаналарига эга бўлмаган Европадаги қабилалар учун билимларни тўпловчи ва сақловчи жой бўлиб, таълим тизимининг шаклланишида, жамиятнинг ижтимоий тузилишида, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлари шаклланишида муҳим рол ўйнади. Исломий анъаналарнинг асосий ўзига хослиги шундаки, унинг негизи диний ва дунёвий, илоҳий ва оддий тафовутга ажратмасдан, мутлоқ «соф диний» мазмунда эканлигидир. Исломда ҳеч қачон христианликдаги диний ақидаларни қонунлаштирувчи Вселенск собори каби институтлар бўлмаган. Исломдаги теократик идеал давлат билан бир қаторда турувчи алоҳида диний институтнинг (черковни) мавжуд гоёлари билан мувофиқ келмаган. Эътиқод ақидаларини ишлаб чиқиш ва шарҳлаш давлат ёки диний муассасанинг, халифаларнинг суд қилиш ишларига кирмаган. Жамоатчилик фикрининг шаклланиши хусусий шахслар, диний арбоблар (уламо-лар) зиммасида бўлиб, уларнинг обрўи диний билимларга асосланган. Дин масалалари бўйича ўз фикрини билдириш ҳуқуқига ҳар бир мусулмон эга бўлган, фақат у Қуръон ва ҳадисга зид бўлмаслиги лозим эди.

Христианлик шахснинг бир қадар маиший мустақиллигини таъминлади. Диний ва дунёвий ибтидонинг бир қадар мустақиллиги хусусида Инжилда шундай дейилган: «Қайсарга ҳокимият, тақводорга эса Худони беринг». Исломда киши фақат ва сўзсиз Худого тегишlidir. Мусулмон киши ислом буюрганича фикр юритади, шунга мувофиқ «дин» ва «менталитет» тушунчала-

рини ажратиш мумкин эмас. Агар христиан учун ишжилта маданият ёдгорлиги сифатида муносабат билдириши мумкин, мусулмон учун Куръон бирон-бир маданиятта қиёс қилиб бўлмайдиган, илоҳнинг беқиёс тимсоли, балки сифатидир. Христианликда «қисм» ва «бутун»нинг мақсади ўзаро муносабатда бир-бирини тақозо қилади (диндор ва черковнинг, индивид ва умумнинг), ўз ирода кучидан холи бўлганидек, черковдан ташқарида шахсий нажот мумкин эмас. Исломда алоҳида индивиднинг тақводорлигини унинг қанчалик шахсий зоҳидлиги эмас, умма (мусулмонлар қавми) ишларида шунчалик қатъий йўл-йўриқ асосида ишгиرويки белгилайди, бусиз нажот топиши мумкин эмас, яъни исломда айрим бутунга қўшилган каби сезилади.

Диний ва дунёвий асосдаги бир қадар автономия оқибатда дунёвий ҳокимият ва черков ўртасида курашни келтириб чиқарди. Европада бутун ўрта асрда давом этган бу кураш Реформацияни вужудга келтирди. Реформация жараёнида (XVI аср) Европада руҳонийлар гуруҳисиз (илоҳият хизматчилари) янги черковлар вужудга келди. Диндорлар ўз ораларидан ваъзиларини белгилайдилар, ҳашаматли анъаналардан воз кечадилар ва ўз ибодатларида тўғридан-тўғри худога мурожаат қиладилар. Ислоҳий черковлар дунёвий аломатларга эга бўлиб сиёсий ҳокимият измида бўладилар. Реформация Европа халқларининг миллий маданиятлар ривожига, миллий тилларни қарор топишига шароит яратди, жумладан, Мартин Метор Инжилни лотинчадан немисчага таржима қилди. Ислом сиёсий маданияти «маслаҳатли демократия» шаклини яратди, Халифалик тамойили Куръондаги учта қоидага биноан яратилди. Улардан биринчиси ҳукмдорни ўз фуқоролари билан «маслаҳатлашишини» ва умумнинг фикрини инобатга олиб қарор қабул қилишни талаб қилади, бошқаси бошқаришни ва мунозараларни адолат билан ҳал қилишга қақиради, учинчи қоида эса «Аллоҳнинг элчисига» диндорнинг бўйсунушини талаб қилади. Халифа монарх ҳам, деспот ҳам эмас, унинг бошқа мусулмонлардан фарқи, фақат эътиқодни авайлаш ва шариат меъёрларини бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олган шахс.

Халифа ҳокимиятни мерос тарзда олиши ва қолдириши мумкин эмас. Халифликка даъвогар ва жамоат ўртасида келишув-мубайи асосида халифа ҳокимиятни олиши мумкин. У барча мусулмонлар жамоасидан ёки уларнинг таниқли вакиллари

бўлган-мужаҳитлар томонидан сайланади. ҳар бир мусулмон сингари халифа ҳам мусулмон ҳуқуқи меъёрларига тўла бўйсунуши ва ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракати учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Ислон тадқиқотчилари таъкидлашчи-ча, халифа ҳақидаги шартнома — мубайи кўп асрлар давомида «жамият шартномаси» (Ж.Ж. Руссо) ғоясини ифода этиб келди.

Европада Черков Қадимги ёзув сирларини сақлаб келгани учун узок вақт таълим соҳасида монополияга айланиб қолди. Ўрта асрларда Европанинг кўп аҳолиси, шу жумладан юқори табақалар ҳам саводсиз эди. Кўп рицарлар ўзининг саводсизлигидан фахрланиб, ўқиш ва ёзишга эҳтиёжи йўқлиги, бу вазифани мирзо ва монаҳлар бажаради деб ҳисоблаганлар. Европада шаҳарларнинг қайта тикланиб, ривожланиши Черковнинг таълим ва илм соҳаларидаги монополиясига чек қўйди. X асрдан бошлаб савдогар ва ҳунармандлар болалари учун дастлаб дунёвий мактаблар, кейин университетлар пайдо бўлди.

Мусулмон Шарқда бу жараён бир оз бошқача кечди. Ҳақ бир эътиқодли мўмин-мусулмон араб тилини билиши ва Куръонни ўқий олиши фарз бўлган. Куръонни хатга битилиши жараёнида араб тилининг ҳам тараққиёти бошланади. VIII асрда Ас-Сибавайҳий араб грамматикасига оид асар ёзади, XIII асрда араб тилининг иккита луғати яратилди, бу Ас-Сағанийнинг луғати ва Ибн-Манзурийнинг «Араблар тили» луғатларидир. VIII-XI асрларда қадимги Юнон олимларининг деярли барча асарлари, шунингдек, ҳинд, шом ва форс муаллифлари асарлари ҳам араб тилига таржима қилинган. Фалсафа, астрономия, математика, тиббиётга оид илмий атамалар деярли ишлаб чиқилади. Араб тили ўрта асрлардаги энг тараққий этган тиллардан бири бўлиши билан бирга, Ҳиндистондан то Испаниягача бўлган халқларни бирлаштирувчи халқаро муомала тил бўлиб ҳисобланган.

Мусулмон маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири илм ва китобга муҳаббатдир. Янги арабий жанр-адабнинг шаклланиши билан илмга бўлган иштиёқни қондириб, турли фанларнинг мазмунини оммабоп шаклда ифодалаш имкони яратилди. Таълим олиш худди қадимги Хитойдаги каби нуфузга эга бўлди. Мусулмон Шарқда маълумотли киши ҳокимиятнинг энг юқори поғонасига чиқишида оқсуяклар билан тенг турган. Кўпинча Шарқ ҳукмдорлари саройида шоирлар, файласуфлар,

илоҳиётчилар, тарихчилар, қонуншунослар, табиблар, мирзолар, мунажжимлар сарой хизматчиси сифатидага маълумотли кишиларга катта эҳтиёж бўлган. Маълумотли киши грамматикани, риторикани, географияни, тарихни яхши билиши, кийинишни фарқлаши, шеър ёзиш қобилиятига эга бўлиши, ўз жойида аския, ҳикоя айта билиши, зарур бўлган. Турли хил таълим тизими: диний таълим берувчи мактаб ва мадрасалар, шуниингдек, дунёвий таълим-хусусий мактаблар ривожланади.

Диний маданият умуминсоний маданият тараққиётининг энг муҳим даври ҳисобланади. Ўрта асрлар даврида давлатчилик, миллатларнинг янги шакллари вужудга келиши юз беради, ҳозирда муомалада бўлган тиллар шаклланиб, таълим ва фан тизими янада тараққий этади. Фаннинг турлари ва услублари замонавийлик касб этиб борди. А. Гумбольд айтгани каби, араблар «табиий фанлар ижодкори» бўлиб, улар тажриба ва мезон йўлига асос солдилар. IX-асрда мусулмон Шарқда расадхона қурилади; юлдузларнинг аниқ жойи белгиланган каталог тузилди; геометрия, триганометрия, оптика, алхимия, механика, тиббиёт, жуғрофия соҳалари бўйича кўплаб асарлар ёзилди. Улуғ аллома Ал-Хоразмий математиканинг янги тармоғи бўлган алгебрага асос солди. Буюк Шарқ олимлари Хоразмий, Фаробий, Ибн сино, Ибн Рушдий каби кўплаб аллома асарларидан Европанинг янги авлод олимлари таълим олди. Табиатни рационал англаш анъаналарни ўзлаштириб ва янада такомиллаштириб, XIII-асрда Р. Бекон индуктив мантиқ усулини яратади ҳамда илмий идрокнинг бош усули сифатида малака ва тажрибани тасдиқлайди.

VI-XVI асрларда бадиий қадрияти юксак ёдгорликлар яратилди: Ал-ҳамродаги Сарой, Қурдоба, Жазоир, Саммадра, Дехлидаги масжидлар, Реймс, Париждаги готика услубидаги соборлар, Истамбулдаги Авлиё София ибодатхонаси; ажойиб икона ва ҳайкалтарошлик асарлари, каллиграфия ва китоб миニアюриси, айниқса Шарқда шеърят юксак даражада тараққий этади. Бу соҳаларда асосий ғоя яратувчилик, ҳаётбахшлик бўлиб, Муҳаббат ва Идрок ижтимоий тараққиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф қилинади. Илоҳий ишқ ва пайғамбар шеърий санъат ва шоирларнинг асосий мавзуи бўлиб қолади. Бу жанрлар аниқ бадиий шакл касб этиб, кейинги асрлар бадиий маданиятининг мазмунини бойитди.

Бу даврнинг муҳим бадиий ютуқлари қаторига аҳолининг барча қатламлари эътироф этган маданият қадриятларни қўйиш мумкин. Христиан ва Ислон динлари бой ва камбағални, кучли ва ожизни турли ирқдаги ва турли ижтимоий гуруҳларни бир-биридан ажратмайди. Барча эътиқод қилувчилар учун умумий ахлоқ мезонлари: мўминлик, тавба, яхши ва раҳм шафқатли бўлиш, гуноҳ қилмаслик кабилар мавжуд. Ўрта асрларда умум эътироф қилган ахлоқий меъёрларнинг мустақамланиши умуминсоний хулқ ва ахлоқ мезонларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта асрлар маданиятининг кўп қиррали эканлиги юқорида таъкидланган эди. Бу давр маданияти ижодкорлиги жараёнида илк марта аҳолининг барча табақалари иштирок этиб, ҳар бир қатлам ўзининг маданиятини яратади ва ўз навбатида анъанавий маданият сифатида жамиятнинг маълумотли, юқори қатламининг маданиятигина намоён бўлади. Руҳонийлар инсон руҳияти, рицарлар давлат ишлари билан машғул бўлдилар. Агар биринчиларнинг идеали бу дунё фароғатларидан батамом фориқ бўлиб мангу ҳақиқатга эришиш истаги бўлса, иккинчиларининг идеали келиб чиқиш нуфузи, баҳодирлик, собит сўз, бурч ҳақида қайғуриш, дунёвий жасоратларга ҳамиша тайёрликдир. Айни ана шундай рицарлик фазилатлари «Нибуллинглар кўшиғи» (Германия), «Роланд ҳақида кўшиқ» (Франция), «Сид ҳақидаги кўшиқ» (Испания)) дostonлари ва турбадурлар лирикасида куйланган. Оддий халқ-деҳқонлар ва шаҳарликлар юқоридагиларга муҳолифатда эди. Деҳқонлар орасида христианлик қарашларнинг таъсири ўтабошлаган қадимги динларга хос тасаввур, анъана ва расм-русмлар сақланиб қолди. Деҳқонлар халқона маданиятнинг консеватизми туфайли дастлабки динларнинг худолари, афсонавий қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи (Ислондларнинг «Кукилинлар ҳақида Сага», инглизларнинг «совулар»и, скандинавияликларнинг «Эдда»си) сингари қадимги эртаклар, асотирлар, кўшиқ, одат ва удумлар сақланиб келди. Шаҳар ҳаёти одамларда фаоллик, ҳисоб-китобда аниқлик, ишбилармонлик рационал тафаккур тарзини шаклланишига туртки берди. Шаҳарликлар орасида илм, маърифатга интилиш бошқа табақалар мезонларига танқидий ёндошиш руҳияти уйғонди. Йирик асарлар (Аи ҳақида роман). ихчам ҳикоялар (новелла, фабио, шванклар) да руҳонийлар ва рицар-

ларнинг такаббурлиги, дангасалиги, нафсибузуқлиги ҳажв этилди, шаҳарликларнинг саховати ва меҳнатсеварлиги улуғланди.

Ўрта аср Шарқи маданиятида табақавий субмаданиятлар эмас, икки йирик маданият-шаҳар ва кўчманчилар маданияти ажралиб туради. Шаҳар шароитида «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Лубна ва Кайс» сингари дostonлар турли поэтик шакл ва жанрдаги (қасида, маснавий, ғазал, мадхия, рубоий маком) адабий асарлар, ҳикоя ва эртаклар тўпламлари, (1001 кеча эртаклари, Калила ва Димна) латифа ва ривоятлар яратилди. Миниатюра безагига бой китоблар, мусиқа санъати ва рақсининг хилма-хил жанрлари халқ орасида кенг тарқалди.

Кўчманчилар орасида турли мусиқа асбобларида куйга солиб айтиладиган (бахши ва оқинлар томонидан) халқ оғзаки ижодининг йирик бадиий шакллари- эпос, дostonлар яратиш устуворлик қилди. Шаҳар, рицарлик, дунёвий, монахлик ва сўфийлик каби субмаданиятларнинг пайдо бўлиши маданиятни сезиларли бойитди, янада ривожланишида кўплаб йўналишлар яратди ҳамда Ренессанс (Уйғониш) деб аталган юксак тараққиётга замин туғдирди.

Уйғониш даври тадқиқотчилар асарларида турлича баҳоланиб, турлича ёндошувларга сабаб бўлди. Хусусан, Уйғониш йўналиши умумжаҳон жараёни сифатида Хитойда VII-VIII асрларда бошланиб, IX-XII асрларда Марказий Осиё ва Яқин Шарқни қамраб олди, XIV-XVI асрларда Европада такомилга етди. Шунингдек, тадқиқотчилар Уйғониш даврининг бош маслакдоши ҳақиқий гуманизм бўлганлигини бир овоздан эътироф қиладилар. Хитойда «инсонпарварлик» сўзининг синоними «жен», Шарқда «одамият» атамалари ҳисобланади.

Уйғониш даври маданияти- диний маданият тараққиётининг ва янги техника маданияти ривожининг кўприк боғловчисидир.

Таянч тушунчалар

Диний маданият, ақлий-мағтиқий тафаккур, ибодатхона, иерархия, вассал, илоҳиёт, ақида, тахайюл, мадраса, расатхона.

Мавзуни такрорлаш бўйича саволлар

1. Диний маданият деганда, нимани тушунасиз?
2. Диний маданиятнинг асосий белгилари ва кўринишлари.
3. Диний маданият маданий тарққиётнинг қайси даврини ифодалайди?
4. Диний маданиятнинг ўзига хослиги нимада?
5. Маданий тараққиётда христианлик ва исломнинг тутган ўрни.
6. Диний маданият элементларининг маънавий ҳаётга таъсири.
7. Диний маданиятнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини тушунтиринг.
8. Диний маданият бағрида қандай субмаданиятлар амал қилади.
9. Ўрта асрнинг адабиёти, санъати ва меъморчилигига оид ёдгорликларни сўзлаб беринг.
10. Умуминсоний маданиятда диний маданиятнинг ўрни.

АДАБИЁТЛАР

1. Бахтин М. Творчество Ф. Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М., 1990 г.
2. Гр.энебаум Г. Очерки истории арабо-мусульманской культуры. М., 1988 г.
3. Гуревич А. Средневековий мир - культура безмолвствующего большинства. М., 1990 г.
4. Еремеев Д. Ислам: образ жизни и стиль мышления. М., 1990 г.
5. Очерки истории арабской культуры V-XV вв. М., 1982 г.
6. Проблемы истории и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Т., 1991 г.
7. Суфизм контексте мусульманской культуры. М., 1989 г.

7-мавзу ТЕХНОГЕН МАДАНИЯТ (XVI-XX АСРЛАР)

Маъруза режаси:

1. *Техноген маданиятнинг шаклланиши.*
2. *Замонавий маданиятда техниканинг аҳамияти.*
3. *Оммавий маданият.*

Замонавий маданиятни техникавий, техника ҳукмдорлиги, дунёвий-электрон ёки ахборот маданияти деб атайдилар. Бундай муносабат ҳозирги маданиятда фан ва техниканинг ўрни муҳимлигини кўрсатади. «Замонавий» ёки «Янги» фан антик ёки ўрта асрлардаги фандан тубдан фарқ қилади. Агар, илгарилари фан дунёни асл ҳолда, унга даҳлсиз ўрганган бўлса, энди эса, фан билиш, яратиш, ихтиро, лойиҳа тузиш каби жараёнларни мужассамлаштириб «инсон идроки ёрдамида ҳал бўладиган муаммоларга эътиборини жалб қилмоқда». Ҳозирги фаннинг жўшқин қиёфаси мана шундан иборат. Ҳақиқатни англашга уриниш ўрнига инсоннинг қизиқиш ва эҳтиёжлари мос келувчи аниқ имкониятларни ҳисобга олиш ҳаракати устун бўлмоқда.

Фан ва маданиятдаги янги йўналиш шаклланишининг бошланиши Уйғониш даври билан боғлиқ. (XIV-XVI асрлар). Уйғониш-Европа маданияти тараққиётидаги муҳим давр бўлиб, даврий жиҳатдан ўрта асрларга мансуб. Бироқ, бу давр мутлақо янги маданият босқичини очди. Шаҳарлар кўпайиши, Европада ички ва ташқи савдонинг вужудга келиши, ҳунармандчиликнинг ривожланиши Европа маданиятида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Қисқа вақт ичида ўрта асрлар жамиятида моддий маданият ва технологиялар ўзгариб кўплаб муҳим илмий кашфиётлар қилинди. Буюк географик кашфиётлар диний «дунё қиёфасини» ўзгартирди, ақлий ва иқтисодий ҳудудни кенгайтириб жаҳон савдосини вужудга келишига сабаб бўлди. Антик давр меросини ўрганиш янги фалсафий йўналишлар пайдо бўлишига туртки бўлиб инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мутлақо ўзгача андоза шаклланди.

Жамиятдаги шаҳарликлар орқасида «гуманизм» деб номланувчи янги ғоя шаклланди. Бу ном инсон ҳақидаги янги дунёвий фандан (*studia humanitatis*) келиб чиққан бўлиб, илгариги «илоҳият ҳақидаги фанни» (*studio divinus*) аста-секин сиқиб чиқарди. Инсонпарварлик ғояси қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Табиат қонунларини — «табий-мувофиқ» тамойили асосида тушунтиришга асосланиш;

2. Инсонни муаммолар маркази қилиб олиш (антропоцентризм) — инсонга табиатнинг тожи сифатида қараш;

3. Ақлий тафаккур (Рационализм) - инсон идрок ва заковат орқали атроф муҳитни, ўз-ўзини биледи деб ҳисоблаш;

Инсон нимаси билан ердаги бошқа барча нарсалардан фарқ қилиб худога яқинлаша олади, инсон қандай фазилатларга эга? Инсонпарварлик ғояларининг ривожланиши дунё ва инсоннинг диний концепцияси бузилишига ва XVIII асрда инсон шахсининг ўзини қадрлаш ҳақидаги таълимот пайдо бўлишига олиб келди. Гуманистлар ўз таълимотининг ишонч мезони деб эмпириктириба ва рационалликни ҳисоблади. Бу хулоса уларни черковни Реформация қилиш (М. Лютер, Ж. Кальвин), утопик социализм (Т. Мор, Т. Кампанелла) ва ижтимоий прагматизм (Н. Маккиавелли) каби ғояларни назарий асослашга олиб келди.

Уйғониш даври гуманистлари дунё ва инсон пайдо бўлишидаги илоҳий ғояларни бутунлай инкор қилмади, балки олам доимий ва қатъий қонунларга мувофиқ равишда бунёдга келишини тасдиқладилар. Идрок инсонга шунинг учун берилганки, идрок ёрдамида инсон бу қонунларни тушуниб ўз жамиятларини тузишларида қўллаши эрда бахтнинг қарор топишига гаров бўлиб охиратини ҳам обод қилишлари мумкин. Инсон табиат қонунларига мос равишда ривожланувчи табиатан ақли мавжудот ҳисобланиб, нафақат моддий дунё марказида туради, у шунингдек, бадиий тушуниш ва тасвирлаш объектининг асоси ҳамдир.

Антропоцентризм, рационализм, сциептизм - Уйғониш даври маданияти яратган асосий қадриятлар кейинги асрлар Европа маданияти асосини белгилади. Унинг кенг ривожланиши натижасида XVII асрда «илмий инқилоб», XVIII асрда Маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши ва саноат инқилоби бошланишига, ниҳоят, XIX-XX асрлар давомида маданиятнинг классик техникавий шаклидаги ютуқларга олиб келди.

XVII асрда фан Европаликлар ҳаётига, жамият ишлаб чиқаришининг барча тизимларини ривожлантириш ва меъёрида фаолият кўрсатишнинг табиий ва зарурий шарт бўлиб махсус ижтимоий институт сифатида жадал кириб келди. Давлат бу турдаги фаолиятнинг барча қийинчиликларини ўзининг зиммасига олди. XVII асрда илмий инқилоб математика ва механикада содир бўлиб, аниқ фаннинг икки йўналиши, яъни, аксиоматик ва

тажрибавий фаолиятлар бирлашди. Замонавий фанда эксперимент (тажриба) билишнинг усули ва қуроли сифатида назарий фаннинг антик ва ўрта асрлар шаклида тубдан фарқ қилади. Экспериментга таянувчи олим антик давр донишманд-файласуфи ёки ўрта асрлардаги илоҳиётшуноздан фарқли оламга мутлақо бошқача муносабатни ўзига танлади. У содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш ва мушоҳада қилишдан табиатни эҳтиёжга мос тарзда ўзгартирувчига айланди ва ўзининг сирларини намоён қилди.

Фаннинг шаклланиши ва секин-аста жамият ҳаётига муҳим асос бўлиб кириши янги давр кишисининг турмуш тарзи, фикр йўсини, тафовутли қиёфаси сифатида рационализмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Рационализмнинг кенг кўламда намоён бўлиши XVIII асрдаги маърифатпарварлик ҳаракати билан боғлиқ. Барча бахтсизлик ва ноҳақликдан инсониятнинг азият чекиши билимсизликдан эканлигига, фақат маърифатли халқ ва унинг ҳукмдори «Озодлик, Тенглик, Қардошлиқни» ўрнатишга маърифатпарварлар ишонганлар. Маърифатпарварлар вакили Д. Дидро ва Д. Аламбер «Фан, санъат ва ҳунармандчилик энциклопедияси»ни нашр қилиши катта маданият ютуғи бўлди. «Энциклопедия» нафақат инсониятнинг муҳими илмий ютуқларини тартибга еолди, балки янги маданий қадриятлар тизимини ҳам тасдиқлади.

Маърифатпарварларнинг рационалистик йўналиши XVIII асрдаги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳуқуқ институтлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, санъат тараққиётида кўплаб тамойилларни белгилаб берди. Маърифатпарварлар Буюк Француз инқилобининг идеологлари ҳисобланиб, Уйғониш даври гуманистлари бошлаб берган маданий қадриятларни улуғлаш жараёнини ниҳоясига етказди. XVIII асрда илмий билим жамият онгини бутунлай янги сифат даражасиги кўтарди. Фан инсоннинг маънавий ҳаётига, чуқур кириб бориб унинг маданиятига мазмун бағишлади. Кишиларнинг -табақавий, миллий-ирқий ёки бошқа фарқларидан қатъий назар барча учун бир хил моҳият касб этди.

Европа ва Шимолий Американинг кўплаб мамлакатларида XIX асрнинг ўрталарида индустриаллаштириш ёки саноат бурилиши ниҳоясига етди. **Рационализм ва утилитаризм** (манфаатпарастлик) нинг маданиятдаги белгиловчилик ўрни фан ва техника тараққиётига янги туртки берди. Оддий тўқув дастгоҳи «Женни»

дан Ж. Уаттнинг буғ машинаси (1784 йил) ва Р. Фултоннинг буғ кемаси, Стефенсоннинг паровозидан (1814 йил) биригчи ер ости темир йўлига (1863 йил) ўтилиши инженерлик фикрининг ўсишини кўрсатди. Буғ ва электрлаштириш, телефон ва телеграф даври, астрономия, геология, биология, химия соҳаларида ажойиб кашфиётлар бўлган вақт инсоният маданиятини янги босқичга кўтарди. П. Сорокиннинг хулосаси билан айтганда «фақат биргина XIX асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг ўзи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг ҳаммасини жамлагандан ҳам кўпдир».¹³ Хусусан, бу асрда 24 8527 та кашфиёт макон, замон ва материя устидан техника ҳукмронлигининг чексиз ўстанлигидан далолатдир. Испан файласуфи Х. Ортега-и Гассетнинг ёзишича: «Биз ҳақиқатдан ҳам XIX - асрда рўй берган инсон тақдиридаги радикал ўзгаришлар олдида турибмиз. Замонавий инсон учун ҳам жисмонан, ҳам ижтимоий жиҳатдан мутлақо янги манзара, янги фаолият яратилди. Бу янги дунёнинг қиёфасини учта муҳим жиҳат белгилайди. Бу демократия, экспериментал фан ва индустриализация. Иккинчи ва учинчи жиҳатларни «техника» номи билан умумлаштириш мумкин»¹⁴.

Цивилизациянинг ўсиши дастлаб макон ва замонга хос кечди: инсоннинг маънавий дунёси ўтмишнинг янги худуди ва янги «қатлами» ни ўзлаштира бошлади. Библиянинг майдони чуқурлашди ва кенгайди. бироқ, шу билан бирга замон ва маконни енгувчи янги усуллар ҳам пайдо бўлди: инсон янги техника воситасида улкан фазовий вақтни қисқа муддатда босиб ўтиб, ер юзининг хоҳлаган жойида бўлиши мумкин. Дунё янги қиёфа касб этди.

XIX асрда техноцентриқ дунёқараш кенг тарқалиб, кишилар ўз ҳаётини илмий асосда қуришга урина бошлади. Инженерлик фаолияти тамойиллари табиат ва жамият ҳаётига кенг ёйилди. Инсоннинг турмуш жараёнидаги бунёдкорлик, тирикчилик ташвишлари ўрнини бундан буён ихтирочилик, техника ижодкорлиги, эҳтиёжларни қондирувчи техника воситалари яратиш эгаллади. Табиат, инсон, маданият каби тушунчалар талқини сезиларли ўзгарди. Табиат материал ва энергиянинг битмас-тутанмас манбаи, универсал омборхонага айланиб қолди. ҳатто, табиат сирларини ўта чуқур англаш ҳам унга яқинлашиш дегани

¹³ Сорокин П. Человек, Цивилизация, Общество, М. 1992, с 467-б.

¹⁴ Ортега-и- Гасит Х. Восстания масс.- Вопросы Философии, №3, 1989, 127-128 б.

эмас, балки, аксинча қандайдир узоқ бегоналикни, фақат техник ёндошувни билдиради. Инсоннинг ўз табиати сирларини англашга уриниши шунчалик қарама-қарши натижаларга олиб келади. XIX аср инсонга «коинот сардори», «барча нарсалардан юқори» ёрлигини берди. Инсон кўпроқ «механик агрегат», «физик-химиявий унсурлар мажмуи», «маймунга турдош маҳлуқ», «турли меҳнат қуроллари тайёрловчи Хомо фабер» каби сифатлар билан атала бошланди. Инсоннинг ўзи механизм бўлгани каби, дунё ҳам унга ўхшаш улкан машина ишлаб чиқарувчи фабрикадир. Инсоннинг ўзи-ўртача меҳнат унумдорлиги ўлчамидаги маданият ижодкори. Мақсадга мувофиқлик, рисоладачилик, меъёрлик инсонни бутунлай ҳаётини белгилаб, уни ўртача, баравар қилиб тенглаштиради: мақсадлар бараварлашади, умумҳаётий андоза, турмуш тарзи қонунийлашади, барчанинг ҳуқуқи тенглашади, кўп сонли ўрта синф шаклланди, мисли кўрилмаган муваффақиятлар ила озодликка эришди, муносабат, дил, одатлар андозалашди. Оммавий маданият, ҳиссиз, шахсиз маданиятлар даври келди.

XIX- асрда техника тараққиёти ғайриқонуний равишда маданиятнинг бутун ривожини бир хил қолипда ўлчаши жамият фикрида иқтисодий омилларнинг аҳамияти ошувига олиб келди. Бу эса оламни техник ўзлаштириш суратлари сезиларли ўсишга сабаб бўлди. Оқибатда тараққиётнинг бутунлай ва шубҳасиз ўсиши жараёнида цивилизация бутунлай ҳалок бўлиши мумкин (Й. Хейзинг). Бу муаммолар XX асрда яққол кўзга ташланди.

XX асрда техника сурати ҳаддан ташқари ўсди. Кейинги юз йилда ер юзиде саноат ишлаб чиқариши 50 мартадан ошди, бу ўсишнинг 4/5 қисми 1950 йилдан кейинги даврга тўғри келди. Ҳақли равишда XX аср инсоният тарихига илмий-техника инқилоби асри бўлиб кирди. Инсонларнинг ҳозирги вақтдаги таъсир кучини табиатнинг энг бешафқат кучлари билан тенг қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам хусусан XX асрда техника муаммоси ва унинг маданиятдаги ўрнига олимлар ўз эътиборларини алоҳида қаратдилар.

Техника сўзининг ўзи маҳорат, санъатни англатиб, ишлаб чиқаришга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун кишилар яратган воситалар йиғиндиси уни белгилайди ёки англатади. Инсонлар жамияти пайдо бўлиши билан амалда техника пайдо бўлди, дастлаб кишининг меҳнат фаолиятида ёрдам берувчи меҳнат қуроли сифатида, кейин, ҳар хил

мақсадларда ишлатиладиган техниканинг бошқа турлари вужудга келди. Техниканинг хусусиятлари шундаки:

1. Техника сунъий равишда, кишилар томонидан табиатни ўзгартириши натижасида яратилиб, оқибатда, олдиндан яралган идеал андозалар моддийликда мужассамланади;

2. Техниканинг оммавий хусусияти- у аввало, кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади;

3. Техниканинг муҳим параметрларидан бири рационаллик ҳисобланади, маълум жамият доирасида у ёки бу техника қурилмасини маълум қадар тезроқ ишлаб чиқаришга мўлжалланади.

Техника маданиятнинг фавқулудда ҳодисаси сифатида жамият ва табиат ўртасидаги муносабатни таъминлайди, у ижтимоий маданият жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Техника тараққиёти инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишида унинг имкониятларини кенгайтирди, маданий ва ижтимоий ўзгаришларни муқаррар амалга оширади. Маданиятда техниканинг ўрни хусусида турлича қарашлар мавжуд.

Технодетерминистик концепция техникани ҳар доим инсонга ижобий таъсир кўрсатишини ишончли асослайди. Илмий тараққиёт ва техника ютуқлари инсонга кўплаб сирларни очиб, уни улкан миқдорда моддий бойлик билан таъминлайди. Илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ барча муаммо ва қарама-қаршилиқлар, яъни техник воситаларнинг биосферани ҳалокатга яқинлаштирувчи таъсири ахборот алоқа даври деб аталувчи инсоният тараққиётининг кейинги босқичида ижобий бартараф қилинишини таъкидлайдилар. Техникани оптимистик баҳолашда технократик назария катта аҳамиятга эга. Технократия- жамиятдаги шундай кучки, у жамиятнинг техник-технология тараққиёти истиқболи хусусидаги илмий башоратида нуфузли илмий хулосаларга таянади.

Европада XVIII-аср охирлариданоқ техниканинг ҳалокатли таъсири ҳақида хабарлар тарқала бошлади. Турли фалсафа мактабининг вакиллари техника цивилизацияси, унинг қаттиқ, «темир суръати», бешафқат ва ахлоқсизлигини таъкидлаб, ҳаёт, табиат, инсонга хурматсизлигини қаттиқ танқид қила бошладилар. Улар жамиятда техникага сифиниш, уни илоҳийлаштириш ҳолати содир бўлаётганига, техника замонавий цивилизациянинг офати бўлажигига ўз эътиборларини қаратдилар. Техника-

нинг назоратсиз тараққий этиши экологик муаммоларни туғдирди, ҳарбий sanoat комплексларининг кенг ривожланишига сабаб бўлиб, оқибатда инсонни техниканинг ижро қисмига айлантириб қўяди.

Агар назариётчиларнинг бир қисми техникага пессимистик назар билан қараб, анъанавий жамиятга қайтишни ягона йўл деб қарашаётган бўлсалар, бошқалари эса техниканинг агрессивлиги ва мурасасизлигини таъкидлаб, инсон бундай шароитда фақат битта иложи бўлган усул билан қарши туриши мумкин, яъни кучи етганича техномаданиятнинг парчаланишига ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайдилар.

Бироқ, барча муаммо техникага эмас, балки инсоннинг ўзига боғлиқ. Техника ахлоқий жиҳатдан мустақил олам эмас, унинг мажмуи хусусиятида жамиятнинг қадрият тузилмаси намён бўлади. «Техника-инсон» зиддиятларининг бартараф қилиниши янги типдаги инсоннинг шаклланишига боғлиқ бўлиб, бу маданиятдаги биосферик тамойилларини ҳисобга олувчи, табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилувчи маданиятнинг бош муаммоларни оқилона ҳал қилишни таъминловчи сифатга эга бўлган янги инсондир.

Биосферик тамойилнинг асосчилари В. И. Вернадский, К. Э. Циалковский, А. Л. Чижевский бўлиб, бу назари Дж. Форрестр, Д. Медоуз, М. В. Месарович, Э. Пестеле, А. Печчен каби Рим клуби олимларининг асарларида такомиллаштирилди. Биосферик тамойил Ернинг эволюциясини умумий геологик, биогеник, ижтимоий ва маданий жараён сифатида қарайди, планетанинг коэволюция асосида табиий ва сунъий ҳамкорликда ривожланиши зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун омма онгида «Ҳаётга этиканинг тан бериши» ни сингдириш лозим (А. Швейцер), бунга О. Леопольд томонидан ишлаб чиқилган «аксиологик учлик» тушунчаси асос бўлиши мумкин; яъни, инсоннинг артоф-муҳит билан ўзаро муносабатини қуйидаги қадрият мезонлари белгилаши лозим: бутунлик, барқарорлик ва гўзал олам.

Инсоният бу қадриятларга амал қилиб, сифатли янги иқтисодий тип-«Ҳаёт иқтисодини» яратишга қодир бўлади. «Ҳаёт иқтисоди» илмий-техника тараққиёти ютуқларини инкор этмаган ҳолда на ишлаб чиқаришда энг юқори миқдорий манфаатни, на бирор керакли жойда зарур миқдордаги ва зарур сифатдаги бойликни кўзлаб иш тутади. Л. Мамфорд ёзишича:

«Бундай иқтисодиёт ҳар қандай тирик жон, ҳар қандай жамоа учун зарур бўлган хилма-хил бойлик ва кечинмага эга бўлишни тақозо қилади, негаки туғилгандан то ўлгунгача унинг индивидуал ҳаёти шундай ўтсин». Маданиятдаги биосферик концепция тарафдорлари инсоният тарихида ўзларининг маданият таснифни тузиб, унда таъкидлашларича инсониятнинг илк босқичларида маданиятнинг турли ҳил биогелик кўринишлари мавжуд бўлган, кейинчалик сунъий равишда «табиат устидан ҳуқумронлик қилиш» шиорига таянган ҳолда техногеник маданият яратилди замонавий одамлар ердаги экологик қонунларга асосланиб турмуши тақозо қилувчи ноогеник маданиятга ўтади. Экологик маданият ҳозирги замон цивилизациясининг аҳамиятга молик белгиларидан бирига айланиб бормоқда 1980 йиллардан эътиборан замонамиз илм-фани тобора экологиялашмоқда. Дастлабки пайтларда экология ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг атроф муҳит билан боғлиқлик алоқаларини тадқиқ этган бўлса, сўнгироқ бир бугун тарзда Ернинг экотизми, биоценози, биосферани ўргана бошлади. 1970 йиллардан экология жамият ҳаётидаги жараёнларни ўрганишга киришди. Инсоният жамияти билан уни ўраб турган табиий иқлимий, социал-маданий муҳитнинг алоқадорлиги муаммоларини ўрганувчи социал экология шаклланди. Экологиянинг табиий ва социал муҳити инсон унинг генофонди, одамни бугунги оламга мослашиш жараёни хусусиятларини тадқиқ этувчи мустақил тармоғи «инсон экологияси» вужудга келди.

Табиий ва социал, табиий ва сунъий жараёнларнинг ўзаро таъсир алоқадорлигини оптималлашувини экологик маданиятни бошланиши» деб ҳисоблаш мумкин. Бу инсоният томонидан табиий ва сунъий икки тизимнинг тенг ҳуқуқлигини тан олиши демакдир. Айниқса бу қишлоқ хўжалик соҳаси учун ўта аҳамият касб этади. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги учун маҳсулдорлик ва товар ишлаб чиқариш ҳажми асосий стратегик мақсад эмас, гап экология қонуниятларига мувофиқ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, агроф муҳитни асрашдан иборат. Саноат ишлаб чиқариш учун экологик қонунлар табиат ресурсларига тежамкорлик асосида ёндошиш имкониятини берувчи техника ва технологияни яратишдангина иборат бўлмай айни пайтда, инсоннинг мавжудлиги ва яшаш муҳити-биосферани асраш, қайта тиклашдан иборатдир.

XX аср ўрталаридан фан ва техника тараққиёти кучли ахборотлар йиғимини пайдо қилди. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)- матбуот, кино, радио, телевидение, компьютер алоқаси замонавий соқмаданият жараёнида салмоқли ўринни эгаллай бошлади. ОАВёки бунинг бошқача mass media деб ном олган тури ахборот узатишдаги каналларнинг кўплиги, тезлиги ва узоқ ишлаши билан улкан ҳажмдаги ахборотларга эга бўлмоқда. 1940-50 йилларда Г.М. Макмозн асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг янги типи, ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги тип сифатида таърифланди.

Унинг фикрича бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги рақобат курашида қудратли кучга айланади.

ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқалардан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир вақтда идрок қилишга ундайди. Г.Э. Макмозн таъкидлаганидек «ҳаммабоп ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданияти» шаклланмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам замонавий маданиятнинг ҳолисона таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бормоқда. Оммавий маданиятнинг қиёфаси куйидагича:

1. У миллати, ёши, жойи, ижтимоий ҳусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади;

2. Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг ўзи оммавий ҳусусият касб этиб, индустриянинг маҳсус кўринишини ўзида намоён қилади, яъни унда юз минглаб кишилар банд бўлиб, уларнинг «матбуот қироли», «Буюк шоу томошачилари», «кино, ТВ, эстрада юлдузлари» бўлади.

Оммавий маданият кишиларни ҳаётни бефарқ кузатувчи томошабинга айлантиради. ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гўё сароб каби тасаввур қиладилар.

Ортега и Гассет оммавий маданиятнинг таъсир доирасини таҳлил этиб, омма ўзига, шахсга ўхшамай қолиши, кимки бошқаларга ўхшамаса, шулардек фикрламаса таҳликада қолишини айтиб, «Омма бу йўриқ-йўналишсиз оқим билан сузаётган одамлар. Шунинг учун улар қобилият имкониятлари катта бўлишига қарамай, ҳеч нарса яратмайди. Оммавий одам ахлоқдан маҳрум, чунки унинг моҳияти, онги бурчига итоатдир», деган эди.

Оммавий маданият умумий истеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлиқ. Бунинг асосида истеъмол талаб товар сифатида харидоргир бўлиш маънавий эҳтиёжи ётади. Оқибатда ҳозирги замон маданиятидаги маънавий қадриятлар тор доирадаги эҳтиёжларни қондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чуқур маъно-моҳияти, хотира чексизлиги «одатли», «умумий» қимматлар билан, ҳақиқий ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги «асарлар» яратиш ва ишлаб чиқариш (киносериаллар, саез ТВ ва адабий асарлар) билан алмашинади. Шахс ўзининг ижодий қобилияти миллиятдан айрилиб, тайёр «маданий маҳсулотлар» истеъмолчисига айланиб қолади. Хусусан ёшлар учун оммавий маданиятнинг хатарли оқибатларини Президентимиз бир неча бор қайд этган эдилар. Жумладан, «Фидокор» газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида: «Дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан ҳоли бўлиб туюлган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кунда кўпда етарлича эътибор беравермаймиз», деб кейинги йилларда кўплаб намойиш, этилаётган жангарлик фильмлар, яланғоч асарлар ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётганлигини, улар инсонни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо этишга қаратилганлигини таъкидлаб,... ҳар қандай касалликни олдини олиш учун аввало киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топдиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг **мафкуравий иммунитетини** кучайтиришимиз зарур¹», деб кўрсатади.

Ҳар бир инсон икки йўлдан бирини танламоғи ё истеъмолчи тарзда оқим билан сузмоғи, ёҳуд ўзига, ўзлигига нисбатан талабчан бўлиб гирдобдан чиқмоғи лозим. Инсоният тобора техника тараққиёти ва оммавий коммуникациянинг социал ва экологик жиҳатдан назоратга олиш, бугунги одам маънавий қиёфасини бир ҳиллаштириш (стандартлаш) га қарши жиддий тўсиқ қўйиш заруриятини англамоқда. Ушбу масалани ўта кескинлигига эътиборни қаратиш, мавжуд муаммоларнинг ечим йўлларини белгилашда 1990 йилларда БМТ-Бош Ассамблеяси эълон қилган Маданиятнинг умумжаҳон ўн йиллиги муҳим

¹ И. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир, Т, 2000 й. 24- бет.

босқич бўлди. «Ўн йиллик» нинг асосий мақсади- иқтисод ва техника тезкор ривожланаётган ҳозирги даврда умуминсоний маданий қадриятларнинг биринчи даражали аҳамиятини тиклашдан иборат бўлиб, бунда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш масаласи амалий қўйилди: Барча томонидан тараққиётни маданият юксалиш муҳимлигини тан олиш, моддий ишлаб чиқариш билан ижодкорликнинг алоқадорлик йўлларини белгилаш, маданий ўзига ҳослик ва маданиятлар мулоқотини тан олиш, индивидуал ва жамоа тимсолида ижодий потенциал ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва бошқалар. Мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг асосий мақсади маданиятларни янада ривожлантириш ва бир-бирини бойитишга йўналтирилган БМТ бошчилигида ўтказилган қатор халқаро дастурларда жумладан, «Умумжаҳон маданий мероси», «Буюк ипак йўли» дастурларида бевосита ва фаол иштирок этди. Бугунги кунда Республикада умумжаҳон аҳамиятига молик мақомидаги Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз ёдгорликлари мавжуд, шулардан кейинги учтаси мазкур мақомга 1991 йилдан сўнг эришди.

«Буюк ипак йўли» - бу нафақат тарих, у бугунги кун ҳамдир. 1993 йилнинг майида Европа комиссияси Брюсселда Марказий Осиё, Кавказ ҳамда Европа иттифоқи давлатлари вакилларини тўплади. Мақсад-аждождлардан қолган қадим йўлларни тиклаш орқали Марказий Осиё ва Кавказ миғтақасидаги мустақил давлатларни жаҳон иқтисодиётига интеграциясини таълим этиш; Учрашувда Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ташкил этиш тўғрисида декларация қабулланди. И.А. Каримов таъкидлаганларидек, ТРАСЕК (транспорт йўлаги) лойиҳасини амалга ошириш-Буюк ипак йўлини қайта тиклаш айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, у замон, жаҳон тараққиётининг объектив заруриятидир. ЮНЕСКОнинг амалий қадамларидан бири- «Ипак йўли - мулоқот йўли дастури асосида Самарқандда Марказий Осиё цивилизациялари тарихини ўрганишга қаратилган халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг ташкил этилиши бўлди.

Мустақил давлатимизнинг миллий маданиятини тиклаш, ривожлантириш ва умуминсоний қадриятлар асосида бойитиш йўлидаги ютуқлари туфайли 1997 йили Ўзбекистон ЮНЕСКО Ижроий Кенгашининг аъзоси этиб қўлланди, Президентимиз И. А. Каримов «Ибн Сино» медали билан тақдирланди. Юртимизда жисман ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, таълим

тизимини такомиллаштириш ёшларда тарихий онг ва мустақил тафаккурни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2000 йил Ўзбекистонда «Соғлом авлод йили» деб белгиланди. Буни моҳияти шундаки, кечаётган ислохатларнинг моҳияти инсонга қаратилган ва у инсон учун амалга оширилмоқда. Бинобарин соғлом авлод-миллат, юрт келажаги демак. Юртимизни биринчи ордени ҳам «Соғлом авлод учун» деб номлангани бежиз эмас. Бу буюк келажак йўлидаги умидли қадам тимсолидир.

Таянч тушунчалар

Техноген маданият, антропоцентризм, рационализм, утилитар, эмперик, техноцентриқ, технодетерминистик, оммавий маданият, мафкуравий имунитет.

Мавзунинг такрорлаш учун саволлар

1. Техника, ва унинг асосий характерли белгилари.
2. Техноген маданият ва унинг шаклланиш жараёни.
3. Техноген маданиятнинг муҳим элементлари ва воситалари.
4. Техноген маданият билан оммавий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги.
5. Маданиятда Биосфера концепциясининг моҳияти.
6. Оммавий маданият нима? Ва унинг бугунги кўринишлари.
7. Оммавий маданиятнинг салбий томонларини нимала кўрасиз?
8. Экологик маданият деганда нимани тушунасиз, унинг зарурлиги.
9. Техника ва инсон муносабати, бу жараённинг XXI асрдаги истиқболи

АДАБИЁТЛАР

1. И. Каримов, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, Т., 1997
2. И. Каримов, Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Т., 1999.
3. И. Каримов, Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. Фидокор газетаси 8 июнь 2000 й.
4. Вернадский В. Несколько слов о ноосфере, М., 1990.
5. Информация и культура, Новосибирск, 1990.
6. Новая технократическая волна на Западе, М., 1996.
7. Самосознание Европейской культуры в XX веке, М., 1991
8. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992.
9. Шведер А. Упадок и возрождение культуры, М., 1993

ВАТАН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

8-мавзу МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ

Маъруза режаси:

1. *Марказий Осиедаги қадимги маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.*
2. *Марказий Осие худудидаги илк давлатлар маданияти.*
3. *Юнон-Бақтрия маданияти миқёсида Шарқ эллинистик маданияти.*
4. *Кушонлар маданияти.*

Ў Марказий Осие маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тугади. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллақачон муносиб баҳо берган. Ҳатто Бақтрия, Марғиёна, Суғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоқ халқларининг қадимги маданияти ҳам жаҳонни ҳайратга солмоқда. Марказий Осие минтақасининг қадимги маданиятини ўрганиш ўн йиллар илгари бошланган бўлсада, тадқиқотчиларнинг бу маданиятнинг ўзига хослиги ва бой мазмуни лол қолдирди. Марказий Осие маданияти Фарб ва Шарқнинг буюк маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ифодалаган ҳолда ўзига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тараққиёт учун ҳам негиз бўлиб қолади.

И. А. Каримов айтганларидек, — «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур».

Марказий Осие халқлари маданиятнинг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг жуғрофий ўрни ва табиий воситаларига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Маданиятшунослик ҳар қандай маданиятнинг шаклланишидаги ўзига хос алфозни жой манзараси, иқлими, биосфера омилларининг аҳамияти борлигига алоҳида эътибор беради. Марказий Осие минтақасининг табиати турли хиллиги билан катта фарқ қилади. Бу ерда серҳосил водий ва воҳалар, серсув дарёлар, қақроқ чўллар, дашгу адирлар, Памир ва Тангритоғининг баланд музо-

фатлари билан ёнма-ён жойлашган. Бундай хусусият деҳқончилик, чорвадор, тоғда яшовчи қабила ва халқлар хўжалик тарзи ва ўзига хос маданиятларининг шаклланиши учун имконият яратди.]

2 [«Қадимги цивилизация» деб номланган рисолада Марказий Осиё маданиятининг икки хусусияти кўрсатилади: бир томондан, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирида, иккинчи томондан, қадимги цивилизацияларининг бошқа ўчоқлари билан яқин алоқада ривожланиши. Бу хусусиятларни батафсил кузатадиган бўлсак Марказий Осиё маданиятининг шаклланиш жараёнлари яққол намоён бўлади.

Марказий Осиёнинг серҳосил водийси, чўл ва дашти, тоғларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитидаги фарқлар турли хўжаликларнинг эртароқ пайдо бўлиши ўзига хос маданиятлар шаклланишига олиб келди. Бу жараён яқин кўшинчилик муносабатлари асосида содир бўлиб, қабила ва халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари туфайли тараққиётнинг эртароқ бошланишига имкон яратди. Энг қадимги даврлардан деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ овчи қабилалари ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш Марказий Осиё халқлари иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, кейинги даврларда ҳам у узоқ сақланиб қолди. Турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятидаги фарқланиш билан бирга минтақа халқларининг этник ва тиллардаги яқинлик жудаям уйғунлашиб кетганлиги қадимги Юнон ва Хитой манбаларида ҳам қайд қилинган. Марказий Осиё халқларининг кучли иқтисодий алоқалари, этник ва тил бирлиги уларнинг бир-биридан айрича яшашига йўл қўймади.]

Натижада қадимги Шарқнинг классик маданияти орасида Марказий Осиё Қадимги маданияти ажралиб, ўзига хос кўринишда шаклланади. Дастлаб, бу маданиятда икки хил маданият аралашиб кетади: кўчманчилик ва ибтидоийлик олами ҳамда цивилизация олами; Бу ердаги қадимги маданиятларга хос маданиятларнинг ўзаро мулоқотига акс таъсир кўрсатган «ўзининг бетакрорлиги» ҳақидаги тасаввур шаклланмоқда.

Марказий Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи халқларида анча-мунча фарқлар бўлишига қарамасдан илгаридан яқин муносабатлар ўрнатилган. Диний эътиқодлар, урф-одатлар, фольклор, ахлоқий меъёрлардаги умумийлик маданий умумийликнинг шаклланишига олиб келган. Шунинг учун, бундан кейин Марказий Осиёнинг яхлит маданиятини ташкил қилувчи турли субмаданиятлар мавжудлиги ҳақида тўхталиш

жоиздир: Қадимги давлатлар суб маданияти (Бақтрия, Суғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна), дашт кўчманчилари-сак, массагет, да-коччилар субмаданияти, Памир ва Тангритоғ қабилаларнинг субмаданияти.

ЎМарказий Осиё маданиятининг ўзига хослигининг иккинчи жиҳати минтақанинг ўта қулай жуғрофий ўрнашганлиги билан боғлиқ. Минтақа Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой каби учта буюк Шарқ цивилизацияси билан бевосита чегарадош бўлиб, Фарб цивилизациясига хос бешинчи-Греция ва Рим билан алоқада ривожланган. Бундай алоқаларнинг муқаррарлиги туфайли Марказий Осиё маданияти Шарқ ва Фарб ўртасида воситачилик миссиясини бажаришига сабаб бўлди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро савдода ва маданий соҳаларда ҳам Марказий Осиё Фарб ва Шарқ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини бажарди. Хусусан, Марказий Осиё худуди орқали буддизм бутун дунёга ёйилди, Ҳиндистон ва Хитойга эллинистик маданий кўринишлари ўтди, Шарқдан Фарбга ва Фарбдан Шарқга маданий бойликлар (билим, диний ғоя, кашфиёт, бидий асарларнинг) алмашиб туришида Марказий Осиё муҳим воситачи бўлиб хизмат қилади. ↘

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик миссияси бошқа маданий қадриятларини янгилаши, ўзлаштириш маҳорати ва қайта ишлаш каби жиҳатларисиз бўлмас эди. Бу маданият қадимданоқ янги ҳодисаларни ўзлаштириш ва мослаштириш маҳоратига эга бўлди. Гарчи, бошқа қадимги Шарқ маданиятларидаги каби Марказий Осиё маданиятида ҳам анъаналар кенг ўрин эгалласада, улар айтарли характер касб этмайди, яъники, узлуксиз маданий янгилашни ва тараққиёт жараёнига тўсиқ бўлмайди. Шунингдек, анъаналарнинг мустақкам ҳукмронлиги тарихий вазиятга ҳам тўсқинлик қилганлигини таъкидлаш керак. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлари, халқларнинг кўчишлари юз берган бўлиб, бу Марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

ЎАфсуски, кўпгина дуршлар Марказий Осиё маданиятининг қадимги тараққиёт даврларининг беҳисоб далилларини йўқ қилди. Археолог қазилма маълумотлар ва ёзма манбалар милoddан аввалги I-минг йиллик бошларида вужудга келган Марказий Осиёнинг илк давлатлари Бақтрия, Суғд ва Хоразм маданияти ҳақида бир оз маълумотлар беради. Милoddан аввалги VIII-VI асрларга оид Афросиёб (Самарқанд), Сурхондарё воҳасидаги

Қизилтепа, Қашқадарё воҳасидаги Узунқир, Хоразмдаги Кўзителиқир каби қадимги шаҳарларда ўтказилган тадқиқотлар мураккаб ижтимоий тузилма ва маданиятнинг юқори ривожланганлигини кўрсатади. Бу шаҳарлар мудофа деворлари ва сув таъминотидан иборат кучли истеҳком тизимига эга бўлиб, ичида ҳунармандлар мавзеи жойлашган. Айрим шаҳарларда сарой қолдиқлари қалъалар топилган. Қадимги давлатлар хўжалигининг асосий соҳаси ҳисобланган деҳқончилик тараққиётининг даражаси ҳақида кўп тармоқли суғориш тизимининг мавжудлиги бунга далилдир. Марказий Осиё давлатлари Қадимги Шарқ мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатган. Мидия ва Оссуриянинг сиёсий тарихида фаол иштирок этиб, ҳунармандчилик буюмлари ва хом ашё билан (ложувардд, олтин, мис билан) савдо сотиқ қилганлар. Бу ҳақда Оссурия ва Қадимги Юнон ёзма манбаларида гапирилади. Хусусан, Бақтриянинг йирик шаҳарлари, кўп сонли аҳолиси ҳақида Бақтрия шоҳи Оксартнинг афсонавий бойлиги ҳақида Кгесий Книдский (Мил.авв. V-IV асрлар) ёзиб қолдирган.

Кўчманчи массагетларнинг удуми ва турмуш тарзи ҳақида машҳур қадимги Юнон тарихчиси Геродот (мил.ав. V аср) ёзиб қолдирган. У массагетларнинг ҳарбий қуроллари (камон-ёйи, найзаси, ойболтаси) да олтиндан безак сифатида, мисдан қурол ва совут учун кенг фойдаланишини таъкидлайди. Геродотнинг ёзишича, массагетлар ягона маъбуд қуёшга топиниб, отни қурбонлик қилганлар.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг маънавий маданияти ҳақидаги билимларнинг бебаҳо манбаси «Авесто» ҳисобланган. «Авесто» сўзининг мазмуни умумий изоҳга эга эмас., кўпинча «Асосий матн» сифатида таржима қилинади. «Авесто» дунёдаги энг қадимги динлардан бўлган зардуштийлик тарафдорлари учун муқаддас калима ҳисобланиб, пайғамбар Зардушт тўпланганларга ундан ваъз ўқиган. Унинг ҳаёти даври мил.ав. IX-VI асрлар атрофида дейилади. «Авесто» ва унинг бошқа матнларининг тўпланиши кўп асрлар давомида амалга оширилган. «Авесто»нинг энг қадимги матнлари мил.ав. II- мингинчи йилларга таалуқли, «Авесто»нинг миллиодий VII асрга тегишли бўлган тўплами турли мазмундаги 21 китобдан иборат бўлиб, унда ўша даврнинг барча билимлари жамланган. Зардуштийлик анъаналарига кўра бу ёдгорлик Эзгулик ва Ёруғлик худоси Ахурамазданинг Заратустрага ваҳийси ҳисобланади. Бироқ, унда қадимги мифологик тасаввурлар, мифларнинг кенг тарқалиши, қаҳрамонлик эпик ривоятларидан пар-

чалар ҳам тасвирланади. Шунингдек диний йўл-йўриқ «пайғамбар давридан» кейин зардўшгтийликнинг ривожланган «этиқод рамзи» юзага келди. Ҳозиргача «Авесто»нинг айрим қисмлари, 4 китоби сақланиб қолган:

1. Видевдат - «Девларга қарши қонунлар», бу китобда асосан зардўшт ва Ахурамазда ўртасида суҳбат, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар мазмунида бўлиб, зулмат ва ёвузлик худоси Ахримани бошқарувчи ёмонлик кучларини қайтариш ҳақида.

2. Виспрат - «ҳамма ҳукмронлар», бу китобда ибодат намозлари тўпланган.

3. Ясна - «Ибодат», «Маросим» китоби худоларга сизиниш ва мурожаатдан иборат. Яснадаги «Тот»лар номли 17 боб зардўшгтийнинг муқаддас кўшиқларидир.

4. Яшт - «Қадрлаш», «Ҳамду сано» китоби-худоларни шарафловчи қадимги гимнлар ва эзгулик худоларига ёвузликка қарши кураш ёрдам берувчи кучлар ҳақида. Бундан ташқари, «Авесто» мажмуига «Кичик Авесто» ҳам мансуб, у авесто тилида ёзилган бўлиб, ибодат қалималари жойлашган.

Кўпчилик олимлар Зардўшт юксак ахлоқий идеалдаги ва ишонтирувчи фикрлари билан биринчи ҳақ пайғамбар эканлигини таъкидлайдилар. Зардўшт таълимотига мувофиқ барча қуруқликнинг ўзгармас ибтидоси Арта бўлиб, «Авесто»да ҳақиқат, олов руҳ дейилади. Ахурамазда тартибни сақловчи ёмон худоси ёруғлик ва эзгулик ҳисобланган (оҳура-хўшайиш, эга; мазда-идрокли, билимдон). Ахурамазданинг ўғли -Атар (олов), унинг ватани булутлардек қуриган сувлар, унинг макони-худудсиз ёғду. Охурамазда 6 та руҳни - ёрдамчиларни яратди (амеша спента): эзгу ақл, яхши тартиб, лаёқатли қудрат, олижаноб мўминлик, соғломлик ва боқийлик. Унга Ахриманинг зулмат кўшини-девлар, урушлар тимсоли, очлик, кассаллик, адоват ва бошқа ёвуз кучлар қарама-қарши туради. Олам ва барча инсоният ҳаётининг асосида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш ётади.

Зардўшт таълимотининг улуғлиги шундаки, у ҳар бир кишига танлаш имконини беради. Ҳар ким ҳам Ёвузликни йўқ этиш ва Эзгуликнинг ҳукмрон бўлишида иштирок этиши мумкин, бу ишда барча бир хилда тенгдир. Шу тариқа ерда илгари бўлмаган жаннат -олтин аср тикланади. Унда совуқ, ҳам жазирама ҳам, қарилик ҳам,ўлим ҳам бўлмайди. Ёвузлик билан курашда ҳар бир кишининг асосий қуроли меҳнат бўлган. Зардўшгтийлик ахлоқи кишидан камтарин ва ҳалол меҳнатқаш

деҳқоннинг барча мажбуриятларини бажаришни талаб қилган (Ким ғалла экса, у ҳақиқат тарқатади. Видевдат китобининг «Деҳқончилик фазилати ҳақида»бобидан). Фикр, сўз ва ишда тақводорлик, ишчанлик, ҳалоллик, холислик юксак ахлоқнинг асосий талабалари сифатида кўтарилади. «Ясна» китобида зардўшгийликнинг эътиқод рамзи ҳақида дейиладики: «Қасам эзгу фикрни, эзгу сўзни, эзгу фаолият мажбуриятларини бажаришни талаб қилади».

Зардўшгийликда биринчи бўлиб эсхаталогик таълимот яратилган, бунга мувофиқ жаҳон тарихи 12 минг йилни ташкил қилади. Бу муддат тугаши билан эзгулик ва ёвузлик кучларининг ҳал қилувчи ёвузлик жанги бошланади. Бутун оламни эриган метал оқими йўқ қилади, бироқ халоскор Саошьянт ҳалок бўлган дунёни ва барча марҳумларни тирилтиради, барча гуноҳкорларни дўзахдан чиқариб Охурумазданинг идеал ҳукмронлигида абадий ҳаёт кечиради. Шу тариқа зардўшгийликда биринчи бўлиб охиратдаги жазо, марҳумларнинг тирилиши сўроқ куни ғояси шаклланади. Бу ғоялар Доро I нинг Бехустун ёзувида ва Ксеркснинг Персеполдаги ёзувида ҳам қайд қилинади. Зардўшгийлик Марказий ва Олд Осиё худудларида минг йиллар давомида ҳукмрон дин бўлиб келди ва шубҳасиз, бу дин христианлик ва ислом каби жаҳон динларининг шаклланишида катта ўрин тутди. Илмий-тарихий, амалий-дидактик қимматга эга бўлган, ушбу йилда 2700 йиллиги нишонланадиган буюк меросимиз «Авесто»нинг бутун маъно моҳияти Инсон тақдири, унинг Истиқболига қаратилган. Жумладан, Тангрига илтижо ва мурожаатларда шундай дейилади: «Ахурамазда яратган яхшилик моясига, соғлом, ақл-ҳуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тиллар биладиган ўғил-қизларга, узоқни кўра биладиган, юртни балоқазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонлар, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган поктийнат авлодларга олқишлар бўлсин¹⁵.

Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятининг мустақил ривожланиши Эрон аҳмонийлари томонидан биринчи йирик босқинчилик туфайли тўхтаб қолди. Суғд, Бақтрия, Хоразм мил. ав. VI-IV асрларда Аҳмонийлар давлати таркибига кирган. Бу империя таркибига кириши, ягона бошқарув, қонунчилик, пул

¹⁵ Ҳамидов Х. , Асл насли деб... «Халқ сўзи» газетаси, 2000 й. 21 июнь.

тизимининг ўрнатилиши, оромий ёзувнинг умум давлат миқёсда қўлланилиши. Марказий Осиё халқларининг маданиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Аҳмонийлар даврида халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароитнинг вужудга келиши Марказий Осиё шаҳарларининг тараққиётига муайян имконият яратди. Аҳмонийлар ҳукмронлигида мамлакатларга сайёҳлар ва олимлар бориши мумкин бўлди. Худди шу даврда Шарқ мамлакатларига Геродот, Демокрит ва бошқалар саёҳат қилган. Аҳмонийлар империясидаги йирик шаҳарлар— Суза, Персепол, Мемфис, Ниппур, Бобилда турли жойларда хусусан, Хоразм, Бақтрия, Суғдан чиққан кишилар, сакларнинг харбий аҳолиси яшаган.

Ўз навбатда мил. ав. V асрда Окс дарёсининг ўнг соҳилида Милетлик Юнонларнинг манзилгоҳи ташкил топади. Шу тариқа Аҳмонийлар империяси таркибида Марказий Осиё халқлари форслар, мидияликлар, бобилликлар, мисрликлар, юнонлар, ҳиндлар билан яқин муносабатда бўлиш, маданиятининг ҳам ўзаро таъсирига имкон яратди.

Аҳмонийлар империяси маданияти ҳам кўпгина мамлакат халқлари яратган илмий билимлар, диний эътиқодлар, санъат ютуқларининг синтези ҳисобланади. Бу маданиятга Марказий Осиё халқлари ҳам ўзининг ҳиссасини қўшган. Зардўнгийлик Аҳмонийларнинг давлат дини сифатида қабул қилиниши билан бирга Фарбга ҳам кенг ёйила бошлади. Аҳмонийлар санъатининг Суза ва Персеполдаги улкан ёдгорлиги қурилишига Марказий Осиё мишгақасидан кўплаб хом ашё келтирилган. Саройлар қурилишига Бақтриядан олтин, Суғдан ложувард ва қимматли тошлар, Хоразмдан феруза олиб борилган. 1877 йилда Тожикистоннинг Жанубидан топилган Амударё хазинаси маданий синтезнинг ёрқин мисolidир, ҳазинада, Эрон ва Бақтрияда тайёрланган жиҳозлар-бежирим олтин аравача, қанотли иккита курғий шакли туширилган билакузук ҳамда даштликларга хос «Ҳайвон шакли» битилган жиҳозлар мавжуд. Марказий Осиё халқларининг маданият муносабатлари жуда кенгайди, шунингдек, маданий қадриятларнинг бойиши ва турли маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёни эса ўз маданиятларини жуда тез ривожланиши ва бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

3 | Аҳмонийлар империяси ва Марказий Осиё ерлари юнон-македонлар томонидан босиб олинган Марказий Осиё маданиятига эллинизм элементлари кириб келди. Аҳмонийлар салтанатини емириб ташлаган Юнон-Бақтрия босқини Марказий Осиё

минтақасини, хусусан суғд маданиятини айлангирди. Илло, Александр Макдуний сипохиларига ҳеч ерда Марказий Осиёдагидек қаршилиқ кўрсатилмаган бўлса керак. Озодлик ҳаракатини бешафқат маҳв этган Макдуний ерли аҳолининг кўмагига муҳтожлигини сеза бошлади. Вақт ўтиши билан у онгли тарзда барча этник тўсиқларни олиб ташлашга, ўз Салтанати ҳудудида турли ҳарқларни қоришиб кетиши ҳамда ягона маданият ва тил бирлигини қарор топдиришга уринди. Шу мақсадда Макдуний ўз саройида Шарқ удумлари ва либосларини жорий этди, турли этник гуруҳ вакилларининг никоҳларини кенг йўлга қўйди, ўз армиясига бақтриялик ва суғдлик қисмларни киритди, 30 мингдан ортиқ ўғил-болаларга юнонча тарбия беришга ҳукм этди. Шундай қилиб Александр Макдуний Марказий Осиё маданиятининг эллиништиришни бошлаб берди. Эллинистик жараён салавийлар давлатидан мустақил бўлган Парфия ва Юнон-бақтрияда ўзининг юқори ривожига билан ажралиб туради. Юнон-Бақтрия давлатида юнонлар ва маҳаллий маданиятларнинг синтези қисқа вақтда ўзининг ижобий натижаларини берди, шаҳарлар сони тез суратда ўсди, деҳқончилик, чорвачилик, айниқса ҳунармандчилик ривожланди. Марказий Осиё минтақаси Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган халқаро савдонинг маркази сифатида ўта муҳим ўрин тутди. Диядотдан Галпокигача бўлган Юнон-Бақтрия подшолари даврида юксак бадий савияда олтин, кумуш ва мисдан тайёрланган турли қийматдаги тангалар (драхма, обол, дихалка, халка) зарб этилди. Товар-пул муносабатларини ўсишида Бақтрия шоҳларининг ўз пулларини зарб қилиши халқаро савдонинг ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга, юксак бадий даражаси билан ҳам ажралиб туради. }

Юнон-Бақтрия даврида Ойхонум (Шим. Афғонистон), Саксанохур ва Таҳтисангин (Тожикистон), Далварзин тепа, Ёрқўрғон, Афросиёб Галибарзи (Ўзбекистон) каби шаҳарлар қурилди. Юнон ҳарбий манзилгоҳлари аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи эллинистик услублар Юнон-Бақтрия шаҳарларда очиб ўрганилди. Иншоатлар тош, хом ва пишққ гиштдан тикланган. Устунлар коринф усулида ишланган. Сарой ва ибодат мажмуалари, гимназия, театр бинолари очиб текширилганда устунлар аттик базаллар, акант япроқлари, пальметаллар, чети нақшланган черепица-ангификслар сингари унсурланган фойдаланган ҳолда қурилган. Маҳаллий зодагонларнинг эллинистик диди монументал ва ихчам ҳайкалгарошлиқни ривожланишига туртки берди. Теракт ҳайкалчалар ва турли муҳрлардаги об-

разларнинг миқёси кенг. Унда ҳосилдорлик худоси Анахит, юнонларнинг бош ва маҳаллий худолари, фантастик ва реал ҳайвонларнинг тимсоллари ифодаланган. Ҳайкалтарошлик санъати намуналари кам сақланиб қолганлигига қарамай, зарб этилган юнон-бақтрия тангаларининг орқа томонида машҳур юнон санъаткорларининг расми тушурилганлиги бу ерда юнон ҳайкалтарошлиги илми таъсири кучли бўлганлигини билдиради. Тахти Сангинда Окс дарёсининг худоси Марсиянинг бронза ҳайкалчаси қўйилган Меҳроб топилди. Антик дунёнинг Марказий Осиёга кириб келган ҳайкалтарошлик санъати кушонлар даврида янада равнақ топди.

Юнон-Бақтрия подшолигида театр санъати ва мусиқани ривожланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бақтрия саройларида юнонистонлик актерлар, мусиқачи ва раққосларнинг гуруҳлари сақланган. Айниқса, юнон халқ театрининг «маскарс», «мим» сингари турлари кенг ёйилган. Уларни классик трагедия ва комедиялардан фарқи белгиланган матн бўлмаган, ўки матнсиз чиқилган, лекин у юнон тилини билмаган маҳаллий аҳолига тушунарли бўлган. Актерлар шароит, томошабинларнинг руҳиятига кўра матнларни ўзгартирганлар-мусоҳаба, хазил-мутойиба, ҳажв, ҳикоя, қўшиқ усулларида ижро этганлар. Рақс, мусиқа, кўзбўямачилик ва акрабатик машқлар театр ижрочилигининг муҳим элементлари бўлган. ҳукмдорлар ҳомийлик кўрсатган маҳаллий актерлар ҳам шаклланган; «Масхарабоз» Миллий театрининг — намунасида ҳаммон эллинистик белгилар сақланиб қолган.

Юнон-Бақтрия маданияти синкретизми (қоришиқлиги) турли тилларни ёнма-ён фаолият кўрсатиши, ҳар хил ёзувлар тизими ва динларнинг ўзаро сингишиб кетишида ҳам кўринади. Эрамиздан аввалги III-II асрларда оромий, юнон-бақтрия ёзувлари кенг ишлатилган, кейингиси юнон алфавити асосида унга битта ҳарф қўшиб (жаъми 25 та ҳарф) бақтрия ёзуви вужудга келган зардўшгийлик ҳукмрон дин сифатида сақлансада аҳолини юнон худолари тимсолларига сиғиниш аломатлари пайдо бўлган. Маҳаллий аҳоли назарида Олимп худоларининг образлари билан зардўшгийлик худоларининг тимсоллари-Зевс ва Ахурамазда, Ашполон, Чешос ва Митра, Афродита ва Апахит образлари уйғунлашиб кетди. Агар ерли аҳоли ўртасида Афина, Геракл, Ника, Дионис тимсолларига сиғиниш қанчалик тарқалса, Юнонистонда Митра, Окса (Окшо-Амударё), Буюк онага сиғиниш шунча тарқалди. Буни Ойхоним, Тахти Сангин

манзилгоҳларидан топилган тасвир мазмунида юнонча ва маҳаллий анъаналар ифодаланган санъат ёдгорликларида ҳам кўриш мумкин. Юнон-Бақтрия маданияти одатда Шарқ эллинистик маданияти деб таъкидланади. Агар эллинистик маданиятга юнон ва Шарқ маданияти уйғунлиги хос деб характерланса, марказий Осиё маданиятида маҳаллий ўзига хослик, Шарқона бетакрорлик устивордир. Айни шу негизда юнон маданияти қадриятларини ўзига сингдирган маданият асосида кейинги даврлар маданияти янада ривожланди.¹

Бунда Хоразм маданиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу минтақа сугориладиган деҳқончилик, шаҳар маданияти шаклланган энг қадимги манзилгоҳлардан бўлиб, бу ерда Ўзбекистон худудидаги қадимги (Эраמידан аввалги VII-VI асрларда) давлат асосланган Хоразм (Эраמידан аввалги IV асрларда) Александр Мақдуний босқинига қадар Аҳмонийлар истилосидан озод бўлган давлат, хоразмийлар Ҳиндистон, Ҳитой, Яқин Шарқ ва Европа Шарқи билан қизғин савдо алоқаларини олиб борганлар ва ўзларининг хунармандчилик буюмлари билан донг таратганлар. Тарихий солномаларда хоразмликларни тadbиркорлиги, иштиққомандлиги қайд этилиб, уларни «илм соҳиблари» деб атаганлар.

Канал, қалъа, кўпқаватли саройлар, қуриш нафақат амалий малакани, балки мураккаб ҳисоб-китоб ва ўлчовларни ҳам талаб қилар эди. (мовий йўл кўрсаткичларидан фойдаланишни билмай дашт-саҳролардан ўтиб бўлмасдан. Хоразмликлар эр. I асрдан VIII асригача ўзлари фойдаланган маҳсус тақвим тизимини яратдилар. Бу тақвим Ал-Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида муфассал тавсифланган. Унинг маълумотларини археологлар томонидан топилган, III асрга оид асл нусха хужжатлар ҳам тасдиқлайди. Берунийнинг маълумотига кўра, хоразмликлар мустақил астрономик кузатишлар олиб борганлар, осмоннинг юлдузлар харитасини яхши билганлар. Бинобарин, қўй-қирилган қалъадаги обсерваториянинг қадимийлиги (Эр. ав. III-II асрлар) шубҳасиздир. Доира шаклидаги, дастлабки диаметри 42 метрли бу бино кейинчалик 8 та мустаҳкам минорага эга бўлган деворлар билан ўралиб, диаметри 80 метрни ташкил этган. Икки қавватли марказий бино деворининг қалинлиги 7 метр бўлган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра Қўйқурилган қалъа астрономик кузатиш, изланишлар олиб борилган илм қароргоҳи бўлган. Бинони ноёб қурилиш тизими, хоналарни мақсадга мувофиқ жойланишига кўра уни «Хоразм

Стоунхенжи» деб аташ мумкин. Хоразм маданиятининг ўзига хос ривожланиши кейинги даврларда ҳам давом этди. 2000 йиллар муқаддам Марказий Осиё — Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Шарқий Эрон ягона давлат ҳудудини ташкил этган. Қудратли Кушонлар империяси Орол денгизи бўйларида Ҳинд океанигача ястланиб, ўша даврнинг бошқа уч буюк давлати- Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бирга бир қаторда турди. Кушонлар империяси даври Шарқ ва Жаҳон маданияти ривожидан янги даврни ташкил этди. Кушон маданиятида қадимги Шарқ типидagi минтақавий цивилизация билан эллинизм маданияти анъаналари, Ҳиндистон маънавий ҳаётининг нозик қирралари билан Осиё кенгликларидagi даштликлар олиб келган ўзига хос услублар ижодий уйғунлашиб кетган эди. †

Кушон салтанатининг дастлабки манзил марказини Бақтрия ташкил этди. Иқтисодий асоси деҳқончилик бўлиб, мураккаб ирригация ва йирик суғориш иншоатлари барпо этилди. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг жадал ривожланиши шаҳарларни гуркираб ривожланишига, ғиштлардан бино этилган қалъа ва Саройларни қурилишига олиб келди. Бу пайтда Фарб мамлакатлари, ҳусусан Рим империясининг шарқий вилоятлари билан савдо алоқалари биринчи ўринга чиқди. Кушон подшоларининг тангалари Киев яқинида, Эфиопия, Скандинавия ва Рим империяси шаҳарларидан топилган. Савдо кўприкликдagi йўллар ва Ҳиндистоннинг Фарбдagi портденгиз орқали олиб борилган. Бу йўллардан хилма-хил буюмлар, жумладан Римга қандолат, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, гурч, зебу-зийнат ва жиҳозлар элитилган. Хитойдан шоҳ ва тери буюмлар, Римдан тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, ойна, қимматбаҳо металллар, турли винолар шу йўл орқали олиб ўтилган. Римнинг кўп миқдордagi олтин ва кумуш тангалари алоқага киритилган. ўша даврдаёқ сотиқнинг ушбу йирик халқаро артерияси «Буюк ипак йўли» деб ном олди.

Маданий юксалишнинг Кушон даври (Эр. I-IV асрлари) диний тизимларнинг ёнма-ён яшаши билан характерланади. Бунга маълум маънода кушон подшолари, айниқса Конишка ва Куннишка томонидан диний ақидаларга нисбатан сабр-қаноат ва ишонч-мурувват билан ёндошилганлиги имконият яратди. Канишка зарб этдирган тангаларда индус, зардушт, эллинлар худоларининг номи ва тасвирлари туширилган. Адолатгўй Митра ва ҳосилдорлик худоси Ордохши қудратли Вретрагна билан индусларни Шива, Буддасини, Гешос, Селена, Сфаписларни

кўриш мумкин. Буддизм давлат дини маконига эга бўлишига қарамай, Кушон империяси ҳудудида зардуштилик, жайнизм, шиваизм, манихейлик, олимп худоларига сизиши кенг тарқалган эди. Буддизмнинг тарқалиши маҳаллий дин ва санъатларнинг тутатилишини англамайди. Билакс, буддавийликни Бақтриядаги ихлосманд тарғиботчилари будда матнларини шунақаки ўзлаштириб, уни санскритдан таржимаси билан кифояланмай, уларни ўзларига талқин этдилар, унга қайта ишлов бердилар.

Марказий Осиё буддавийликни бугун Осиё-Хитой, Япония, Кореяга тарқатиш манзилгоҳини ташкил этди. Кушонлар даврида ёзувнинг турли тизимлари амал қилди. Арамей ёзуви асосида кушон-бақтрия алфавити, сўғд ва хоразм ёзуви ривожланди: Сурхқ Қоталда (Афғонистон) юнон алфавитидаги кушон ёзуви топилган. Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадан ҳиндларнинг Браҳма, Кхоратшха ёзувларидаги битиклар топилди. Кампиртепа эса (Сурхандарё) Марказий Осиёдаги энг қадимий, ноёб қўлёзма (Эрам. авв. II асрнинг I ярми) папирусдаги битик топилди.

Асримизнинг бошида Буюк Хитой девори минораларидан бирида топилган «кўҳна сўғд ёзуви» алоҳида қизиқиш уйғотади. Ёзув эрамизни 312-313 йилларида битилган бўлиб, унда Хитойдаги сўғд савдогарларининг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

Кушонлар санъати кўшни мамлакатлар ва халқлар санъатларига таъсир кўрсатувчи намуналарни яратди. Эр. I-IV асрлардаги бадий маданиятнинг асосий хусусияти Осиёга оламни англашга эллинистик таъсирни тафаккур тарозисидан ўтказишдир.¹ Халчаён (Эр. авв. I-э. ни I асрлари) — Кушон санъатининг илк ёдгорликларидан бири бўлиб ундан топилган асарларда кўпроқ ҳукмдор Герой Санат улуғланган. Қабулхона деворларининг юқори қисмидан ўрин олган лойдан ишланган ҳайкаллар мажмуида ҳукмдор ва аёнлари тасвирланган. Ҳайкал образлари ифодали бўлиб, унда тасвирланаётган образларнинг индивидуал белгилари кўзга ташланиб туради. Унда тантанавор руҳдаги қабул маросими ва жанг лавҳалари акс эттирилган. Марказда подшо хонадони ва унинг илоҳий ҳомийлари-Афина, Геракл, Ники образлари гавдаланган. Далварзинтепада топилган машҳур «шаҳзоданинг боши» ҳамда тупроққалъа ҳайкалларида эллинистик анъаналарнинг кучли таъсири сезилади. Подшолар залида эса эркак ва аёлларнинг монументал фигуралари қўйилган, подшо найза тутган жангчилари даврасида, зиёфат ва буғилар ови кўринишида тасвирланган.¹

(Диний мазмундаги санъат асарлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Далварзинтепадаги икки ибодатхонадан топилган тасвирий санъат намуналарида қадим ибодат тимсоли буюк она худо образи ифодаланган/Кўҳна Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадаги эҳромларини буддага дахлдор ёдгорликлар безаб турибди. Ушбу асарларда Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонга хос «гандхара услуби» устуворлик қилсада, унда маҳаллий санъат усталарининг юнон санъати анъаналари таъсирида ижод қилганлиги сезилиб туради. Бақтрия-Будда услубидаги буюк ижод намунаси Айритом шаҳридаги, эрамизнинг II асрига оид будда мажмуи безаклари бўлиб унда турли этник типдаги образлар галереяси берилган.

1 Кушон санъати Кушон империясидан кейин ҳам ана шу замонлар турли эллардаги, жумладан, Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Хитойлик санъат усталари ва ижодкорларини руҳлантириб келди. Кушон санъати анъаналари ифодаси Ҳиндистондаги Гупта давлатига хос ҳайкаллар, Сугдаги бўртма тасвир ва безаклар (Панжикент, Вурахива, Афросиёб), Шарқий Туркистон топилмаларида бир-биридан фарқланади. /

1Шундай қилиб қадимги Марказий Осиё маданияти тараққиёти мобайнида ўзига хос анъана ва ютуқларни сақлабгина қолмасдан, улкан миқтақада умумий қадриятларни вужудга келиши, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқа муносабатларини ривожлантиришга имконият яратиб маданий юксалишини янги сифат босқичига кўтарди. Қадимги Марказий Осиё маданиятининг ривож нуқтаси бўлган Кушонлар маданияти ҳудудий ва мазмун жиҳатидан айро олишган маданият эмас эди. У ўзида Шарқ, Марказий Осиё, Антик дунё ва ҳинд маданиятлари ютуқларини ўзида мужассам этиб, Шарқ ва Жаҳон халқлари маданиятини яна равнақ топишига асос бўлди.

Марказий Осиё антик бадиий маданиятининг муҳим услубий хусусиятини санъатлар сингези ташкил этган: ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, нақш бунда умумий меъморчилик расамалигаванинг ригмига бўйсунган ҳолда меъморчилик билан яхлитда намоён бўлади. Бу сингез Кушонлар даврида ҳам маҳаллий маданиятда ўз таъсирини сақлаб қолди. Кушонлар даври Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон халқлари тарихидагина эмас, балки бутун дунё маданиятининг тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Турли халқлар маданиятининг чатишиши натижасида бу ерда ўзига хос янги маданият шаклланди, шу билан бирга кейинги асрлар маданиятининг тараққиётига замин

бўлиб хизмат қилди. Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро таъсири янги тарихий босқичга қадам қўйди. Эллин маданиятининг анъаналари Кушонлар даврида ижодий жиҳатдан қайта шаклланди ва янгича талқин қилина бошлади.

Кушонлар империяси даврида (I-III асрлар) Марказий Осиёда суғорма деҳқончилик, ҳунармандлик, шаҳарсозлик, савдо-сотик ва иқтисодий алоқалар равнақ топди. Бунга Кушон-Бақтрия ёзувлари, браҳма ва кхарошҳи ҳинд алифбосидаги ёзувлар, кушон тангалари гувоҳлик беради. Буддизм диннинг расмий даражаси будда ибодатхоналарининг ўша замон санъати билан безатилишида намоён бўлади. Термиз яқинидаги Айритомдан топилган ибодатхона ташқи девори пешпоқларига сарғишроқ тошлардан ҳайкаллар ўрнатилган. Бино ичида гиштдан ишланган «Будда» ҳайкалининг қолдиқлари топилган. Ҳайкалларнинг ишланиш услуби, кийими, мусиқа асбоблари Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Юнонистон маданиятларининг ўзаро таъсирида ривожланганлигидан далолат беради. Буни Хоразм, Фарғона, Сўғд, Парфиядан топилган турли хил буюмлар, маданий обидалар, топилмалар тимсолида ҳам кўрсатиш мумкин. Кушонлар даврида шаҳарлар қурилиши кенг ривожланди. Шаҳарлар қалин деворлар билан ўралиб, ичида арк ва аркнинг атрофида ҳар хил бинолар қад кўтарган Сопол идишлар ниҳоятда нафис ва жарангдорлиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Амалий санъат кенг тараққий этган. Зеб-зийнат буюмлари меҳнат ва жанг қуроллари ясаш, мато тўқиш ривожланган. Умуман, Кушонлар даври маданияти Марказий Осиёнинг энг чўққиси ҳисобланиб, маълум ҳудуд ва замон билан чегараланмайди. Бу маданият Олд Осиё, Марказий Осиё, Антик ва Ҳинд маданиятлари ютуқларини ўзида жамлаб, қўллаб Шарқ халқларининг ўрта асрдаги маданияти ривожини учун асос бўлди ва жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

Таянч тушунчалар

Марказий Осиё, Қадимий цивилизация, руҳий қувват, суб-маданият, зардуштийлик, Авесто, Ахмонийлар, Юнон-Бақтрия, меҳроб, солнома, буддавийлик, оромий, Сўғд.

Мавзуни такрорлаш бўйича саволлар

1. Марказий Осиё ҳудудида қандай қадимги халқлар яшаган ва давлатлар мавжуд бўлган.
2. Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хослиги.
3. Марказий Осиё маданиятининг характерли белгиларини айтиб беринг.
4. Қадимги Бақтрия, Хоразм, Суғд давлатлари маданиятини тавсифланг.
5. Марказий Осиё маданияти ривожда Зардушгийлик ва «Авесто»нинг ўрни.
6. Марказий Осиёда маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсир жараёнини изоҳланг.
7. Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврга оид қандай ноёб ёд-горликлар топилган.
8. Қадимги даврда ёзув илм ва фанни ривожланганлигини кўрсатувчи қандай маълумотлар мавжуд.
9. Буюк Ипак йўлини Марказий Осиё маданияти ривождаги ўрни.
10. Жаҳон маданияти ривожланишида Марказий Осиё маданиятининг ўрни.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998 й.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
3. Древние цивилизации. М., 1989 г.
4. Ўзбекистон халқлари тарихи. Т., 1992 й.
5. Камалова Д. М. Узбекская художественная культура. Т., 1995 г.
6. Культура и искусство Древнего Узбекистана Каталог выставки. М., 1991г.
7. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. М., 1986 г.
8. Пугаченкова Г., Ремпель Л. Очерки искусство Средний Азии. М., 1982г.
9. Пугаченкова Г., Ремпель Л. История искусство Узбекистана., 1965г.
10. Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э. Северная-Бактрия-Тохаристан, Т., 1990 г.
11. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т., 1992 г.

9-мавзу ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ

Маъруза режаси:

1. Уйғониш даври тушунчаси. Уни даврлаштириш масаласи.
2. Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий-сиёсий омиллар;
3. Шарқ Уйғониш даврини ривожланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари.
4. Уйғониш даврининг Шарқ ва Ғарб маданияти алоқаларида тутган ўрни.

Шарқ Уйғониши, Шарқ Ренессанси ҳақида гап кетганда турли соҳа олимлари-тарихчилар, адабиётшунослар, маданиятшунослар ва санъатшунослар бу масалага бепарқ бўлмаганларидек, қарашлар ҳам асосан иккига бўлинади. Уйғониш атамаси (итальянча-французча-Renaissans-Уйғониш) ни даставвал шу маданият соҳиблари-италиян гуманистлари ишлатганлар. Жумладан италиялик ёзувчи Ж. Бакаччо бу атамани Джотто ижодига қарата, «у антик санъатни уйғотди» деб биринчи бор ишлатган эди. Бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъат тарихчиси Ж. Вазари (1511-1574 й.) тарафидан унинг «Машҳур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар» китобида (1550) тилга олинган. Бу тушунча биринчи пайтда антик маданият анъаналарини Италияда «минг йиллик ёввойиликдан сўнг» тикланишини англатиб, сўнроқ илмий тадқиқотларда кенг ишлатила бошланди. Я. Бурхарт Уйғониш (Ренессанс) ни алоҳида типдаги маданият деб баҳолади. Масалага қизиқиш ортиб, илмий изланишлар кўпая боргани сайин Уйғониш тушунчаси, бу давр маданиятининг хронологик ва географик чегаралари, уни даврлаштириш хусусида зиддиятли, турлича фикрлар билдирила бошланди. Й. Хейзинг ўзининг «Ўрта асрчиликнинг куз фасли» асарида Уйғониш даври-ўрта аср маданиятининг интихо даври деб ҳисобласа, бошқа олимлар Уйғониш даври янги давр маданиятининг бошланиши деб санайдилар. Кўпчилик олимлар Европа Уйғониш даврини классик тарзда даврлаштириб у XIV-XVI асрларга хос деб билсалар, бошқалар Уйғониш маданиятини бир мунча илгарироқ XII аср — Каролинглар Ренессансидан

бошлаб, Испания, Италия шимолидаги мамлакатлар (Шимолий Уйғониш) Уйғониш — XVII аср билан якунлайдилар.

1950 йилларнинг ўрталаридан эътиборан «Шарқ» Уйғониш даври масаласида жиддий мунозара баҳс келди. Хитой маданияти тарихи таҳлилида академик Н. Конрад Уйғониш даврини қадимги, ўрта асрлар сингари инсоният цивилизациясининг барча минтақаларига хос умумбашарий ҳодиса деб қарайди. Умумжаҳоний жараён ҳисоблаган Уйғониш Шарқда (Хитой) VI-VIII асрларда бошланиб, Ғарб сари силжиган ва XIV асрда Европа ҳодисасига айланган. Уйғонишнинг бундай талқинига қарши бу ҳодиса турли мамлакатларда минтақавий, айрим кўринишларда амал қилиши мумкин, лекин у умумжаҳоний феномен бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Уйғониш даври Хитойда (Конрад), Курияда (Тэн), Эрон-Тожикистонда (Брагинский, Никитин), Ҳиндистонда (Целишев), Туркияда (Меллов), Арманистонда (Чалоян), Озорбойжонда (Ғажиев), Грузияда (Нуцубидзе, Натадзе) кечканлиги ҳақида айрим маълумоталар келтирилади. Айни чоқда ҳар икки қараш тарафдорларини Европа Уйғониш даврини мутлақо бетакрор ҳодиса деб қаровчи муаллифлар (А. Лосев, М. Петров) жиддий танқид қиладилар.

Ўзбекистонда Шарқ Уйғониш даври масаласи маҳаллий материалларни умумлаштирган ҳолда етарли ишланмаган. Марказий Осиё минтақасидаги Уйғониш ҳақида гап борганда IX-XII асрлар аввало хорижий маданият ва қарор топган исломий этиъқолга нисбатан ривожланган ва бойиган қадимий маданият негизида миллий Уйғониш деб қаралмоғи лозим. Марказий Осиё узоқ йиллик тарихида кўп босқин ва талончиликларни кўрди, уларга қарши озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борди. Ҳақиқат шундаки, ҳар бир босқиндан сўнг миллий давлатчилик ва маданият тикланди. Мустақилликка интилиш гоёси ва ҳаракати ўзга халқлар томонидан яратилган маданиятларни инкори эмас. Марказий Осиё маданиятида умуминсоний аҳамиятга эга молик жамики маданият ютуқлари ижодий уйғунлашганидек, айни пайтда минтақа маданияти бошқа халқлар маданиятларига самарали таъсир кўрсатди ва уларни бойитди.

Мавжуд адабиётлар ва фикрлар таҳлили асосида Марказий Осиёдаги халқлар Миллий маданий Уйғонишни уч даврга бўлиши мумкин:

1. IX-XII асрлар- араб босқинидан кейинги давр.
2. XIV-XV асрлар мўғул истилосидан кейинги давр.
3. XX аср боши ва ҳозирги давр колониал босқин ва Совет давридан кейинги сиёсий, миллий, маданий Уйғониш.

Мустақиллик ва миллий маданият Уйғониш ҳодисалари моҳиятан, ички жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, бу хусусда акад. М.М. Ҳайруллаев шундай ёзади: «Мустақиллик ва Уйғониш, Мустақиллик ва юксалиш узвий боғлиқдир, у биздан ақл-идрокни, билимни, истедоду қобилиятни, фаолликни, куч-ғайратни талаб этади»¹⁶.

Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятининг белгилари қуйидагича:

- дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш;
- Турли халқларнинг маънавий-маданий мероси ўтмиш маданий қадриятларидан (араб, эрон, юнон маданияти бойликлари) фойдаланиш;
- Табиатни, мавжуд ҳаётни, мавжудотни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши;
- Билишда ақлни мезон деб билиш, ақлий билиш, рационалистик усул, илмийлик ролининг ошиб бориши;
- Инсонга муҳаббат, унинг ахлоқий, ақлий хислатларини, қобилиятларини ўрганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, манتيқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш, етук фозил жамоа ҳақидаги фикрларни асослаб бериш;
- Диний тасаввур, диний таълимотлар ривожда диний-ахлоқий мавзунинг устунлиги, инсон ҳуқуқи, манфаатларининг диний ғояларда етакчи мавзуга айланиши, ички маънавий камолот, Оллоҳга субъектив ички мукаммаллашув, маънавий-руҳий кўтарилиш, юксалиш ёрдамида эришув ва унинг сифатларига муяссар бўлишга қаратилган фаолият;

¹⁶ Ҳайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти., Т., 1994 й., 14-бет.

• Оғзаки ва ёзма сўзга катта эътибор, унинг ижтимоий-ахлоқий кудратини куйлаш, таърифлаш, шеърят, филология, бадий маданиятнинг юксак ривож, сўз санъати, риторика билан шуғулланиш маданийликнинг муҳим белгисига айланиб қолиши.¹⁷

IX-XII асрларда Марказий Осиё миштакасида маданият юксалиши парвоз босқичга чиққанлиги тўғрисида гап борар экан, айни шу ҳудуд жаҳонни ҳайратга солган буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги, илм-маърифат, бетакрор кашфиётлар бешиги- тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўстанлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Моңументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусавирлик ва мусиқа санъати беқиёс даражада ривожланган, кутубхоналар фаолият кўрсатган¹⁸. Ўша пайтда «Бухорода баланд тош деворлар билан ўралган саройлар, турли расмлар билан безатилган меҳмонхоналар, моҳирлик билан барпо этилган боғлар, ҳиёбонлар, ҳовузлар» мавжуд бўлганлиги ҳақида манбаларда қайд этилади. Абдул Вафо ал Бузжоний ўзининг «Геометрик қоидаларнинг ҳунармандларга керакли томонлари ҳақида» асарида турли геометрик усуллар ёрдамида ҳар хил нақшлар, бино безаклари яшаш йўллари, қурувчи усталарнинг тажрибалари, бадий усуллари ҳақида ҳикоя қилади. Бошқа манбаъларда бу даврдаги тасвирий ва мусавирлик санъати, ҳусусан портрет чизини ҳақида маълумотлар келтиради¹⁹.

Археологик қазилмалар ва қўлёзма манбаълардан маълум бўлишича ўша даврда мусиқа ва мусиқашунослик ҳам кенг ривож топган ва у математика илмининг таркибий қисми саналган. Мазкур даврнинг буюк олими Абу Наср Фаробий мусиқанинг назарий асослари, куйлар, асбоблар, мусиқа маданиятининг мезонлари, атамалари таҳлилига бағишланган «Катта мусиқа» китобининг муаллифидир. («Китоб ал мусиқи ал Кабир»). Ўрта аср мусулмон шарқи мусиқа назариясига

¹⁷ Ҳайруллаев М. Ўрта Осиёда ilk Уйғонш даври маданияти. -Т., 1994 й., 71-72 бетлар.

¹⁸ Пугаченкова Г. Ремпель П., История искусства Узбекистана. Т., 1965 г. 121 стр.

¹⁹ Культура Среднего Востока, Городостроительная архитектура, Т., 1989 г. 191 стр.

бағишланган ушбу китоб 2 қисм, 3 китобдан иборат бўлган. Фаробий «Катта мусиқа» дан ташқари «Мусиқа ҳақида сўз», «Ритмлар тартиби ҳақида китоб», «Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида» асарларининг ҳам муаллифидир.²⁰

Уйғониш даври маданиятининг буюк намоёндалари ўз ижод, изланишларида бевосита қадимги маданият меросга таяндилар. Аввалги маърузада Марказий Осиё халқларининг қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, ҳиндистонликлар ва хитойликларнинг маданияти билан яқиндан таниш бўлганлиги, бу тилларни яхши билганликларини қайд этган эдик. Юртни харобага айлантирган, маданий ёдгорликларни хонавайрон қилган, илм аҳлларини қувғин этган (Ибн Кутайба) араб босқинига қарамай, қадимги бой маданият исиз йўқолмади. Ислом бутун маданиятга, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтказган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизга хос эзгулик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, ҳайр-муруват, оққунгиллик, бағрикенглик, илмга ташналик, ўзга халқларга ишонч эҳтиром фазилатларидир. Юнон, Ҳинд, Хитой маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм аҳлигина ўзга халқларни бошқалар маданияти билан яқиндан таништириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам машҳур математик ал-Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб тизимини, Фаробий Юнонистонлик Арастунинг фалсафий таълимотини, Ибн Сино Гипократ тиббиётини янги даврда янги босқичга кўтарди, имом ал-Бухорий исломий таълимотни асослади Муҳаммад Пайгамбардан кейинги иккинчи шаҳсга айланди.

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликни қўлга киритган Сомонийлар шажарасининг биринчи ҳукмдорлари миллий маданий қадриятларни барқарор этмасдан туриб тўла давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Жумладан, она юрт мадҳи бу даврда шу даражага кўтариладикки, зардуштийлик эсланмай қолди. Араб ёзувида бадиий ижодни таъқиқламаган ҳолда, сомонийлар оддий халқ англайдиган тилда ёзган муаллифларни тўла қўллаб-қувватладилар. Сомонийлар

²⁰ Ҳайруллаев М., Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти, Т., 1994 й. 31 бет.

нафақат адабиёт аҳлига, барча олимларга ҳомийлик кўрсатиб, Шероз кутубхонаси билан рақобат даражасида бўлган улкан кутубхонани асосладилар. Улуғ аллома ибн Синонинг хотирлашича, кутубхона кўпхонали бўлиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари бошқасига фикҳга оид китоб таҳланган. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг маълум соҳасига доир китоблар жамланган.

Китоб ёзишнинг кучайиши, ҳаттотлик санъатининг, уни безаш, нақшлар билан кўркам қилиш мусаввирлик санъатининг ривож топишига олиб келган.

Умуман бу даврда қўлёзмаларни кўчириш, тайёрлаш, тўплаш маданий ҳаётнинг муҳим соҳасига айланган. Маълумки, асар фақат қўлда бир нусхадангина ёзилар эди. Босмахона эса бир неча асрдан сўнггина пайдо бўлган. Ёзилган асарни нусхасини кўпайтириш, бошқаларга етказиш, ундан нусха олиш зарур эди. Шунинг учун нусха кўчириш, асарни кўпайтиришга катта эътибор берилди. Аста-секин махсус нусха кўчириш санъати ва ҳунари шаклланди, шу туфайли бир жойда ёзилган асарларни бошқа шаҳар, ўлкаларида тарқатиш имкони вужудга келди.

Махсус нусха кўчириш билан шуғулланувчилар, ҳусни хат соҳиблари пайдо бўлиб, улар буюртма ёки сотиш учун асарлардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Китобдан нусха кўчириш, китоб савдосининг кенг йўлга қўйилиши ҳамда маърифат аҳлини тинимсиз фаолияти туфайли Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари кўпайди, китоб савдоси, уни тарқатиш билан шуғулланувчилар фаолияти кенгайди. Марказий Осиёга Бағдод, Миср, Эрон ва Испаниянинг турли шаҳарларидан қўлёзмалар келтирилиб, юртдошларимизнинг қўлёзма асарлари бошқа ўлкаларга олиб кетиладиган бўлди²¹.

Таянч тушунчалар

Уйғониш даври, Ренессанс, Мусулмон маданияти, Қорахонийлар, Самонийлар, миниатюра, мусаввирлик, ҳаттотлик, қўлёзма.

²¹ Ҳайруллаев М., Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти, Т., 1994 й., 33 б.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

1. Уйғониш даври тушунчаси ва Шарқ уйғонишининг ўзига хослиги.
2. IX–XII асрларда Марказий Осиёда маданият равнақининг омиллари.
3. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари.
4. IX–XII асрларда Ўзбекистон ҳудудида амал қилган илмий маърифий марказлар.
5. Марказий Осиё мутафакрларининг Араб дунёси ва жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси.
6. IX–XII асрларда адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшнаши.
7. IX–XII асрларга оид машхур меъморчилик ёдгорликлари.
8. Ҳозирги даврда маданий меърос ва ўтмиш анъаналарини тиклаш юзасидан амалга оширилаётган асосий тадбирлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият, Т., 1994 й.
2. Художественная культура Средней Азии. IX–XIII веков, Т., 1983 г.
3. Пулаченкова Г.А. Очерки искусство Средней Азии. М., 1986 г.
4. Мерос. Т., 1991 й.
5. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда ilk уйғониш даври маданияти. Т. 1995
6. Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Т. 1995 й.
7. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али Ибн Сино. Т., 1987 й.
8. Қаюмов А. Аҳмад-ал Фарғоний. Т. 1991 й.
9. Ҳамидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. Т., 1995 й.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993 й.
11. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар I-жилд Т., 1968 й.
12. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т., 1997 й.
13. Хўжа Самандар Термизий. Дастур-ул-мулк. Т., 1997 й.
14. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Т., 1993 й.
15. Ватан тарихи Т. 1997 й.
16. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т. 1991 й.
17. Усмон Ориф. Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. Т. 1993 й.

10-мавзу
ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ
(XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XV АСР)

Маъруза режаси:

1. *Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тараққиёти.*
2. *Меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат.*
3. *Илм-фан ва адабиёт.*
4. *Санъат, фалсафа ва дин.*

1. Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданиятида алоҳида даврни ташкил қилади. Маданият тарихида классик давр ҳисобланган бу давр хусусан, ўзбек маданиятининг бугунги ҳуқуқий жойлашувида асос бўлиб хизмат қилади. Аввало, бу давр маданияти Темур асос солган кучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик равнақ топди. Мамлакат ва пойтахт Самарқанднинг ободончилиги йўлида маҳаллий ва чет мамлакатлардан кўплаб фан ва санъат аҳллари, ҳунарманд меъморларни ва мусаввирларни тўплади.

Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берди. Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга боғлиқлигини яхши тушунган Темур Ангор каналини қазирди ва Мурғоб водийсида суғориш ишларини йўлга қўйди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари оқар сув билан таъминланди. Лалмикор ерларда ариклар қазилди. Деҳқончиликда донли экинлар, пахта, зигир экилган. Бўёқ учун рўян ўсимлиги, Шунингдек пиллачиликда тутлар кўп экилган. Узум, лимон етиштирилган.

Улуғбек даврида Боғи майдонда турли ўсимликлар экилиб, Боғча номли боғ барпо этилган. Темур Самарқанд атрофида Бағдод, Султония ва Шероз номли қишлоқлар қурдиради. Темур ва Улуғбек даврида қўйчилик ва йилқичиликка алоҳида эътибор берилган.

Тоғ-кон ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданлар қазиб олиниши туфайли ҳунармандчилик ривожланган.

Ободончилик, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа-ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик тармоқларининг кўпайиши туфайли шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин тутган.¹ Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохруҳия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида янги ҳунармандчилик маҳаллалари қурилиб, савдо марказига айланди. Ип, жун, каноп толасидан газмоллар тўқилган. Ипақдан шойи газламалар атлас, кимхоб, банорас, дуҳоба, ҳоро, дебо каби газмоллар тўқилган.¹

¹ XV-асрда металл буюмлар- уй-рўзғор буюмлари, асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуролсозлик марказига айланиб, совутозлар маҳалласи қурилган.¹ Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фармони билан Уста Иззоддин Исфаҳоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган.¹ Мисгар ва чилангарлар металлни тоблаш, қуйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.¹

Масалан, Бибихоним масжиди эшиклари етти хил маъдан қотишмадан тайёрланган. Заргарлар олтин, кумуш ва жез қотишмаларидан нафис зеб-зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва кумуш гардишли, қимматбаҳо тошлар қадалаган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар ишланган.

(Кулолчилик энг сертармоқ соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадий ранг-барангликда турли соҳаларда ишлатилган ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошликда нақш, хаттотлик кенг қўлланила бошланган. Бинокорликда ғишт терувчилар «Банно», пештоқ, равоқ ҳамда тоқларга парчин ва чироқ қопловчи пардозчилар «Устоз» дейилган.

(Самарқандда шишасозлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалган. Қурилишда рангли ойналардан фойдаланилган. Ёғоч ўймакорлигида нақшдин бинолар қурилган ва буюм жиҳозлар ясалган. Самарқанд қоғози ҳатто чет ўлкаларда машҳур бўлган.)

Бу даврда ҳунармандчилик моллари ишлаб чиқарадиган корхона бошлиғи «Уста» шогирдлар «Халфа»лар бўлган. Ҳунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақасига мансуб бўлган.

ривожландики, бундай алоқалар маънавий бойликларни ўзаро алмашишга кенг йўл очиб берди. Эрон, араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан бўлган алоқаларда маданий бойликлар алмашинуви ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Тўртинчи – ғоявий омил – бу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлса-да, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва ўз даври маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу XV асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган тасаввуф – хусусан Нақшбандия таълимотидир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абду Холиқ Ғиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган Нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ўйнади, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун ғоявий асос, омил бўлиб хизмат қилди. Темур ва темурий шаҳзодалар, кўп олим-фозиллар, хунармандлар нақшбандия таълимотидан озуқа олдилар, ўз фаолиятлари, ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар.

XV асрда яшаб ижод этган Нақшбандия таълимотининг йирик вакили Хўжа Аҳрор Вали фақат маданий ҳаётдагина эмас, сиёсий-иқтисодий тинчлик ва ривожланиш ишида муҳим ижобий роль ўйнади.

Бу каби омиллар Темур ва Темурийлар даври маданияти ва маънавиятининг тез ва юксак даражада кўтарилишига олиб келдики, унинг ютуқлари сўнгги узоқ асрлар давомида маданий ривожланиш учун озуқа бўлди.

XIV-XV асрларда маънавий-маданий ривожланиш ислом диний қарашларининг мустаҳкамланиб бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳукмрон мафкура сифатида мадрасаю масжидларда кенг ўқитилиб, ўрганилиб, қонун-қоида, одат, анъаналар эса шарият асосида олиб борилар эди|«Темур тузуклари» да дин арбоблари, шайх, сайид, уламолар фаолиятига алоҳида ўрин ажратилиб, уларнинг давлат ишларидаги иштироки махсус ва бир неча қайд этилиб ўтилади. Лекин бу даврда шу билан бирга халқ орасида, айниқса, зиёлилар, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи илм-фан, санъат, маданият ходимлари ўртасида ўз даврида ислом қоидаларини замона талаблари, ижтимоий юксалиш заруратлари асосида талқин этишга интилиш натижа-сида юзага келган тасаввуф таълимоти кенг тарқалади.

Марказий Осиёда XI асрдан бошлаб ёйила бошлаган тасаввуф таълимоти бу даврга келиб Мовароуннахр ва Хуросонда кенг тарқалиб, унинг яссавия, кубровия, қодирия ва айниқса нақшбандия тариқати маънавий ҳаётда катта роль ўйнайди.

Нақшбандия тариқати Юсуф Ҳамадоний, Гиждувоний ва XIV асрга келиб Баҳовуддин Нақшбанд номи билан узвий боғлиқ бўлиб, бу таълимот XV асрда назарий ва амалий жиҳатдан янада ривож топиб у сарой аҳли, кўп ҳолларда темуррийзодалар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.

Амир Темурнинг ўзи ҳам мутасаввуф олимларга катта ҳурмат билан муносабатда бўлиб, тасаввуфнинг нақшбандия сулуки тарғиботчиларидан сайид Мир Кулолни (Шамсуддин Фохурий, вафоти 1371 й.) ўзига пир деб билган. Шунингдек, турли ўлкалардаги йирик мутасаввуфларга ҳам ҳурмат кўрсатган. Унинг Ҳамадония тариқатига асос солган йирик мутасаввуф Сайид Ҳамадоний билан учрашиб суҳбатда бўлганлиги, 1398 йилда Туркистоннинг Ясси шаҳрида йирик мутасаввуф Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат этганлиги, уни таъмирлатиб, устига олий бино қуришни буюргани тарихий манбаъларда кўрсатиб ўтилган.

«Тузуклар»да: «... машойихлар, сўфийлар худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб кароматлар кўрдим», - деб ёзади Амир Темур.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалаётган тасаввуф таълимотининг Суфи, Порсо, Чархий, Махдуми Аъзам, Хожа Аҳрор каби йирик вақлари нақшбандия тариқатига оид қатор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши йўлида фаол хизмат қилдилар, таниқли арбоблар билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказдилар. Бу жиҳатдан, айниқса, Хожа Аҳрор фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Навоий, Жомий, Қосимий, Лутфий, Бобур каби шоирлар тасаввуфни тарғиб қилдилар.

↑ Бу даврда тиббиёт илми ҳам ўзининг йирик намоёндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вақилларидан Бурҳониддин Нафис ибн Эваз ҳаким ал—Хирмоний, Султон Али табиб Хуросоний, табиб Ҳусайн Жарроҳ шулар жумласидандир. ↓

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фалсафа фанлари билан шуғулланган йирик олимлар пайдо бўлди. Бу фанларнинг ривожини, асосан икки йирик мутафаккир Саадиддин

бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Журжоний ва Тафтазонийлардан ташқари, Самарқандда ўша даврда Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Муншӣй, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол ҳоқий ва бошқа олимлар яшаб ижод этганлар. Ўз даврининг илғор ижтимоий ва ахлоқий фикрлари бадиий адабиётда, тасаввуф шеъриятида, назм ва назрда, ғазал ва рубоийларда муфассал баён қилина бошланди. Навоий, Жомий, Лutfий, Биноий, Қосими Анвар ва бошқаларнинг бадиий асарлари бой фалсафий ва ахлоқий мазмунга эгадир.

Бу даврда ахлоқ ва таълим-тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисолалар пайдо бўлдики, уларнинг орасида Хусайн Воиз Кашфий ва Жалолиддин Давонийларнинг мероси алоҳида ўрин эгаллайди.

{Темур ва Темурий шаҳзодалар ўз даври тарихини ёзиб қолдириш, Мовароуннахр ва Хуросоннинг мўғуллар зулмидан озод этилиши тарихини ўрганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофиз Абру, Натанзе, Фосиҳ Хавофий, Мўйиниддин Исфизорий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар даври тарихини ёзиб қолдирдиларки, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳозирда биз учун ўша давр ҳодисаларини, маданий юксалишини ўрганишда, муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда¹. /

Илм фан ва адабиётнинг ривожини китобат санъати, янги қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш, хаттотлик, мусаввирлик, лавҳа чизиш, муравозлик каби санъатлар тараққиётига ҳам ижобий таъсир қилди. Нафис китоб ва хаттотлик XIV-XV асрларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. хаттот Мир Али Табризий (1330-1402) настаълиқ хатини кашф қилди. Бу усул Ҳиротда Султон Али Машҳадий бошчилигида юксак босқичга кўтарилди ва Абдурахмон Хоразмий, Султон Али Хандон, Мир Али Қилқалам, Ҳалвоий, Рафиқий каби хаттотлар, мусаввирлар етишиб чиқди. Самарқанд ва Ҳиротда темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Бу кутубхоналар ҳунармандчилик қорхонаси ҳисобланган, уларда қўл ёзма асарларни тўплаш ва сақлаш ишлари бажарилган.

¹ Маънавият юлдузлари. Т., 1999 й., 15-20 бетлар.

XIV-XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва ҳофизлар етишди. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхӣй, Хусайн Удий, Шоҳқули Ғижжақий, Аҳмад Қонуний, Юсуф Андижоний кабилар шулар жумласидандир. Улугбек, Жомий, Навоий ва Биноийлар мусиқа илмига оид асарлар ёзиб янги куйлар ижод қилдилар. IX-XII асрларда шаклланган 12 мақом бу даврда такомиллашди. Шунингдек, кенг оммага мўлжалланган театрлашган томошалар- халқ сайларида масҳарабозлар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар ўз санъатини намоиш қилган.

Темур ва темурийлар даври маънавий ҳаётида диний фалсафа катта ўрин тутди. Сўфийлик тариқатида Нақшбандийлик ривожланиб, барча ижтимоий-маънавий соҳаларга ўз таъсирини кўрсатди. Баҳовуддин Нақшбандий бу тариқатни бойитиб, бағодир мартабасига эга бўлган каромат соҳибиди. XV асрда Нақшбандия тариқатининг давомчиси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордир. Самарқандга келган Хожа Аҳрор Валини темурийлар ўзларига пир деб билади. Хожа Аҳрор Нақшбандия Хожагон тариқатининг йўналишини белгилаган ва ижтимоий фаолиятдан ташқари ижодкорлик илми билан ҳам шуғулланиб бир неча асарлар ёзган.

Ўрта Осиёда Темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётининг тамал тошини Буюк соҳибқирон Амир Темур қўйган эди.

Таянч тушунчалар

Амир Темур, салтанат, Боғдод, Султония, Бибихоним, Карвонйўли, масжид, мақбара, Мовароуннаҳр, Регистон, наставлик, тасаввуф, Нақшбандия, тузуқлар.

Мавзунинг такрорлаш учун саволлар

1. Мовароуннаҳрда XIV-XV асрларда маданият равнақининг омиллари ва шарт-шароитлари.
2. Темурийлар шаҳарасини жаҳон тарихида энг маърифатли шаҳара эканлигини мисоллар билан тушунтиринг.

3. XIV-XV аср Мовароунахрдаги маданий юксалишнинг асосий белгилари.

4. Темур ва Темурийларнинг маданий сиёсатида меъморчиликнинг ўрни ва аҳамияти.

5. Ўзбек адабиёти равнақида Навоий, Бобурларнинг роли.

6. Камоллидин Бехзод ижодининг тасвирий санъат ривожига аҳамияти.

7. Улуғбек илмий мактабининг ютуқлари нимада? Ва унинг жаҳон фани учун аҳамияти.

8. Темур ва Темурийлар даври маданиятининг ҳозирги шароитдаги аҳамияти.

9. Темур ва Темурийлар маданий меросини тиклаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т. 1986 й.
2. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. 1996 й.
3. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Т. 1996 й.
4. Абдураҳмонов А. Улуғбек ва унинг расадхонаси. Т. 1996 й.
5. Аҳмедов Б. Темур. Т. 1995 й.
6. Аҳмедов Б. Улуғбек. Т. 1994 й.
7. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Т. 1996 й.
8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т. 1992 й.
9. Ибодов Ж. Матвиевская. Улуғбек шоғирди – Али Кушчи. Т. 1994 й.
10. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т. 1996 й.
11. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли. Т. 1993 й.
12. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида.
13. Темурнома. Т. 1990 й.
14. Темурнинг меъморий мероси. Т. 1996 й.
15. Темур ва темурийлар салтанати. Т. 1996 й.
16. Тўхтаев И. Темур ва темурийлар тангалари. Т. 1992 й.
17. Файзиев Т. Темурий маликалар. Т. 1994 й.
18. Усмонов О.К. Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. Т. 1977 й.
19. Қаюмов А. Алишер Навоий. Т. 1991 й.
20. А. Ҳайитметов. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т. 1996 й.

11-мавзу XVII-XX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИ

Маъруза режаси:

1. Марказий Осиеда мустақил хонликларнинг вужудга келиши ва маданиятнинг аҳволи.
2. Мустақил хонликлар ва амирликнинг ўзаро маданий алоқалари.
3. Марказий Осие маданиятига Рус ва дунё маданиятининг таъсири.

Марказий Осиеда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунёга машҳур бўлди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда хунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди. Бу даврда хунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осие, Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан совда-сотик дипломатик алоқада бўлган. XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан анча ривожланди. Адабиёт, тарих, меморчилик ва тасвирий санъат ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтди. Ҳасан Бухорий Нисорий (1566) нинг «Музаққир ул-аҳбоб» ва Мутрибийнинг (1604) «Тазкиратуш-шуаро» номли адабиёт антологияси бунинг яққол ифодасидир. Бу қомусий антологияда юздан зиёд адабиёт арбобларининг ижодлари ва таржимаи ҳоллари ўрин олган. Мамлакатда хунар ва савдо ишларининг ривожланиши илм аҳлининг ижтимоий доираси кенгайишига таъсир кўрсатди. Мутафаккир Зайниддин Восифий 1512 йил Самарқандда бўлганда базми мушоираларда қосиб, шоирлар, савдогарлар ва оддий кишиларнинг маъракаларда фаол қатнашиб турганлигини баён қилади. Уларнинг аксарияти шеър ёзиб турганлиги ўша давр табақаларининг маданий жиҳатдан юксак савияда эканлигидан далолат беради. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки кўплаб адабий ва тарихий асарлар ўзбек тилида ёзилди. Муаллифи номаълум «Нухратнома» Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарлари ўзбек тилида ёзилган. Бундан ташқари машҳур тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг тарихий асарлари хусусан «Зафарнома»си, Улугбекка бағишланган «Мунтахаби жоме ва товориҳи шоҳий» деган асарлари ўзбек ти-

лига ўтирилди. Шайбонийлар даврида фаннинг қатор тармоқлари ривож топди. 1693 йилда Амин Аҳмад Розий «Ҳафт иқлим»- етти иқлим деган жуғрофи-биологияга оид луғат тузди. Унга Мутрибийнинг дунё харитаси илова қилинади. 1541 йилда Муҳаммад Ҳусайн ас-Самарқандий тиббиёт ва фармакологияга оид илмий асар ёзади. У кўз табиби шоҳ Али ибн Сулаймон Наврўз Аҳмаджон ҳузурда ишлаб, касалликлар ҳақида «Табиблик дастурул-амали» рисоласини битади. Муסיқа илмига оид бухоролик Навқабийнинг асари ҳам XVI асрда бу санъат ривожидан дарак беради. Бундан ташқари хаттотлик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳирвий, Маҳмуд Али Шиқобий каби ҳусни ҳат усталари ҳам ижод қилган. 1586 йилда Дарвеш Муҳаммад Бухорий қаллиграфия санъати назариясига оид асар ёзади. Шунингдек кўплаб қўлёзмалар миниатюралар ва суратлар билан безатилди. Тарихий ва адабий асарлардан «Фатхнома» Тарихи Абулхайроний, Навоийнинг асарлари шулар жумласидандир. «Миниатюраларда Марказий Осиё моддий маданияти акс эттирилади ва рассомлар воқеликни реалистик тасвирлашга интилади. Жалолиддин Юсуф, Келди Муҳаммад ва бошқалар расомчилик санъатига улкан ҳисса қўшади.

[Хонликлар даврида қурилиш иншоотлари турлари янада тақомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (карвонсаройлар, кўприклар, сардобалар, ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаси ўзгаради, ҳунармандлар уюшмалари вужудга келади. Бухоро шаҳри баландлиги 10 метрли девор билан ўралиб, шаҳар дарвозалари қурилди, йирик бинолар қуришда (Миср Араб мадрасаси, Хўжа Зайниддин масжид-хонақоси) халқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Шаҳар ташқарисиди ҳам монументал бинолар (Чорбакр) қурилди. Жомеъ масжидлари сарой каби серҳашам қилиб, мадрасалар пештоқли, минорали тарзда қуриб, ҳовлилари тўрт томондан айвон ва ҳужралар билан ўралди. Бухоро ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бунга гувоҳлик беради.]

Бинолар безашда майда ўсимлик-нақшли парчинлар ишлатилди. Деворларга гуд териш каби Темурийлар давридаги усуллар ривожлантирилди. Қабр тошлари ясашда юксак бадий даражада тошларга ёзувларни ўйиб битиш ривожланди. (Шайбонийхон қабр тоши ва Чилдухтаронда Абу Саид қабрига

қўйилган тошлар). Хуллас, бу даврнинг кўпгина бетакрор маданият соҳалари ўз сирларини мукаммал сақлаб келмоқда.

(Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ўртасидаги низолар бўлиб турсада, маълум даражада деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик давом топди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши кўпроқ сарой доирасида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди. Гарчи ўз даври тарихнавислиги ўша хонлик ва амирликдаги сиёсий воқеалар салномасини ифодалайди, ўша давр руҳи акс этганлиги билан тарихий аҳамиятга эга. Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшан-ул мулк», Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи Амир Насрулло», Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифнинг «Тарихи амир Ҳайдар», Муҳаммад Ҳакимжон Тўранинг «Мунтахабул таворих» каби асарлари диққатга сазовордир.

Кўқон адабий муҳити кўплаб шоир ва шоиралар ижоди билан бойиди. Кўқон хони Умархоннинг ўзи «Амирий» таҳаллуси билан ўзбек тилида ғазаллар ёзган. Унинг рафиқаси Моҳларойим «Нодира» таҳаллуси билан форс-тожик тилида «Макнуна», «Комила» таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Эри Умархон вафот этгач, Нодира давлат ишларига ҳам аралашиб, мамлакат хўжалигини яхшилаш, маданий ҳаётни жонлантириш бўйича муҳим тadbирларни амалга оширди. Кўқонда мадрасалар, карвонсаройлар, расталар, йўллар қурдирди. У ўз атрофига Увайсий, Маҳзуна каби қобилиятли ижод аҳлини тўплади. Бу даврда Фазлий Намангоний Мушриф, Мушфиқий каби шоирлар ижод қилган. Мушфиқий Бухоро амири Абдуллахон саройида «Маликуш-шуаро» унвонига эга бўлган бўлса, Фазлий Намангоний Кўқон шоирларига бошчилик қилган, Умархоннинг топшириғи билан Фазлий ва Мушриф томонидан «Мажмуат-уш-шуаро» тўплами тузилади. Бу даврда Кўқонда Худоёрхоннинг сарой арки, Хивада турли обидалар қурилди.

Тахминан XVII асрда яшаб ижод қилган шоирлардан бири Турди Фароғий ҳақида маълумот берувчи асосий манба шоирнинг ўз асаридир. У юз уруғининг оқсоқолларидан бири сифатида Абдулазизхон саройида эътиборли кишилардан бўлган, кейин саройдан четлаштирилган.

XVIII аср охирида Кўқонда туғилган шоир Маҳмур оғир шароитда яшаб, саройда аскарлик қилган. У амалдорлар ва сарой шоирлари билан чиқишолмай, саройни ташлаб кетади. Маҳмур қийинчиликда ҳапалак қишлоғида 1844 йилда вафот этган. Унинг шеърлари ичида «Ҳапалак» ҳажвий асари машҳурдир.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Фарғонада Муҳаммад Шариф-Гулҳаний таҳаллуси билан танилиб, ажойиб лирик шеърлар, масаллар ёзди. Унинг «Зарбулмасал» асари қаҳрамонлари қушлар бўлиб, шоир улар орқали сарой аёнларининг кирдикорларини фош этади. Яна бир Қўқонлик шоир Ғозий ҳам ўз асарларида зодгонлар ва руҳонийларни фош қилади. XIX асрнинг 30 йилларида Шаҳрисбзда шоир Ҳиромий ҳинд, форс адабиётида машҳур бўлган «Чор дарвеш» ва «Тўтинома» ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилади халқ дostonлари «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зуҳро» «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад» ва бошқа дostonлар вужудга келди. Шаҳар майдонларида қизиқчи ва кўғирчоқбозлар, ўйинчи санъаткорлар халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳаларни ўйнаб, томоша кўрсатар, бойлар ва сарой аҳлини очкўзлигини фош этиб, устидан қулар эди.

Бу даврда Марказий Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: куйиси- мактаб ва олий- мадраса. Бошланғич мактабда савод ўргатилар ва диний матнлар ёдланар эди. Мадрасада ҳам илоҳият ўқитилар, шунингдек араб тили сарфу наҳви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр ва ҳандаса асослари ўргатилган. Бундан ташқари Хофиз, Бедил, Навоий асарлари ўқитилган.

Уша давр шоирлари, фан арбоблари мусиқани чуқур тушунганлар. Мусиқа санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган Мавлоно Муҳаммадин Муғанний, Мавлоно Кавкабий, Хўжа Муҳаммад, Ризо Самарқандийнинг номлари бизгача етиб келган.

Бу даврдаги меъморчилик ёдгорликлар ҳажми ва пардозининг жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Самарқанддаги Регистон майдони шу даврда шаклланди. Шердор мадрасасининг олд пештоқида рангин кошнлар билан чекилган бир жуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи «тилла билан пардозланган» деган маънони беради. Деворлардаги ажойиб нақшу нигорлар ва ички деворлардаги тўқис тилла безаклар жуда нафис ишланган.

XVIII аср охирларидан Хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллақулихон мадрасаси, Раҳмонқули иноқ саройи ҳажм жиҳатидан анча маҳобатли қурилган. Қўқон хонлиги меъморчилигида ранг-баранглик ва ёрқинлик, пардоздаги кошнларнинг ёрқин товганиши каби хусусиятлар айниқса Худоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида меъморчилик ҳажм жиҳатдан ихчам бинолар, гоҳо безак-пардозлардан бутунлай ҳолилиги билан кўзга ташланади. Хонликлар ва амирликда меъморчилик қурилишида ва безакда ўзига хослик ҳам сезилади. Фарғона уйлари кенгковул ва айвонли, гулдор тоқчалли, ўйма ганчли, шифтлари нақшу нигорли қилиб қурилса, Самарқанд ва Бухоро уйлари учун чиройли қўринишдаги устунли айвон, гириҳ ва ислимий нақшлар туширилган девор ва ганч ўймакорлиги хосдир. Хива ўйлари ташқи ва ички шаклда қурилиб, айвони ичкарига қараган, устунларига ўйма нақшлар чекилган, мураккаб шаклдаги гуллар билан безалган.

XIX аср бошларида меҳнаткаш халқнинг турмуш маданияти паст даражада эди. Хонликларнинг ўзаро урушлари ҳўжалик ва маданий ҳаётни издан чиқарди. Бу ҳол Чор Россиянинг хонликларни босиб олишини осонлаштирди. Россияда сармоядорлик саноатининг ўсиши янги бозор савдосига ва хом ашё манбаларига бўлган талабни оширди. Россия Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий аҳоли рус ва Россиянинг бошқа халқлари билан алоқа ўрнатишга мажбур бўлди. Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги техникалари кириб кела бошлади. Ўз ўрнида Россия ва Европа маданияти элементлари кириб келди. Рус тузем мактаблари очилди. Типография ва литографиянинг пайдо бўлиши маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Аввал рус тилида, сўнгра маҳаллий тилларда газета, журнал ва китоблар чоп этила бошлади.

XIX асрнинг 80 йилларида А.С. Пушкин ва И.А. Крылов асарлари илк бор ўзбекчага таржима қилинди. 1880 йилда Тошкентда жамоат кутубхонаси очилди. 1870 йилда расадхона ва кимёгарлик тажрибахонасига асос солинди. Илмий жамиятлар тузилди, тарихий ва археология музейлари очилди.

Ўлка табиий бойликларини ўрганиш ишига рус олимлари ҳам қизиқа бошлади. 1870 йилда табиат, антропология ва этнография ҳаваскорлари рус жамиятнинг Туркистон бўлими очилди. Н.А. Северцов, И.В. Мушкетов, В.П. Федченко, В.Ф. Оманин сингари олимлар бу жамият аъзолари эди. Рус жуғрофи Ф.П. Литко 1873 йилда Тошкент фалакшунослик ва табиатшунослик расадхонаси ташкил этилишга ҳисса қўнди. П.П. Семёнов Тянь-Шанский Тонгригоф тизмалари таркиби ва тузумини ҳақида маълумотларни чоп эттирди. А.П. Федченко Фарғона водийсининг ўсимлик дунёсини тадқиқ қилди. И.В. Мушкетов ва Г.Д. Романовский Туркистон ўлкасининг ер

устки харитасини туздилар. И. В. Мушкетов олгин, темир маъдани, қорамой, кўмир каби қазилма бойликларни аниқлади. Академик В.В. Бартольд ўлка тарихи ва эл-эллатини ўрганиш асосида кўплаб китоблар чоп қилди.

Рус маданияти таъсирида халқ маърифатпарварлари шаклланди. Улар В. И. Герцен, Н. Т. Чернишевский, Н. В. Добролюбовлар таъсирида халқ озодлиги масаласини кўтариб чиқдилар. Ўрта аср қолоқлигини тутатиш, таълим-тарбиянинг илғор усулларини жорий қилишни ўз асарларида кўйлаган Фурқат (1858-1909) мисол тариқасида рус мактабларини кўрсатди. У А. С. Пушкиннинг бир қанча шеърларини ўзбекчага таржима қилди. Муқимий (1850-1909) ўзининг ҳажвий шеърларида халқ оммасининг буржуазия томонидан эзилишини фош этди. Завқий (1853-1921) ўз шеърларида ижтимоий адолатсизликни қоралади.

XIX аср Туркистон адабиёти икки йўналишда ривожланди. Шоҳлик ва сарой муҳитини куйловчи адабиёт, ҳамда зўровонликка қарши норозиликни ва қолоқликни тутатишга қаратилган тараққийпарвар халқ адабиёти. Умуман, Рус ва дунё маданияти таъсирида меҳнаткаш халқ билан боғлиқ Туркистонда миллий маданиятнинг ривожланиш жараёни кучайиб борди.

У мусулмонлар ва қолаверса туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлиги, бу ғоят хавfli ҳолга барҳам бериш кераклигини ҳамда умумтуркий қавмлардаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатларга тенглашиш зарурлигини биринчи бўлиб туркий крим-татар халқининг улуг фарзанди Исмоил Фаспирали (1851-1914) тушуниб этди. У жадидчилик ҳаракатининг бугун турк дунёсидаги «ғоявий отаси»га айланди.

Мусулмон туркий оламини жаҳон маърифати, илми даражасига кўтариш ғоясини амалга ошириш мақсадида Россияга мустамлака бўлган барча мусулмон ҳудудлар маорифини мутлақо ислоҳ қилиш уларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди. Исмоил Фаспиралининг ғояларини ёйишда «Таржимон» газетасининг хизмати жуда катта бўлди. 1888 йилда унинг «Раҳбари муаллимин» ёки «муаллимларга йўлдош» китобининг нашрдан чиқиши муҳим воқеа бўлди. У Бухоро, Туркистонга келиб жадиd мактабларини очишга уринади. Унинг шоғирдлари Бухоролик Маржоний, Домла Фозил, Мўминхўжа Вобқандий, Мулла Худойберди Бойсуний Бухорода жадиd мактабларини кўнайгиришга уринадилар. 1904 йилда «Мазаффария» жадиd

мактаби очилади. 1898 йилда Кўқонда Салоҳиддин домла иккинчи жаҳид мактабига асос солди. Шу йили Тўқмоқда ҳам шу типдаги мактаб очилди. 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жаҳид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жаҳид мактаблари бор эди.

Аср бошида жаҳидлар зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидоийлик билан киришдилар. Уларнинг бошида М. Беҳбудий, А. Авлоний, С. Айнӣ, А. Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққиёпарвар инсонлар турар эдилар. Улар доимо қувғин, қамоқ, сургун каби хавф-ҳатарлар бошида чарх уриб турган ҳолда иш олиб боришга мажбур бўлдилар.

Шулардан Тошкент жаҳидларининг отаси сифатида зиёлийлар орасида катта обрў-эътибор қозонган Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг хизматлари жуда катта бўлди.

XX аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жаҳид» мактаблари очилди. Уни битирганлар орасида Туркистон маънавий-маърифий дунёсини миллий уйғонишига кучли ижобий таъсир қиладиган зарбардаст намоёндалар ажралиб чиқди. Унинг биринчи қалдирғочлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддиқий Ажзий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий, Муҳаммадшариф Сўфизада, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айнӣ, Ҳ. Ҳ. Ниёзий каби ўнлаб улуғ зотлардир. Жаҳидлар мактаб ва маърифатдан бошланган фаолиятини сиёсий қиёфа касб этгунча қадар давом қилдириб, Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишга уриниш билан энг юқори поғонага кўтарилдилар.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи даврда феодал тузум ва тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Европанинг турли тилларини ўрганишни тарғиб қилиш, янгича илм-фаннинг аҳамиятини кўтариш каби масалалар олға сурилди. Аҳмад Доғиш, Аваз ўтар, Фурқат, Муқимий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Иккинчи босқичда маърифатчиликдан жаҳидизм ўсиб чиқдики, у эндиликда янгича таълим-тарбия, янги усул мактабларини йўлга қўйиш, дунёвий илмларни ҳар томонлама эгал-

лаш маориф-маданиятда янги тартибларни ўрнатиш, янги ижтимоий-сиёсий масалаларни қўйиш даражасига кўтарилди. Жадидчилик ҳаракати туркий миллатларнинг маънавий-маданий кўтарилишига туртки бўлди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илғор педагоглар бу мактаблар учун турли дарсликлар, ўқиш китоблари, қўлланмалар ярата бошладилар. Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, ~~Ибра~~т, Ҳамза кабилар бу соҳада жонбозлик кўрсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Жадидлар бошқа ўлкадаги маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳам алоқа ўрната бошладилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, ўқув-ўқитув масалаларини ўзида акс эттирувчи жуда кўп журналлар нашр этилди. «Тараққиёт», «Ойна», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Самарқанд» каби журналлар шулар жумласидандир.

Маърифатчилик ҳаракати айниқса ўзининг ривож топган босқичида Туркистонда ўзга юртлардаги ижобий ютуқлардан фойдаланган ҳолда мустақил маънавий тараққиёт йўлини қидириш ва тарғиб этиш масалаларини олға сурди. Бу ҳаракат рус подшо ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига зарар келтиришдан чўчиган чоризм амалдорлари уни чегаралаш ва буғиб қўйиш чора тадбирларини кўра бошладилар.

19 XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бирга унинг маданий ҳаётида ҳам тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасида турли оқимлар пайдо бўлди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келди.

1917 йилдаги бутун россияда юз берган феврал ва октябр инқилоблари унинг мустамлакаси бўлмиш Туркистонда ҳам тўнгаришларга олиб келди.

Совет давридаги жуда ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятига ҳар хил тарзда таъсир ўтказди, барча соҳадаги ўргатиришларни қарама-қарши тусга киритди ва республика тараққиётининг асосий тенденциялари ҳамда йўналишларини узоқ йилларга белгилаб берди.

30-йилларда маданий-оқартув масалалари тармоғи кенгайишда давом этиб борди. Йирик саноат қорхоналарида маданият саройлари бунёд этилди, қишлоқ хўжалик артеллари қошида

колхоз клублари очилди, район маданият уйлари барпо этилди, кутубхоналар тармоғи кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари қошидаги кино қурилмаларининг сони кўпайди, стадион ва спорт майдончалари жиҳозланди. Кўп миқдорда китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари аҳолининг кундалик турмушида расм бўлиб қолди.

Бироқ, 30-йилларда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сизгиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қаттиқ исканжага олди. Ижодиётни партиявийлик тамоилларига, мафкуравий қоида-қонунларга бўйсундириш, дунёни бадиий тасвирлашни қўпол равишда социологиялаштириш учун кенг йўл очиб берди, дунёвий имкониятларни торайтириб қўйди. Партиянинг янги турмушни мадҳ этишга, халқ ўтмишига нигилистик муносабат пайдо бўлишига қаратилган сиёсати бадиий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни безатиб, енгил тусга киритиб кўрсатиш, ҳато ва камчиликлар тўғрисида суку сақлаш тенденциялари пайдо бўла бошлади. Оқибатда ҳаётини ҳақиқат бузилиб, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

30-йиллардаги қатогонлар миллий маданият учун даҳшатли фожяга айланди. Қонунчиликни қўпол равишда бузилиши ва инсон қадр-қимматлари поймол этилиши туфайли миллий маданият ўрни тўлмайдиган даражада завоқ кўрди. Истеъдодли адабиёт ва санъат арбоблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулайман, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин, Муҳаммад ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Ҳошимов ва бошқалар миллий маданият кучоғидан узиб олиниб халқ душманлари деб эълон қилинди. Қатогон қилинган ва таъқиб остига олинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча-неча йиллар мобайнида тақиқ бўлиб турди. Ноҳақ униттириб юборилган, кўпинча эса жисмонан ҳам йўқ қилинган жасур халқ фарзандларининг асарлари шахсга сизгиниш тугатилганидан кейин гарчи халққа қайтариб берилган бўлса-да, ўлимидан кейинги ҳеч қандай шон-шухрат улар бошидан кечирган таъқир-у қийноқларнинг аламини боса олмайди.

Дин ва диндорларни таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта завоқ етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтай-назардан ёндошиш инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама қаршилиги сиёсий қарама-қаршилик билан алмаштирилди. Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона» деган қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб унга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар миқёсдаги таъқибларни бошидан кечирмаган эдилар. Ўзбекистон руҳонийларининг асосий қисми 30-йилларда қамоқ лагерларига жўнатилди. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси ўтмишда гарчи диний маросимларни ўтказиш ўчоқлари бўлибгина қолмасдан, халқнинг буюқ меросини сақлаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия, санъат марказлари ҳам бўлганига қарамай беркитиб қўйилди.

Собиқ Совет даврида Республика маданий ҳаётида прогрессив ва регрессив тараққиётнинг бир-бирига қарама-қарши тенденциялари тобора кучайиб борди. 70-йиллар ва 80-йилларнинг биринчи ярмида, худди бошқа соҳаларда бўлганидек, Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида ҳам инқирозга хос вазият вужудга келди. Шу билан бирга ушбу йиллар давомида республика маданияти умуман муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Маданият, маориф муассасаларининг тармоғи сезиларли даражада кенгайди, буларни моддий-техника базаси мустаҳкамланди, аҳолининг умумий билим даражаси ўсиб, ижодий зиёлийлар сафи кенгайиб борди. Талайгина ажойиб бадиий асарлар, театр, мусиқа асарлари яратилди. Маданият ва санъатнинг ривожига истеъдодли ёшларнинг бутун бир катта гуруҳи қўшилди, миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиш жараёнлари белги бериб қолди.

Маънавий, бадиий ҳодисаларни баҳолашда синфийлик, партиявийлик сингари, мафкуранинг бадиият устидан ҳукмронлиги сингари принципларидан фойдаланиш, адабиётда социалистик реализм усулининг устуворлиги маданият ва санъатнинг ривожланишига тўғаноқ бўладиган механизмни вужудга келтирди. Бу принциплар партиянинг чекланмаган тоталитар ҳукмронлиги тазиқи остида зўрлик билан амалга ошириб борилди. Зиддиятлар, қарама-қаршиликларнинг сабаби ҳам худди ана шунда. Маънавий соҳада, бир томондан, чиндан ҳам сезиларли

ўзгаришлар рўй бериб борган бўлса, иккинчи томондан, ишқирозга хос вазият юзага келиб борди.

Туб миллий манфаатларни унутиб қўйиш, зўр бериб байналминаллашгириш маданий қурилишда салбий ролни ўйнади. Партиянинг маданият соҳасида байналминал маданиятни биринчи қўядиган сиёсати миллий маданиятни ривожлантириш режасини, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланишни орқа ўринга суриб қўйди. Маданиятни мафкуралашгириш ахлоқ-одоб, адабиёт, санъатнинг самарали миллий заминдан ажратиб қолишига сабаб бўлди, тарихий хотира, миллий анъаналар ва одатларни унутиб юборишга олиб борди. Байналминал маданиятнинг устивор тарзда ривожланиши Ўзбекистон туб халқлари тилларининг қўлланиш соҳасини торайтириб қўйди.

Маънавий соҳани бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими мустақамланиб бориши билан биргаликда фикр-мулоҳазалар ва баҳоларнинг обрўйига кўр-кўрона итоат қилиш, ижодий фаолиятга қўпол равишда аралашиб, ижодиётни энг оддий эркинликлардан ҳам маҳрум қилиш расм бўлиб борди. Маънавий ҳаётга буйруқбозлик йўли билан раҳбарлик қилиш, мафкуравий чеклашлар, тўғаноқ механизми, маданий сиёсатдаги зиддиятлар, маънавий соҳа эҳтиёжларини инкор этиш жамиятнинг маънавий ҳаётида инқирозли ҳолатларни юзага келишини белгилади.

Узоқ ва яқин ўтмишни ҳаёлдан ўтказиб, моҳиятини англашда 1991 йил 31 август куни – Ўзбекистон Республикасининг Мустақил деб эълон қилиниши тарихий воқеа бўлди. У миллий ўзликни англаш, том маънодаги миллий юксалиш учун шароит яратди.

Жамият ва миллат тарихи, тақдирида янги давр – Истиқлол даври бошланди.

«Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди, – деган эди И.А. Каримов, – Келажакимизни ўз кўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга умумбашарият эътирофи этган демократик мезонларга монан қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик».

Таянч тушунчалар

Шайбонийнома, Зафарнома, Ашгархонийлар, Манғитлар, рус-тузем мактаби, Гаспирали, жадидлик, қатағон.

Мавзу бўйича такрорлаш саволлари

1. XVI-XVII асрларда Моварауннахрда кечган маданий жараёнларни умумий изоҳланг.
2. XVI-XVII асрларда яратилган қандай санъат асарлари ва меъморчилик ёдгорликларини биласиз.
3. XVII асрни биринчи ярмида Мовароунахда рўй берган маданий таназзулнинг сабаблари.
4. XVIII асрни иккинчи ярмида Марказлашган давлатчиликнинг вужудга келишининг маданий тараққиётга таъсири.
5. XVIII-XIX асрларда адабиёт ва санъатга оид қандай йирик асарлар яратилган.
6. XVIII-XIX асрларда Хива, Қуқон ва Бухорода барпо этилган меъморчилик мажмуалари.
7. Туркистони забт этилишини маданий ҳаётга салбий таъсири.
8. Туркистон маънавий ҳаётида жадидчилик ҳаракатининг ўрни.
9. Жадидларнинг Туркистонда миллий маданиятни тиклашдаги фаолияти ва унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
2. Бартольд В.В. Туркистон маданий ҳаёти тарихи. Л., 1967 й.
3. Бухоро тарихи. Т., 1976 й.
4. Самарқанд тарихи. Т., 1969-70 й. 2-жилд.
5. Ҳоразм тарихи. Т., 1976 й.
6. Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти. Т., 1992 й.
7. Ўзбекистон тарихи. I-том. Ўзбекистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., 2000.

12-мавзу МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Маъруза режаси:

1. *Маънавий-маърифий ислохотлар – жамият тараққиётининг устивор йўналиши сифатида.*
2. *Таълим ривожининг ўзига хос хусусиятлари.*
3. *Ҳозирги босқичда маданий ҳаёт.*

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқдир.¹ Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ҳолатлар, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий-мафкуравий соҳасидаги ўзгаришлар бизга шўролар мустабид тузуми ҳамда истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излашга ва унга эришишга имкон беради.

Узоқ минг йилликлар тарихи шундан далолат берадики, ўзбек миллий давлатчилик тарихи энг аввало маънавият-маърифатнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу азалий анъанага мустақиллик йилларида ҳам алоҳида эътибор берилиши жуда аҳамиятли бўлди. Қайд этиш лозимки, истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агарда, шўролар мустабид тузуми даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта ғояга эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этиш бўлса, истиқлол даврида унинг мақсади тамомила ўзгарди.

Хўш, булар нималарда кўринди? Хусусан, энг аввало, мамлакат ҳукумати, Президентнинг маънавий-маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши, деб ҳисобланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ шуларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулиятнинг ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юклатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошланди. Дарҳақиқат иқтисодий-сиёсий омилларнинг ҳар қандай давлат, миллат ҳаётидаги ўрни ва роли каттадир. Бироқ, маънавий омилларгина жамиятда содир бўлган барча муаммоларни ҳал этишга қодир омил эканлиги энди ҳақиқатдир.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни поклантирувчи куч эканлиги эътироф этилмоқда, зеро шўролар мустабид тизими даврдан қолган ярамас «маънавий» меросдан покланмасдан туриб истиқлолга хизмат қиладиган, фуқаролар қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Тўртинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири — ўтмиш тарихий-маданий, илмий, ахлоқий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларига шўро даврида таркиб топган муносабат каби «иллат» сифатида эмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил асносида қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан ҳолилиги, муҳими, шаклланаётган миллий мафкуранинг маънавият билан уйғунлиги таъминланди. Мамлакат Президенти Ислоҳ Каримов қайд этганидек, мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устивор вазифа «халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир²³».

Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йилларида маънавият ва маърифатнинг ижтимоий мақсади аниқлаб олинди, унинг бажарилиши лозим бўлган вазифалари белгиланди. Ана шундай шароитда жамият фуқаролари томонидан билдирилган ижтимоий эҳтиёж — маънавий-маърифий соҳаларда янги аср ва умуман, учинчи минг йилликдаги бош ғоя қандай бўлиши аниқланди.

²³ Каримов И. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., 1999. 16-бет.

Хўш, ҳозирги ва янги асрда маънавият соҳасидаги бош гоёмиз нималардан иборат? Мазкур саволга жавоб бера туриб, И. Каримов қуйидагиларни ёзади: «Модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро-онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий гоёмиз бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда истиқлол маънавият соҳасида мавжуд бўлган вазифалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил равишда бажарилиб келинмоқда. Чунончи, агар истиқлолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий ҳаётида турган энг бош вазифа фуқароларда шўролар даврига хос тафаккурни эскича фикрлаш сарқитларини бартараф этиш эди. Мазкур масалада қатор ютуқларга эришилди. Бироқ, бу борада ҳали талай ишларни бажариш лозим»²⁴.

Иккинчи, энг муҳим вазифалардан яна бири эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантиришдир, зеро «озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир»²⁵.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон маданияти хусусида фикрлаш асносида алоҳида қайд этилиши лозим бўлган масалалардан яна бири – маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг тобора конкретлашиб бориши, вазифаларни ҳал этиш йўлларининг ойдинлашувидир.

Маънавият жамият аъзоларини рухан поклантирувчи, қалбан улғайтирувчи, инсон ички дунёсига, иродасига куч-қувват берувчи, миллий виждонини уйғотувчи ва доимий ҳаракатдаги конкрет кучдир. Шундай экан, маънавиятга умумий тарзда муносабатда бўлиш хатодир, зеро ҳар бир фуқаронинг маънавий-мафкуравий, комиллик даражаси бир хил бўлмагани каби,

²⁴ Ўша жойда. 18-бет.

²⁵ Ўша жойда. 19-бет.

уларнинг бундай сифатларини уйғунлаштириб турувчи кўринишлари ҳам конкретдир.

Хусусан, янги аср бўсағасида энг асосий вазифамиз нимадан иборат? /Мамлакат Президентининг таъкидлашича, маънавият соҳасидаги стратегик мақсадимиз – «миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий гоё ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир»²⁶.

Юқорида билдирилган фикрдан табиий равишда келиб чиқаётган хулоса шундан иборатки, истиқлолнинг ҳозирги босқичида маънавий-маърифий соҳадаги ишларнинг ташкил этилишидан, энди, бундай ишларнинг самарадорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўш, маънавият соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш деганда нимани тушуниш мумкин? Умуман, маданий-мафқуравий соҳасидаги ишларимиз жамиятни маънавий юксалтиришга қодир-ми?

Шу ўринда қурилаётган демократик, ҳуқуқий инсонпарвар жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянишини бу жараён эса миллий гоё ва миллий мафқурага, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланишини алоҳида қайд этиш жуда муҳимдир.

Агар, истиқлолнинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий таъбирлардан кўзланган мақсад шўро мустабид тизими асоратларидан қутулиш, жамиятда маънавий яқдиллик яратишдан иборат бўлган бўлса, энди эса, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш устивор тавсифга эга бўлмоқда. Маънавиятнинг мамлакатда демократик, ҳуқуқий, қудратли давлат қуриш йўлидаги муҳим омил эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида маънавий омиллар ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига қараш ҳам тубдан ўзгарди. Чунончи, истиқлолнинг дастлабки давларида «сохта байналмилаллик» олдида юрак олдириб қўйган ҳамда ҳадиксираш касалидан холи бўлмаган ҳолда ҳар қандай

²⁶ Қаримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., 2000, 24-бет.

миллийликни улуғлаш ва ҳар қандай «байналмилаллик» дан қочиш хиссиёти юзага келган эди. Бундай жиддий ва қатъий қутблилик, табиийки, жамият ижтимоий тараққиётига; ай-ниқса, миллатлараро муносабатлар масаласига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати маданиятдаги миллийлик ва байналмилаллик нисбатини сақлашга муҳим вазифа сифатида муносабатда бўла бошлади. Айни пайтда 130 га яқин миллат ва элат яшаётган Ўзбекистонда ҳар бир миллат равнақи, унинг барқарор тараққиёти, хавфсизлиги ва яшаш кафолотларига ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, у ёки бу миллатга мансуб кишилар гуруҳининг худбинлик кайфиятларини муқаррар тарзда бошқа миллат, халқ имкониятларини зўравонлик ва зугум билан чегаралаб қўядиган давлат сиёсатининг ишлаб чиқиши бу борадаги амалий ишларнинг самарасини оширди.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқларнинг маданий тараққиёти, уларнинг ўзликларини англаш жараёнларига бўлган ингилишларини қонуний-ҳуқуқий асосда қондириш масалалари ҳам мамлакат ҳукумати олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Шу ўринда 1989 йили маданият вазирлиги ҳузурида республика миллатлараро маданий марказнинг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Агарда 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда 12 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса²⁷, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 80 дан ортди. Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказлар фаолияти устидан мувофиқлаштирувчи ишларнинг кўлами ҳам ортди ва 1992 йил январ ойида ҳукумат қарори билан Республика Байналмилал Маданий маркази ташкил этилди.

Ушбу марказнинг бош вазифаси қилиб эса миллий маданий марказларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий анъана, урф-одатларни қайтадан тиклаш, МДХ ва хориж давлатларидаги байналмилал маданий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, Ўзбекистонда миллатлараро алоқаларни яхшилаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш каби муҳим масалалар киритилди.

²⁷ Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. Т., 1996. 111-бет.

Истиқлол йилларида маънавият-маърифат масаласига жиддий эътибор ҳукумат томонидан бу борада мукамал тарзда ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб боришни талаб этди. Шу аснода 1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа юз берди: Президент Ислом Каримов фармони билан Республика Маънавият ва Маърифат жамоатчилиқ маркази ташкил этилди.

Маълумки, собиқ иттифоқ тугатилиши билан бирга унинг коммунистик мафкураси ҳам барҳам топди. Бу мунофиқ, яккахоким мафкуранинг аччиқ сабоқларидан аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб мамлакатимизнинг Асосий Қонунида «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси бўлишига йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилди. Шу аснода, жамиятимиз ҳеч қачон мафкура яккахокимлиги рўй бермаслиги учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдевор яратилган. Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази айни шу мақсадни кўзда тутиб ташкил этилди²⁸.

Қайд этиш лозимки, маънавият-маърифат маркази қисқа давр ичида халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажagini белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш бўйича йирик ишларни бажарди. Шу билан бирга, маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилиқ йўли билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши ўз самарасини бермоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида 1996 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади²⁹. Ундан мазкур масалада жиддий ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим ҳолларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг силжишимини, фаровон жамиятга тезроқ етишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжудлиги, бу ишга дахлдор раҳбарларда масъулиқ хислари паст эканлигига эътибор қаратилди.

Фармонга асосан 1997 йилдан бошлаб 1 октябр «Ўқитувчилар ва мураббийлар» кuni деб эълон қилинди, «Маънавият» нашриёти ташкил этилди, «Маънавият ва маъри-

²⁸ Жўраев А. Агар огоҳ сен ... Т., 1998. 148-бет.

²⁹ Гулистон, 1997, №1, 4-бет.

фат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди.

Бу борадаги ишларни тартибга келтириш, фаолият самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1999 йил 3 сентябрда «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Ушбу фармон маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устивор йўналиши эканлиги тўғрисидаги гоёни янада мустаҳкамлади ва янада унга куч берди.

Хукумат томонидан қурилган тadbирлар самараси натижасида маънавият ва маърифат жамиятда руҳий покланишга, шахс улуғворлигини оширишга, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик давлат қуришга мустаҳкам пойдевор яратди.

2. Таълим тараққиёти, унинг ўзига хос хусусиятлари.

Инсоният тарихида ўз ижтимоий аҳамияти жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ ҳолатлар, қадриятлар мавжудки, булар у ёки бу миллат, элат, халқнинг мавжудлик белгиси, тараққиёт мезони сифатида баҳоланиши мумкин. Миллат мавжудлигининг ана шундай муҳим белгиларидан бири таълим тизими ҳамда юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Дарҳақиқат, таълим тизими демократик тамойиллар билан уйғунлашган, унинг инсонпарвар жамият барпо этиш каби зарур ижтимоий эҳтиёж талабларига жавоб бергандагина у ўз олдига қўйган буюк мақсад — баркамол авлодни тарбиялаш ва шакллантириш вазифасини адо этиши мумкин.

Коммунистик «назария» томонидан таълим тизимига қўйилган асосий мақсад — жамият аъзоларини мафкуравий қулликка, итоаткорликка мажбур қилишдан бошқа нарса эмасди. Мафкуравий бикиклик, эркин фикр юритишдан иборат (шахс дахлсизлиги, демократик тамойилларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатлар кишиларда ижтимоий пассивлик ҳолатини юзага келтирди).

Буларнинг бариси Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврида ноқ барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширишга, туб ислохотларни ўтказишга ундади. Истиқлол мамлакат фуқароларида эркин фикрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёжни уйғотди.

Мафкуравий қулликдан ҳоли равишда, мамлакат ва халқ манфаатларига мос тарзда фаолият кўрсатишга интилиш хиссиётини бемалол, эмин-эркин рўёбга чиқариш Ўзбекистон

фуқаролари дунёқарашида янгиликка ташналик кайфиятини пайдо қилди. Бу масала айниқса, янги тайёрланиши, шаклланиши лозим бўлган мутахассис кадрларга нисбатан муносабатни ўзгартириб юборди. Истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ мамлакат ҳукумати мавжуд таълим тизимида туб ислохотларни ўтказишга алоҳида аҳамият беришга киришиши лозимлигини англаб етди. Мамлакат Президентги таъкидлаганидек, «олдимиизга қўйган энг эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир гоьтда долзарб масала – кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бу борада бошланган ишларимизни давом эттириш ва кучайтириш бундан буён ҳам биз учун устивор вазифа бўлиб қолди»³⁰.

Хўш, юқорида қайд этилган ҳолатлардан ташқари, яна қандай сабаблар таълим тизимида туб ислохотларни ўтказишга ундади? Булар, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кабилардир.

Буларнинг бариси таълим тизимини зудлик билан ислох этишни, мазкур соҳани чуқур инсонпарварлаштиришни талаб этарди. Тўғри, 1992 йил июлида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва давлатимизнинг шу асосдаги таълим-тарбия сиёсати ишлаб чиқилган эди. Унда умумий таълим куйидаги босқичлар бўйича амалга оширилади:

I босқич – бошланғич таълим (1-4 синф);

II босқич – асосий (таъинч) мактаб (4-9 синф);

III босқич – юқори ўрта мактаб (10-11 синф);

✓10-11 синфлар ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашга хизмат қила бошлади.

Таъкидлаш лозимки, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб республикамизда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги, «Мактабгача тарбия», «Умумий ўрта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар»,

³⁰ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., 2000. 27-бет.

«Ёшлар сиёсатига оид» каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилганлигини, давлат таълим тизими жаҳон амалиёти талабларига мувофиқ келиши учун хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларнинг ўрганилаётганлиги ва шу аснода 20 дан ортиқ йўналишлар, фанлар бўйича стандартлар лойиҳали тайёрланди³¹.

1993-94 ўқув йилида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари ўқувчилари билимларини текшириш юзасидан ўтказилган тест синовлари қуйидаги натижаларни кўрсатди. Ушбу синовга 70 та туман ва шаҳарларнинг 400 дан ортиқ мактабларнинг ўқувчилари жалб этилди. 9-синфларда кимё ва адабиёт фанларидан тест синови ўтказилди. Яқунлар қуйидаги меъёрда баҳоланди: 90 фоиздан ортиқ тўғри бажарганларга «5» баҳо, 80 фоиздан камига «4» баҳо, 60 фоиздан ортиғига эса «3» баҳо.

Мазкур синовлар натижалари ўқувчиларнинг гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича чуқур билим олаётганликларини кўрсатди. Масалан, адабиёт фани бўйича таянч мактабларининг 10186 ўқувчисидан 1275 таси 90%дан ортиқ вазифаларни, 2552 ўқувчи 80%дан ортиқ вазифаларни бажардилар, яъни ўқувчиларнинг тўртдан уч қисми фанни яхши ва аъло баҳоларга ўзлаш тирганликларини намойиш этдилар³².

Истиқлол йилларида умумтаълим мактабларида она тилини ўқитишга муҳим эътиборнинг қаратилиши ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни бажариш юзасидан олиб борилган ишлар таълим-тарбия жараёнининг сифатини янада ошишига сабаб бўлди. Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда она тили ва адабиётга ажратилган соатлар ҳажми кўпайиб, 2720 соатга етди. Ўқиш рус тилларида олиб бориладиган мактабларда эса ўзбек тили фанига ажратилган соатлар 544 соат ўрнига 1020 соатга етди. Булар ўқувчиларда миллий ўзлигини англаш хиссини кучайтирди, ўз ўлкасига, тарихига қизиқишини ва ўз Ватанининг гуллаб-яшнаши йўлида фаолият кўрсатиш хиссини уйғотди.

Умуман, 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишда маълум рол ўйнади. Мазкур ҳужжат шўролар мустабид тизими даврдан «мерос»

³¹ Эргашев К. Ўзбекистон халқ таълимининг ривожланиш тарихи. Т., 1998, 59-бет.

³² ЎзР ХТБ УМББ нинг жорий ҳужжатлари. 2-9-13-иш; 2-3 варақлар.

бўлиб қолган, коммунистик мафкурага хизмат қилувчи мафкуравий кучни бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этди, жаҳон андозаларига мос тизим яратилишида дастлабки қадам бўлди.

Бироқ, қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг янги шароитдаги вазифаларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати таълим тизимини тўлиқ ислоҳ этишга қодир ҳужжатларни қабул қилишга эътиборни кучайтирди ва бу борада бош ислоҳотчилик йўлини ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида тамомила янги, сифат жиҳатдан мукамал «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди.

Мамлакат Президенти юқорида қайд этилган ҳужжатларни қабул қилишга ундаётган омилларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги фикрни баён этди. Биринчидан, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан хали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ. Иккинчидан, барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас.

Учинчидан, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги кун замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда³³. Мазкур мулоҳазалар янги ҳужжатлар қабул қилингунгача бўлган даврдаги таълим тизимининг чекланганлигидан яққол далил берарди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг энг илғор жиҳатларидан бири — унда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг баён этилиши бўлди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

³³ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997, 6-бет.

– ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

– таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

– давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

– таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндошув;

– билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

– таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Масалага бундай тарзда ёндошув таълимнинг мамлакатда кўрилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият талабларига тўлиқ жавоб бериши, унинг миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигидан гувоҳдир. Шу билан бирга, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларига асос солинди, мавжудларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг таълим-тарбия соҳасига шу даражада қатта эътибор бериши бежиз эмасдир. Гап шундаки, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият кўпчилиги ёшлар, ўсмирлардан иборат бўлиб, улар ўз келажакларини айнан билим олиш билан боғлагандирлар. Хусусан, ҳозирда Ўзбекистонда 9,5 мингга яқин умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, 300 га яқин ўрта махсус муассасалар, 65 та олий ўқув юртлиари бўлиб, улардан 600 мингдан ортиқ турли малакадаги педагоглар меҳнат қилади.

Сўнгги йилларда миллий мактаблар тизимини яратиш борасидаги ишларнинг таркибий қисми сифатида республикаимизда яшаётган ва озчиликни ташкил этган (мамлакатлар) миллатлар фарзандлари таълим-тарбиясига ҳам эътибор кучайтирилди. Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ ўқувчиси бўлган 50 га яқин қрим-татар мактаби, 130 та ўқувчисига эга бўлган 2 та немис мактаби, 2400 га яқин ўқувчисига эга бўлган 24 та корейс мактаби, 4 та уйғур, 1 дан курдлар, яҳудийлар мактаблари фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, 9 мингдан ортиқ қозоқ фарзандлари, 3000 мингдан ортиқ тожик фарзандлари, 1 мингдан

ортиқ қирғиз фарзандлари ва 1,5 мингга яқин туркман фарзандлари ҳам ўз тилларида таълим-тарбия ола бошладилар³⁴.

Ўзбекистон ҳукумати истиқлол талабларига жавоб бера оладиган иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларга фан йўлидаги сўқмоқларни шараф билан босиб ўтиш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширмақда. «Умид» жамғармасининг Ўзбекистон Президенти томонидан таъсис этилишини шу маънода тушуниш лозим. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январ Қарорига мувофиқ иш бошлади.

Маълумки, мамлакатимизда тарихий туб ўзгаришларни муваффақиятли ўтказиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун жаҳон андозалари даражасида билим олган истеъдодли, руҳан баркамол ёш миллий кадрлар зарурдир. «Умид» жамғармасининг ўз олдида қўйган энг катта мақсади ҳам халқ хўжалигининг нуфузли тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдан иборат бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонлик талабалар ўз танлаган ихтисосликлари бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг жаҳонга машҳур олий ўқув юртларига муваффақият билан шугулланмоқдалар.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури жамиятни маънавий жиҳатдан барқарорлаштириш жуда катта вазифаларни бажармоқда, ёшларда Ватанга, миллатга меҳр-муҳаббат хиссини сингдиришда, жаҳон андозаларига мос фаолият кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, янги таълим-тарбия дастури ёшларда мафкуравий эътиқодни мустаҳкамлашда, миллий ғоя ва миллий мафкура моҳиятини англашда алоҳида аҳамиятлидир, зеро, мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш жуда зарурдир. И Каримов қайд этганидек, энг муҳим вазифа «уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»³⁵.

³⁴ Эргашев К. Ўзбекистон халқ таълимининг ривожланиш тарихи. Т., 1998. 64-бет.

³⁵ Каримов И. Доншманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Т., 2000. 6-бет.

3. Маданий ҳаёт.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият — инсон учун мавжудлик белгиси. Маънавий бойлик — у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилидир. Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан бирга ҳар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас.

Шу ўринда мамлакат юртбошисининг «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз»³⁶, — деган фикрларида жуда манتيқ ва маъно бор. Бироқ, шўролар мустабид тизими шароитида ўзбек миллий маданияти ҳаддан ортиқ даражада кўп зарар кўрди. Барча мустамлакачилик каби коммунистик мафкура маддоҳлари ҳам ўзбек халқини кул қилиш учун энг аввало шу халқнинг миллий маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар.

Таъкид этиш жоизки, маънавий маданияти юксак, унинг илдиzlари бақувват халқнинг ижтимоий онгидан шу халқ маданиятини ҳеч қачон тамомила йўқ қилиш мумкин эмас. Тўғри мустамлакачиликлар натижасида ўзбек маданиятига катта зарар етказилди, унинг маънавий илдиzlарини қирқиб ташлашга уринилди. Лекин улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Бунга яқин ва узоқ тарих гувоҳдир. Эндиги вазифа — маънавий ҳаётдаги барча йўқотишларнинг ўрнини қоплашдан иборат бўлди. Бу нарса халқимизнинг маънавият ва маърифатга муҳтожлиги ва унинг танқислиги билан белгиланди. Кишининг ўзлигини англаши, ўз шаънини ҳимоя қила олиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун ориф бўлмоғи, қалбининг тубила, жиндай бўлсада, маърифат шамчироғи ёниб турмоғи лозим. Ана шунда одам гуноҳдан ҳазар қилиш, барча неъматлардан ақл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутади. Ножўя хатти-ҳаракатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди³⁷.

Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамла-

³⁶ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998. 18-бет.

³⁷ Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т., 1999, 150-бет.

качиликлар даврида йўқотилган, тапгаланган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни уйғотди.

Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди. Театр, мусиқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Айниқса, театр санъатининг ривожига гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 36 та драматик, мусиқали драма ва комедия, опера ва балет, кўтирчоқ театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан, Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш, республика Маданият ишлари вазирлиги театр ташкилотлари негизида ва театр арбоблари уюшмасида бадиий замонавий сахнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлар чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси ўзининг театр ташкилотлари ҳамда минтақавий бўлимига эга бўлиб, мулкчилик шаклларида ва қандайдир муассасага идоравий дахлдорлигидан қатъи назар мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр студияларида халқ

театрлари ва бошқа тегишли ташкилотлар жамоаларини ихтиёрлий тартибда бирлаштирди³⁸.

Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябр ойида ўтказилган «Хумо» халқаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу фестивалда Ўзбекистон ва Исроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестивал доирасида 32 та спектакл намоёниш этилди, уларни 20 мингдан ортиқ томошабин томоша қилди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг қўламли маънавият кўзгусидир. Шўролар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлига айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг миллий қўшиқчиликка бўлган ижтимоий эҳтиёжини эътиборга олиб миллий руҳдаги, халқнинг кўнглига яқин мусиқа асарларини яратишга бўлган қизиқишни доимо рағбатлантирди. Истиқдолнинг дастлабки кунлариданоқ мусиқа санъати бўйича қатор кўрик-танловлар ўтказила бошланди. Хусусан, 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, қўшнаё, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика кўрик танлови, апрел ойида Тошкент вилоятида ҳаваскор қўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, машҳур санъаткорлар Жўрахон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиқов, Жанақ Шомуратовларнинг асарлари ижрочиларининг «Боқий овозлар» деб номланган кўрик-танловлари ўтказилди. Айни вақтда 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, июн ойида Қўқонда ўтказилган IX анъанавий ва лапар, ялла ижроияларининг август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган XI анъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси. 100 саволга 100 жавоб. Т., 1998, 177-бет.

Мамлакатимиз ҳукумати қўшиқчилик санъатидан мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда 1995 йил декабрда «Ўзбекистон – Ватаним маним» мавзuidaги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. Мазкур танлов барча вилоят, шаҳар ва туманларда жуда катта кўтаринкилик руҳида ўтказилди ва унинг натижасида юзлаб янги, мустақиллик даври қўшиқлари яратилди, кўлаб истеъдодли санъаткорларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

«Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқ кўрик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги муסיқий асарлар яратилди. Қайд этиш лозимки, мазкур танлов истиқлолни, Ватанни, ўзлигини англашда муҳим қалам бўлди. Халқимизнинг бундай тадбирга қизиқиши ортиқ бўлди.

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида махсус фармон қабул қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юсак бадиий савиядаги муסיқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқ байрами кўни, деб белгилаб қўйилди. Айни пайтда, халқимизнинг қўшиқчилик санъатига бўлган буюк қизиқишини эътиборга олиб, Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Натижада, мазкур кўрик-танлов ҳозирда оммавий тус олди, унда нафақат ўзбек миллий, шу билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа барча халқлар вакиллариининг эркин ижод қилиши, ўз санъатларини намойиш этиш имконияти яратилди. Профессинал ва халқ бадиий ижодиёти асосида санъатнинг қўшиқчилик турига тенг эътибор берилиши, уларнинг уйғун ривожланишига шароит яратилиши тўфайли мазкур санъат тури янада ривож топмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда жаҳон цивилизациясида алоҳида ўринга эга бўлган буюк моддий маданият яратилди. Улар халқаро ҳамжамият томонидан аллақачон эътироф этилган. Бироқ, шўролар мустабид тизими даврида Ўзбекистон моддий маданиятига катта зарар етказилди. Минглаб ноёб маданият дурдоналари, асори-атиқалари хорижга, асосан, Москва, Санкт-

Петербург музейларига ташиб кетилди. Миллий ўзликни англашда бундай ёдгорликларнинг аҳамияти катта эканлигини эътиборга олиб, мустамлакачилар иложи борича улар ижтимоий-маданий аҳамиятни камчителишга ҳаракат қилдилар.

Аммо, мустақиллик бундай жирканч сиёсатга барҳам берди. Истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ музейлар, қўриқхоналарнинг ўрни ва ролини белгилаб беришга алоҳида аҳамият берилди. Маълумки, ҳозирда биргина Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадиий, 1 та табиий-илмий музейлардир.

Шу билан бирга Самарқандда Давлат музей-қўриқхонаси, Бухорода Давлат музей-қўриқхонаси, Хивада «Ичон-Қалъа» давлат музей-қўриқхоналари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилги маълумотларга кўра, республикамиздаги музейлар фондида 1305786 экспонат сақланмоқда. Биргина 1999 йилда уларнинг асосий фондида 7544 та экспонат қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида барча музейларга 1655400 киши ташриф буюрди³⁹.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг ў миллий ўзлигини англаш жараёнини янада жадаллаштиришни эътиборга олиб, 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 5 декабрда эса «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарорларни эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Унга биноан барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди⁴⁰.

³⁹ «Мозийдан садо», 2000, №1-2, 22-бет.

⁴⁰ «Гулистон», 1998, №2, 5-бет.

Кўрилган барча тадбирлар натижасида музейларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти анча ортди, уларнинг ўзбек халқи миллий ўзлигини англаш жараёнидаги роли кучайди. Музейларга эътибор хорижлик фуқароларнинг Ўзбекистонга, унинг бой ва қадимий маданиятига бўлган қизиқишини оширди.

Истиқлол ўзбек халқига ўз миллий адабиётини қайтариб берди. Коммунистик мафкуранинг жарчисига айланган «совет адабиёти» вайронлари ўрнига пайдо бўлган ўзбек миллий адабиёти тезликда ўзининг қаддини кўтарди, партиявийлик, синфийлик каби хатто методологик асослардан воз кечила бошланди. Мумтоз адабиётга муносабатда диний адабиёт, феодал-клерикал адабиёт, сарой адабиёти дейилган тупунча ва бир миллат адабиётини реакцион ва прогрессив деб иккига бўлиб ўрганишдек хатто назарий чеклашларнинг даф этилиши миллий адабиётнинг ҳолисона баҳоланишига имкон яратди.

Диний манбаларнинг, жалид адабиётининг сиёсий-мафкуравий ақидаларсиз ўрганилишига нисбатан бўлган муносабатнинг ижобий ҳал этилиши жамиятни маънавий жиҳатдан барқарорлаштиришга шарт-шароитлар яратди.

Шундай қилиб, мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди. Истиқлол туфайли маънавий турмушимиздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошланди. Қурилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий тазйиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти Ўзбекистон маданиятини халқчил қилди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёдаги ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшashi учун мустақкам замин яратилди.

Таянч тушунчалар

Маънавий-маърифий ислоҳот, устувор йўналиш, маънавият ва маърифат маркази, миллий ғоя, миллий-маданий марказ, истиқлол мафкураси, комил инсон.

Мавзунинг такрорлаш учун саволлар

1. Мустақиллик шароитида миллий маданиятлар ривожланишининг ижтимоий-сиёсий омилларини таҳлил этинг.
2. Маданий юксалишнинг ҳозирги босқичи хусусияти нимада?
3. Мамлакатимизда амалга ошириляётган маънавий-маърифий ислохотларнинг моҳияти ва зарурлиги.
4. Маънавий-маърифий ислохотларнинг амалга оширишнинг асосий йўллари айтинг.
5. Таълим қонуни ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий-маърифий ислохотлари амалга оширишдаги аҳамияти.
6. Маданий тараққиётда миллий-маданий марказларнинг ўрни.
7. Маданий-маърифий ислохотлар жараёнида миллий тарихий меросга муносабат мезонлари.
8. Маданий тараққиётда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлиги.
9. Маданий-маърифий ислохотлар ва комил инсон тарбияси вазифасини тушунтиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992.
2. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
3. Каримов И. А. Биз қуриш ва яратин йўлидан бораверамиз. Т., 1995.
4. Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т., 1996.
5. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., 1996.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1996.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т., 1997.
8. Каримов И. А. Тарихий ҳолирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
9. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., 1999.
10. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка иншондир. Т., 2000.

МУНДАРИЖА

Муқалдима.....	3
----------------	---

МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

1-Мавзу. Маданият нуқсонлик фанининг предмети ва вазифалари. «Маданият» тушунчаси талқини.....	6
2-Мавзу. Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.....	23
3-Мавзу. Маданий ва маънавий мерос.....	41

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

4-Мавзу. Архаик (ибtidoий) маданият.....	50
5-Мавзу. Анъанавий маданият.....	66
6-Мавзу. «Диний маданият» (IV-XVI асрлар христиан европаси ва мусулмон шарқи).....	82
7-Мавзу. Техноген маданият (XVI-XX асрлар).....	95

БАТАН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

8-Мавзу. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти.....	107
9-Мавзу. Шарқ уйғониш даври маданияти.....	122
10-Мавзу. Темур ва темурийлар даври маданияти (XIV асрнинг иккинчи ярми — XV аср).....	129
11-Мавзу. XVII-XX асрларда Марказий Осиё маданияти.....	148
12-Мавзу. Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.....	160

Босишга рухсат этилди 21.08.2000 й. Бичими 60X84^{1/16}. «TimesUZ»
ҳарфида теришиб, офсет усулида босилди. Босма табоғи 11,25.
Нашр ҳисоб табоғи 10,7. Адади 5000. Буюртма № 263
Баҳоси шартнома асосида.

Қўлёзма макет олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қошидаги ЎАЖБНТ марказида тайёрланди

ФТДҚ, ДИТАФ босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор кўч., 171 уй.